

**АБУ ХОФС НАЖМИДДИН УМАР
АН-НАСАФИЙ АС-САМАРҚАНДИЙ**

*(КИТОБГА АБУЛ ҲАКИМИ САМАРҚАНДИЙ
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТГАН)*

Қ А Н Д И Я

(САМАРҚАНДИНИНГ АЛЛОМА-АВЛИЁЛАРИ ТАРИХИ)



63.3(54)
к 280

*АБУ ХОФС НАЖМИДДИН УМАР
АН-НАСАФИЙ АС-САМАРҚАНДИЙ*

*(КИТОБГА АБУЛ ҲАКИМИ САМАРҚАНДИЙ
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТГАН)*


АЛ-ҚАНД ФИ ТАЪРИХИ САМАРҚАНД

Қ А Н Д И Я

(САМАРҚАНДИНИҲ АЛЛОМА ВА АВЛИЁЛАРИ ТАРИХИ)

ТАДҚИҚОТ, ТАРЖИМА, СЎЗБОШИ,
ИЗОҲ ВА ЛУҒАТЛАР МУАЛЛИФИ

КОМИЛХОН КАТТАЕВ



САМАРҚАНД - «СУҒДИЁН» 2016

Илмий-оммабол нашр. Форс тилидан таржима, тадқиқот,
сўзбоши, изоҳ ва луғатлар муаллифи: Комилхон Каттаев

**ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
САМАРҚАНД БЎЛИМИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ
ТОМОНИДАН ЧОП
ЭТИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН**

*Самарқанд вилоят ҳокимининг 04-3/4 1244 сонли кўрсатмаси
ҳамда Самарқанд шаҳар ҳокимининг
№156-Ф рақамли Фармойишига биноан чоп этилди*

**Буюк Имомлар Бурҳониддин Марғиноний ва
Абул Ҳасан Растуғфоний хотираларига бағишланади**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ННТ Фонди
Гранти томонидан ажратилган маблағга чоп этилди**

“Сугдиён” нашриёти, Самарқанд. 2016 йил.
© Комилхон Каттаев.

ТАРЖИМОНДАН

Дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бўлмиш Самарқанд ҳақида тарихчилар турли даврларда кўглаб китоблар ёзишган. Шаҳарнинг ва Самарқанд номининг келиб чиқиши ҳақида тарихий асарларда турлича тахминлар айтилган. Уларнинг қайси бири афсона ёки ҳақиқат бўлишидан қатъий назар, ҳаммаси ўтмиш тарихимиз ҳақида қимматли маълумот манбандир.

Самарқанд тарихи ҳақида биринчилардан бўлиб Абу Саъид Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий (вафоти 405\1015) “Таворихи Самарқанд” асарини ёзади. Умуман Самарқанд ҳақида ёзилиб, бизгача етиб келган асарлар сирасига Абу Хофс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ас-Самарқандийнинг “ал-Қанд фи тарихи Самарқанд” асари, Абу Фазл Муҳаммад бин Абу Жамил бин Абдумалик бин Ҳаїдар ас-Самарқандийнинг “Қандия хурд”, Абу Тохирхожа ибн Абу Саъид Самарқандийнинг “Самария” каби асарлари киради. Бу ва бу каби асарларда Самарқанд шаҳри ва номининг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар айтилган. Масалан, “Тарихи Табарий” асари муаллифи ат-Табарий, “Ғиёсул-луғот” муаллифи Муҳаммад Ғиёсуддин ва “Самария” муаллифи Абу Тохирхожа кабиларнинг ёзишларича, “Самар” - бир подшоҳнинг номи бўлиб, “қанд” эса - туркчасига “шаҳар” деган маънони англатади (яъни, “кент” каби). Уларнинг бир фикрича, Яман подшоҳининг жияни бўлмиш Самар бу шаҳарга подшоҳ бўлган экан. Иккинчи бир фикрлари бўйича, шарқдан келган Самар Боқир исмли подшоҳ шаҳар деворини буздирган ва натижада форс тилида “Самар қанд” (яъни, Самар қозди) номини олган. Учинчи фикрлари бўйича эса, Самар номлик бир киши томонидан қазилган бир булоқ бўлган ва халқ ушбу булоқ атрофида йиғилишиб, ўрнашганлари учун шу номга эга бўлган. Араблар келишгач, ҳар уч маънодаги номларни умумлаб “Самарқанд” деб атаганлар, дейилган. Яна бир тарихчи Ибн Халликон ўзининг “Таворих” асарида, шаҳар номини “Самарқанд” бўлган, яъни Самар номли подшоҳ шаҳарни вайрон, хароб - “қанд” қилган, деб ёзади.

“Қандия хурд” китобида эса янада бошқача бир фикр баён этилган. Унда ёзилишича: “Афлотун каби олиму донишмандларнинг айтишларича, Самарқанд бешинчи иклимда, Жайхун ва Сайхун оралиғида жойлашган ҳамда Шарқий подшоликка қарашли шаҳардир. Самарқанд шаҳрини Туббо ибн ал-Мутабиянинг биродари Шамар ибн Хорис қурган. Шаҳар қуриб битилгач, уни қурган киши - Шамар номи билан аталган. Шамар исмига форсча қатъ (шаҳар) сўзи қўшилиб, Шамарқат ва кейинчалик Самарқанд деб аталган”.

Бизга маълумки, кўпгина бадий асарларда ҳам Самарқанд шаҳри билан боғлиқ воқеалар қайд этилган. Масалан, афғон адиби Форуғ Қобулийнинг (XVIII-XIX аср) “Самар ва Қанд” дostonининг мазмунини куйидагича: Самар исмли бир қабила бошлиғи Малик Бовар деган подшонинг Қанд исмли қизини севиб қолади. Лекин Қанднинг онаси қизининг Самарга турмушга чиқишига тўсқинлик қилади. Шундан сўнг Самар дашту биёбонларда сарсон юганида

Искандар Зулқарнайнинг қўшинига дуч келиб қолади. Самарнинг дарду армониини эшитган Искандар унинг Қандга уйланишига ёрдам бермоқчи бўлиб, Қандни кўргач, унга ўзи ошиқ бўлиб қолиб, совчи юборади. Қанд бунга рози бўлмай ўз жонига касд қилади. Қанднинг вафотини эшитган Самар севгилисининг қабри устига бориб ўзини ўлдирди. Икки ёшнинг ҳаётига зомин бўлган Искандар Зулқарнай бу ишдан кўп пушаймон бўлиб, уларнинг қабри устига макбара қурдиради. Бу макбара атрофига аҳоли кўчиб келиб, шаҳарга айланади ва натижада Самарқанд пайдо бўлади.

Умуман жуда кўплаб тарихий ва бадний асарларда шунга ўхшаш турли хил ривоятлар келтирилган. Бу ривоятларда ҳам маълум ҳақиқат бордир, зинҳор буни инкор этишдан йироқмиз.

Лекин, “Самар” сўзининг туб маъносини чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, шаҳар номи бирор-бир шахс номини эмас, балки бошқа бир белги, сифат билан боғлиқлигини кўраемиз. “Самар” сўзи қадимги араб ва форс тилида бир неча маънони англатган. Кейинчалик алифбо шакллангач, бу сўзларни бош харфи орқали ажратишган.

Масалан: 1. “Самар” - (уч нуктали “со”- харфи билан ёзилса) мева ва мевали дарахт маъносини англатган;

2. “Самар” - (“син” - харфи билан ёзилса) машҳур ва танилган, деган маънони англатган;

3. “Самар” сўзи қадимий араб тилида яна бир маънони англатади; яъни, бирлиги - самар, кўплиги эса - асмор бўлиб, афсона ёки кечки афсона маъносини англатган. Кўриниб турибдики, шаҳар номи уч маънода келаётди:

1. Мевазорли шаҳар; 2. Машҳур шаҳар; 3. Афсонавий шаҳар. Яъни, ҳар уч ҳолатда ҳам шаҳар сифатлари берилаётди. Шаҳарнинг ўзи қадимий бўлса-да, номи шаҳарчилик қадимий эмас, деган фикр келиб чиқади. Бундан яна шундай ҳулосани ҳам чиқариш мумкинки, араб алифбоси бизга милодий VIII асрда кириб келган бўлса-да, “Самар” атамаси ундан анча олдинроқ муомалада юритилган. Бу фикрларни баъзи тарихий ривоятлар ҳам асосламоқчи бўлади. Масалан, “Қандияи хурд” асарида ушбу ҳадислар келтирилганки, унинг саҳих ё саҳих эмаслигига қафолат беролмаймиз: ”Пайғамбар(а) саҳобаларидан Онас ибн Моликнинг хизматкори Абу Синон ривоят қилади: “Онасга пайғамбар айтдилар: Жайхун дарёсининг нариги томонида бир шаҳристон борким, Самарқанд дерлар ва уни Худонинг ўзи қўллагандир.” Онас сўради: “Нима сабабдан ул шаҳарни Худо асрагай?”

- Сайиди икки олам (яъни, пайғамбар) айтдилар: Малонкатул - муқаррабларнинг улуғи Жаброил алайҳиссалом айтибдурлар: “Жайхун дарёсининг ортида бир шаҳар борким, яшил ўтлоқлар, мевали боғлар ва оқар сувларга сероб; ул шаҳарни Худонинг ўзи асрагай. Ул шаҳарда дарвозалар борким, ҳар қайсисини 5 минг фаришталар кўриклагай; кечаю кундуз фаришталар Худодан ушбу шаҳарни ўз паноҳида асрашни илтижо қилишади. Яна Жаброил(а) айтдилар: Самарқанд шаҳри ортида бир боғ бўлиб, жаннат боғларидандир ва Қатувон аталур. Шаҳар ичида ширини, тоза ва мусаффо

сувлар окур...”

Бошқа яна бир ривоятда айтилишича, Сайинди икки олам (яъни, пайгамбар) ҳикоя қилдилар: “Бир кунни Мадинадан чиқдим ва Хожа Хизрни(а) учратдим. Мен сўрадимки: “Ё Ибн Аббос (Хизрнинг лақаблари), қаёқдин келаётирсиз” - Ул зот дедилар: “Хуросондан келаётирман”. Яна сўрадим: “Мен бу дунёдан ўтгандин сўнг, қайси юртда кўпроқ бўлурсиз” Ҳазрати Хизр(а) айтдилар: “Ё Расулулох! Ун тўрт йилдин сўнгра (десмак, ривоят бўйича бу сўзлар 618 йилда айтилган бўлса керак, К. К.) мен кўпроқ Мурсил, яъни Самарканд деган шаҳарда бўлурман ва у шаҳарни Худо ярлақандир. Бу шаҳарда Оллоҳи таолонинг пайгамбарларидан Абул Ҳина деган пайгамбарнинг қабрлари бордир (Ҳазрати Хизр масжиди ёнбошидаги Хусниё аталмиш пайгамбарнинг қабрлари назарда тутилаётир, чоғи ва шаҳарда яна Дониёр пайгамбарнинг ҳам қабрлари мавжуд бўлиб, у Тошкент йўлида, шаҳардан чиқаверишда жойлашган К. К.) Бу шаҳарда жаннат дарвозаларидек бир дарвоза ҳам бор”. Сўнгра Ҳазрати Хизр бу шаҳарнинг шуҳратини шу даражада мақтаб гапирдиларким, пайгамбарнинг бу шаҳарни кўргидари келиб колди ва дедилар: “Ё Хизр, бу шаҳар - қандай оҳанграбо бир шаҳардурким, ўзига жалб қилур”. Хизр айтдилар: “Тўғри айтурсиз.” Сўнг Он Ҳазрат (пайгамбар) бу шаҳарнинг дунё охиригача туриши ва ҳеч қандай ёмонликлар етмаслиги учун дуо қилдилар. Ва оғоҳлапгирдиларким, агар ёвуз ва гайридинлар бу шаҳар деворлари ичнда пайдо бўлса ёки кўпайиб кетишса, Худо бу шаҳарни ўз қаҳрига олажак.

Сўнгра, саҳоба Асом ибн Зайд ривоят қилдилар: “Ҳазрати Рисолатпаноҳ (пайгамбар) айтдилар: “Менинг бу дунёдан кетганимдин сўнг Жайхун дарёси ортида бир шаҳар забт этилур ва уни Самарқанд дерлар. Ул жуда (афсонавий даражада) бой шаҳар бўлиб, Худо бу шаҳарни ярлақанган ва ҳар-хил офату қаҳатчиликлардан омон сақлаган. Ушбу шаҳарда жуда кўп олимлар, донишмандлар тугилур ва бу ерда кўп улуг мазорлар бўлгай. Шаҳар дарвозалари - жаннат дарвозалари каби бўлиб, қиёмат кунни бу шаҳарда яшовчилар шахидлар қатори уйғонурлар. Ҳар ким бу шаҳарда сидқидилдан бир бор: “Ло илоҳа иллоллоху Муҳаммад-ар-расулуллох” - деса, ул шак-шубҳасиз жаннатга борур (агар буни Худо хоҳласа, К.К.). Ва кимки бу шаҳарда вафот этса, ғазовотда шахид бўлганлар қаторида бўлур!” (Агар шариатдаги ишларни бекаму-кўст бажарган бўлса, албатта. К.К.).

Бу ҳадису ривоятларни саҳихлиги ёки эмаслиги ягона Яратганга маълум. Лекин, бу ривоятларни келтиришдан мақсад шулки, ҳатто ислом динининг бошлангич даврларида ҳам, яъни қарийб бир ярим минг йил олдин ҳам Самарқандни энг буюк кишилар томонидан энг қадимий, афсонавий, боғу-роғли ва машҳур шаҳар, деб тан олинисини кўрсатишдир.

Баъзилар, бу бир ривоят ёки афсона холос, деб гумон қилишлари мумкин. Лекин, биз ривоятларнинг воқеъийлигига зинҳор шубҳа қилмаймиз. Зероким, ривоятлар баъзан, жуда ҳам бўрттирилиб ёзилса-да, уларнинг аксарияти айни ҳақиқатдир ва улардан тарихни ажрата билиш керак.

Баъзи тарихчиларнинг, шаҳарни биринчи номи Мароқандами ёки

Самарқандми, деган мулоҳазаларига келганда, айтиш мумкинки, Самарқанд тарихда биринчи марта “Мароқанда” номи билан Искандар Макдуний (Александр Македонский) даврида тилга олинган.

Юнон тарихчи ва донишмандларидан: Флавий Аррианнинг “Искандарнинг юричилари” (ёки “Искандарнинг йўлномаси”); Квинт Курций Руфининг “Искандар тарихи” (ёки “Буюк Искандар ҳолатининг қисқача тафсилоти”); Плутархнинг “Искандарнинг тақдири ва мардлиги”; Страбоннинг “География”; Гай Плинийнинг “Табиий тарих”; Клавдий Птолемейнинг “Географик қўлланма” каби асарларида Самарқанд шахрининг номи “Мароқанда”, “Мароқунда”, “Марганда”, “Марганди”, “Маракадри”, “Маракодра”, “Маракадр” каби атамалар сифатида берилган бўлиб, бу муаллифларнинг аксарияти ўзидан олдин ўтган тарихчиларнинг ёзишмалари ва ривоятлари асосида (яъни, ўша даврнинг ўзида ҳам қадимий ҳисобланган асарлар асосида) ёзишганлиги аниқ. Қадимги юнон тарихчилари “Самарқанд” атамасининг олдинги бўғинини тушириб “Марқанд”, кейинчалик эса “Мароқанда” ва шу каби атамаларда бузиб айтишган. Масалан, бунга мисол тарихида, эрамининг VII асри бошларида Самарқандга келган Хитой элчиси Вэй Цзе шахримизни “Қан” шахри деб қисқартириб, бузиб ёзганлигини келтириш мумкин.

Энди, Самарқанд шахрининг ёшига келсак, тарихчи ан-Насафий ўзининг “ал-Қанд фи тарихи Самарқанд” асарида араб саркардаси Қутайба ибн Муслим (милодий 712 йилда) Самарқандни фатҳ этганида, ўша вақтдаёқ шаҳарга камида 2250 йил тўлгани, деб ёзади. Агар шундай бўлса, ҳозир Самарқанд камида 3540 ёшида бўлиши керак. Ваҳоланки, Халқаро “ЮНЕСКО” ташкилоти томонидан 1970 йилда Самарқанднинг 2500 йиллик ёшини нишонлаш вақтида, юбилей ташкилотчилари номига ҳар томондан хат ва телеграммалар келиб, кўпчилик: “Самарқанднинг ёшини қисқартиришга қандай журъат этдингизлар?,- деган маънода ёзишган эканлар. Шаҳарнинг 2500 ёшлик санасини Аҳмонийлар сулоласининг бу ерларни босиб олган вақтларидан бошлаб ҳисоблашган. Ахир, Аҳмонийлар сулоласи курук чўлу биёбонни эмас, балким, ўша даврларда ҳам қадимий ва машҳур саналган Самарқанддек шаҳри азимни босиб олиш учун келишганликлари аниқку! Кейинги давр археологик казишмалари бу фикрларни тасдиқламоқда.

Энди, Самарқанд шаҳрига ҳукмронлик қилган ва эгаллаган сулолаларнинг хронологик сана тузилишини кўриб чиқайлик:

1. Эр. авв. 535-330 йилларда форс Аҳмонийлари сулоласи (Жир, Камбиз, Доро, Ксеркс, Артаксеркс, Арсс...) ҳукми остида.

2. Эр. авв. 329-323 йилларда Искандар Макдуний (Александр Македонский) ҳукми остида.

3. Эр. авв. 312-250 йилларда Салавкийлар (Салавк, Антиох...) ҳукми остида.

4. Эр. авв. 250 йилдан бошлаб Грек-Бақтрия ва Парфия ҳукмдорлари (Диодот, Евтимид - Грек Бақтриядан; Фроат, Артабон, Митридат - Парфиядан).

5. Эрамизнинг I-V асрларида Кушон подшолиги (Каджула, Кадфиз, Канпшка, Васишка, Хувишка, Валудева...).

6. V-VI асрларда (470 йиллардан бошлаб) Эфталитлар - Оқ Хунилар (Готифар каби хукмдор-ихшидлар...).

7. VI-VII асрларда (552 йилдан бошлаб) Турк ҳоконлари (Бумин, Мухан, Силсиби...).

8. VIII асрдан, аввал Саид бин Усмон ва сўнгра (712 йилдан бошлаб) саркарда Кутайба ибн Муслим Самарқандни фатҳ этишлари билан Араб халифалари ҳукмида.

9. IX асрда маҳаллий Тоҳирийлар (Тоҳир, Талха, Абдулло, Муҳаммад...).

10. IX-X асрларда (892 йилдан бошлаб) Сомонийлар (Исмоил, Аҳмад, Наср, Нух, Абдулмалик, Мансур).

11. X аср охири (999 йилдан бошлаб) ва XI асрда Қорахонийлар (Наср, Иброҳим, Арслонхон, Қилич Арслон - яғмо, қарлук уруғидан).

12. XII асрда аввал Қорахитойлар, сўнгра XIII аср бошларигача Хоразмшоҳлар.

13. XIII асрда (1220 йилдан бошлаб) Чингизхон -Темучин ва унинг иккинчи ўғли Чигатой уруғи хукмдорлари.

14. XIV аср (1369-70 йилдан бошлаб) Амир Темур Кўрагоний ва Темурийлар сулоласи (Темур, Жаҳонгир, Муҳаммад Султон, Шохрух, Улубек, Абдуллатиф, Абдулло, Абу Саъид, Аҳмад, Махмуд, Бойсунгур ва Бобур каби темурийлар).

15. 1500 йилдан бошлаб Муҳаммад Шайбонийхон ва шайбонийлар (яъни, Чингизхоннинг тўнғич фарзанди Жўжининг 5-чи ўғли Шайбон уруғидан: Шайбонийхон, Кучкунчихон, Абу Саъидхон, Убайдуллохон, Абдуллатифхон, Искандархон, Абдуллохон, Пирмуҳаммадхон; Дашти қипчоқ, турк-муғул уруғидан).

16. XVII асрда Бухородаги Аштархонийлар сулоласи (Имомқулхон, Абдулазизхон, Субҳонқулхон, Убайдуллохон, Абулфайзхон, Абдулмўъминхон). Бу даврда Шердор ва Тиллокорий мадрасаларини курдирган Самарқанд ҳокими Ялангтуш Баҳодир Бухоро хонлигининг “амири лашкар” вазифасида бўлган ва марказга деярли буйсулмаган.

17. 1753 йилда Бухоро мангитлари сулоласи (Амир Дониёл, Амир Шохмурод, Амир Ҳайдар, Амир Насрулло, Амир Музаффар).

18. 1868 йил 2 майдан бошлаб Самарқанд шаҳри Чор Россияси томонидан босиб олинди ва Россия ҳукмида қолади.

19. 1991 йилда мустақилликка эришгач, Самарқанд Ўзбекистоннинг маданий-маънавий марказига айланади.

Кўлингиздаги «Қандия» номланган ушбу китобни Абул Ҳакими Самарқандий юқорида тилга олинган қадимий нусхалардан жамлаган ҳолда 1908 йилда Самарқанда араб алфавитида, форс-тожик тилида чоп эттирган.

Китобда Шохизинда (Кусам ибн Аббос), Хожа Абди Дарун, Имом Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Абу Юсуф Ҳамадоний, Хожа Абдулхолик Гиждувоний, Шайх Нуриддин Басир, Шайх Бурҳониддин Соғарчий, Амир

Темур Кўрагоний каби Самарқандда яшаган ёки фаолият кўрсатган алломалар тарихлари зикр этилган.

Китобдаги баъзи ривоятлар машхур алломалар Абу Мансур Мотуриддий, Абдулхалик Гиждувоний ва Амир Сайид Али Ҳамадонийларнинг тилидан баён қилинган. Китобда келтирилган баъзи тарихий саналар ва мавзёларнинг номларида баҳсли фикрлар мавжуд. Шундай бўлса-да, китобни иложи борича ўзгартиришсиз қолдиришга ҳаракат қилиб, қўлимиздан келгунча асардаги шахслар, воқеалар ва мавзе топонимларининг изоҳ ва лугатларини келтириб, камчиликларини тўлдиришга ҳаракат қилдик.

Мазкур китоб боника диний-тарихий асарлар каби бўрттирма ривоятлардан холи эмас, албатта. Лекин, бундан «Қандия»дек машхур ва тарихий аҳамиятга эга асарнинг қиймати камаяди, деб бўлмайди. Зукко ўқувчи ривоятлардан тарихий ҳақиқатни ажрата олади, деб умид қиламиз.

Китобнинг биринчи нашрини 1994 йилда чоп этгирган эдик. Ўқувчи ва илм аҳли орасида китобга катта қизиқиш уйғониб, кўплаб хатлар, мурожаатлар натижасида китобнинг иккинчи нашрини чоп эттиришга қарор қилинди.

КОМИЛХОН КАТТАЕВ

БИСМИЛЛАҲИР - РАҲМАНИР - РАҲИЙМ !

Алхамду - лиллаҳи Раббил аъламин вал ақибати лил - муттақин, Вас-солату вас-саламу аъла хайри халқиҳи Муҳаммаддин ва олиҳи ва асхабиҳи ажмаъин.

Аммо баъд, Оллоҳга ҳамду сано ва Муҳаммад¹ расуллуллоҳга² дуруд³ ва салават⁴лардан кейин, қўлингиздаги ушбу китоб “Қаидия”⁵ номи билан мусаллам бўлиб, унда Самарқандда яшаган ва алоқадор бўлган нечоғлиқ олий мартабали авлиёуллоларга тегишли қабр-мозорлар ва уларнинг Самарқанддаги қадамжойларининг баёни берилгандур.

ФАЙЗ ВА БАРАКА НИШОНАЛИ ШАҲЗОДА ҚУСАМ ИБН АББОС⁶ (ШОҲИЗИНДА) РОЗИОЛЛОҲУ АНҲУ⁷ МОЗОРИ ЗИКРИ

Маблум бўлганим, Ҳазрати рисолатпаноҳ Муҳаммад саллоллоҳи алайҳи васаллам⁸нинг муаттар ва мунаввар мазорларидан сўнг, ҳеч бир бузург мазор шаҳзода Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) розиоллоҳу анҳу мазорларидек бузург эмасдур. Зероким, ул киши пайгамбарнинг амакизодалари бўлиб, Хожан Оламининг (пайгамбарнинг) муборак юзларини кўрган охирги киши ҳам Қусам ибн Аббосдир. Баским, зиёрат қилиш тариқаси шулдирки, аввалига таҳорат ва гусли пок қилгач, Темир (Оҳанин)⁹ дарвозаси орқали зиёратгоҳга кирилуру ва Муҳаммад ибн Восеъ¹⁰ хужраҳонасига кириб икки ракаат намоз ўтказилур. Унда ҳожатларингизни тиласангиз муродингиз ҳосил бўлуру.

Яна “Ахбор”да¹¹ келтирибдурларким, расул алайҳиссалом¹² айтмишлар: “Самарқандда бир чашма борким, жаннат чашмаларидан бўлиб, Оби Раҳмат ариғи яқинидадур”. Машойихлардан баъзиларининг айтишларига қараганда, ушбу сув Дониёл пайгамбар¹³ қабрлари ёнидан ўтади ва мазкур чашма шифо-саломатлик сабабчисидур. Ва бу сувдан бир пораси (қисми) Боғимайдон томон оқар ва Оби Раҳматга қўшилур.

Расул алайҳиссаломдан бир ривоят қолганким, ҳар ким Оби Раҳматга чўмилса (гусл қилса) ғаму андуҳлардан озод бўлуру, кишини дарддан ҳолос килур. Ва бу ариқни бир Амир қаздирганким, унинг қабри бошқа бир чашма яқинидадур. Самарқандни араблар босиб олган даврда бу ерда бир катта қуриган дарахт бўлиб, уни кестирганлар ва шу ердан ариқ қаздирганлар, сўнг эса чашмани сувига йўл очганлар. Боғи Майдон ва Боғи Навгача бўлган мавзелар бу чашма суви туфайли кўкаламзор ва маъмурдирлар. Ва қайсики ерлардан шу ариқ суви оқар, шу ерларни Амир муҳожир¹⁴ вақф мулкига айлантиргандир. Мазкур ариқдан сув ичган ерлар киёматга қадар ундан баҳраманд бўлуру. Ва Хожа Рашид Девонанин¹⁵ қабри ҳам ўша ерда бўлиб, зиёратгоҳ жой эруру.

ҒОЗИЙЛАР¹⁶ РАБОТИНИНГ ЗИКРИ

Зикр қилибдурларким, ул ариқ лабида бир масжиди жомеъ бўлиб, «Ғозийлар дарвозаси» ёнидадур. Ғозийлар ул масжиди жомеъ ёнидан ўтаётиб, намозларини ўқиб адо этадилар. Ул мавзеда қозийларнинг қабрлари анча

кўпдир.

Ва ул масжиддаги зиёратгоҳ жойлардан яна бири - Ҳазрати Хизр¹⁷ алайҳиссаломнинг маъбадлари (яъни, тоат-ибодат қилиш жойи) бўлиб, ул жойни зиёрат қилиш натижасида оғир мушкулотлар ечилиб, ишлар осон кечгай.

Илми қилом соҳиби Абул Мансур ал-Мотуриднй¹⁸ ва илми ҳикмат соҳиби Хожа Абул Қосим ал-Ҳақими Самарқандий¹⁹ Хизр алайҳиссаломнинг юқорида айтилган маъбадларини зиёрат қилиш вақтида аҳли шиа²⁰ мазҳаби вакиллари билан баҳс қилардишар ва ғолиб келардилар. Ҳазрати Хизрнинг дуоларига етишган илм соҳибларининг кўнгиллари равшанлашар эди. Ва аҳли суннат²¹ мазҳаби қувват ва ривож топа борарди. Ҳазрати Хизрнинг мадаллари натижасида ул жойдан то Кўҳакка²² қадар бўлган лангар ва ғорларни зиёрати ижобат бўлур.

“Ахбор”да келтирибдурларким, кимки кун мобайнида “Муҳаммад” номлик тўрт бузургворни зиёрат қилса, не муроди бўлса ҳосил бўлур. Ул бузургворлар қуйидагилардир: Аввал- Хожа Муҳаммад Абду Даруни²³; иккинчи Хожа Муҳаммад ибн Фузайл Балхийни²⁴, қайсики Феруза дарвозасида қўмилгандурлар; учинчи - Хожа Муҳаммад Санграсонни²⁵; тўртинчи -Абу Абдулло Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийни (Имом Бухорийни)²⁶, қайсики Ҳартаг кишлоғида қабрлари жойлангандир.

АЗИЗОН ҚАБРИСТОНИНИНГ ЗИКРИ

Бу ердаги зиёратгоҳ жойлардан - Имом Али ибн Исҳоқнинг²⁷ қабрлари бўлиб, ул бузургвор ўзларининг жамни мол-мулкни Худон таоло йўлида сарф қилганлар. Ул рабобдаги²⁸ масжид ҳам ул кишидан қолгандир. Ва агар зиёратга танҳо борилса, ул гўмбаздан овоз чиқиб хушхабар берар ва зиёратчи кишининг ҳожати раво бўлур. Сулгонлар, ақобирлар, уламо ва ҳожатмандлар ушбу маскан зиёратига келишиб, мақсудларига етишар ва мушкулотлардан фориғ бўлар эдилар. Ва умуман, бу рабоб авлиёулюлар маконидур.

ЯНА ҒОЗИЙЛАР РАБОТИНИНГ ЗИКРИ

Келтирибдурларким, юқорида айтганимиздек, ул масжидга 400 зоҳид²⁹ киши ишлар эдилар. Айтар эдиларки, Каъбан муаззама³⁰, Масжиди Аксо³¹, Жомеъи Банни Умийя³² ва расул алайҳиссаломнинг табаррук равзаларидан бошқа, ушбу Ғозийлар работи масжиди каби зиёратгоҳ масжид йўқдир.

Ва авлиёлардан нақл қилганларким, кимки пешин намозини ушбу ибодатгоҳда ўқиса, муроди ҳосил бўлади, зероки, пайшанба кунлари авлиёлар намозларини ўша ерда ўтказар эдилар.

ЖАВЗАНИЙЛАР МОЗОРИНИНГ ЗИКРИ

Бу мавзенин хусусиятларидан бири шулким, кимки бу ердаги саройда (мадрасада) илм таҳсили билан машғул бўлса, бутун олам унинг илмидан баҳраманд бўлиб, равақ топар эди. Ва бу сарой илм маъдани бўлиб, Маворауннаҳр Каъбасидир. Қайси киши ушбу саройда турса, соҳиби қаромат

бўлур.

Имом Сулаймон Дороний³³ ва Бобо Соҳиб³⁴ деган бузургворларнинг қабрлари шул сарой яқинидадир. Ва ул жаноблар авлиёуллолардан эдилар. Ҳар кимнинг ҳожати бўлса ва шул манзилни зиёрат қилса, мақсудига етар.

ЧОКАРДИЗА³⁵ ҚАБРИСТОНИНИНГ ЗИКРИ

Бу мавзеда кўпгина мужтахид ва соҳибкароматларнинг қабрлари жойлашган ва подшоҳлар ул замини тупроғини кўзларига сурма каби суртар эдилар. Таҳорат олган бўлсанг, аввало Мавлоно Шамсиддин³⁶ ва Мавлоно Мансури Зоҳид³⁷ каби бузургворларнинг қабрларини ва кейин Шайх Нахустинни³⁸ зиёрат этгил; ундан ўтиб Хожа Рашид Рўшнон³⁹ ва муфтийлар ҳофизаси Хайринисон Барси⁴⁰ билан Хожа Дардкаш⁴¹ қабрларини зиёрат қил. Ва Ғори Ошиқон⁴² бошига бориб, юз такбир айтилиб бўлингач, сўнгра йўл бошидаги Хожа Барёнғир⁴³ қабрини зиёрат қил. Қатувон даштида⁴⁴ шаҳиди аъло бўлганларнинг кўпи ушбу қабристонда кўмилгандурлар. Ва яна шу ерда жойлашган масжиддаги бузурғлар зиёратгоҳини зиёрат қил!

Ҳазрати Хожа Абу Мансур ал-Мотуридийнинг қабрлари ҳам шу ердадир. Шу манзилда Шайх Абул Қосим ал-Ҳаким Самарқандийнинг қабрлари билан биргаликда яна 444000 эътиқодчиларнинг тупроқлари мавжуд. Хожа Яҳё Соғаржийнинг⁴⁵ зиёратгоҳ қабри ҳам шул масканда. Ундан ташқари, амиралмўъминин Хусайн⁴⁶ розиоллоху анҳунинг авлодларидан бир қанчасининг қабрлари ҳам шунда бўлиб, уларни зиёрат қилурлар; Хожа Абу Исҳоқ ибн Иброҳим Саммосийнинг⁴⁷ қабри ҳам шундадир. Зероким, бир вақтлар Чокардиза унинг боғи бўлган бўлиб, кейинчалик ундан Хожа Абу Лайс Самарқандийнинг⁴⁸ қўлига ўтган. Имом Зоҳиди Ҳарамғир⁴⁹ ва Шайх Зоҳиди Обрезнинг⁵⁰ қабрлари ҳам шул манзилда. Бу жой Дари Занжир⁵¹ яқинидаги осудагоҳ⁵² бўлиб, унда фотиҳа ва такбир ўқилур.

Нақл қилибдурларким, Мадинаи мунавварадаги Бокия⁵³ қабристонидан ва Маккаи муқаррамадаги Муалло⁵⁴ қабристонидан бошқа, Чокардиза қабристонидан бузурғроқ қабристон йўқдир. Баским, фикримизнинг яқинида шуни айтиш жоиздурки, Арабу - Ажамда⁵⁵ машхур бўлган “Ҳидоя” соҳибни⁵⁶ (Имом Бурхониддин Марғиноний)нинг қабри ҳам иншооллох⁵⁷ ўша ердадир.

Хожа Аҳмад Жунайд макбарасининг баёнига келсак, у шаҳарнинг жануб тарафида жойлашгандир. Ўша жойда яна шайхулислом Абу Наср Аҳмад ибн Фузайл ибн Мўсо ал-Хўжандий раҳматуллоҳи таолонинг мунаввар, чарагон қабрлари жойлашган бўлиб, ул киши Шайх Абу Бакр ибн Исҳоқи Кўлободий⁵⁸ қаддасу сирранинг⁵⁹ саҳобаларидан⁶⁰ ва соҳибни каромат бўлиб, одамлар пeshвосидир.

ХОЖА АБУ ЮСУФИ ҲАМАДОНИЙ ЗИКРИ

Нақл қилдиларким, Хожа Абдулхалик Гиждувоний⁶¹ дедилар:

“Самарқанднинг Готфар⁶² маҳалласида бир бузургворнинг қабрлари борким, ул кишининг Хожа Абу Юсуфи Ҳамадоний⁶³ дерлар. Ул бузургвор зикри ботиний соҳиби бўлиб, муридлик қилган муддатимизда ул зотга кўп собиги ниёзмандликлар тугар эрдик. Ва ул султони авлиё биздек бир мулксиз фақирни бевосита Хожан Хизр алайҳиссаломга хавола қилганлари натижасида биз зикр талқинини баланд овоз билан машғул бўлишга мушарраф бўлдик. Энди, вожиб бўлдики, барча халойиқку подшоҳлардан тортиб, уламою зоҳид ва обидларгача Хожан бузурги раббоний - Шайх Абу Юсуф ибн Яъқуби Ҳамадонийнинг тобеълари бўлдилар. Зероки, бузургворнинг Илми ботин ва зикри хуфиялари⁶⁴ ҳаммага йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилади. Ул бузургворнинг фазилатлари ҳеч қачон шаръий фойдага қарши бўлмас, ишлари эса ўзларига тобеъ кишиларга ҳам, илгари ўтган бузургворлар хотирасига ҳам мувофиқ келар эди. Аслида ул жаноб Ҳамадон⁶⁵ шахридан эдилар ва ҳар мавридай шундай дер эдилар:

“Тугри йўл - Муҳаммад алайҳиссалом йўлидир, зероки, Хожан Олам⁶⁶ алайҳиссалату васаллам айтибдурлар: “Ё Абу Ҳурайра⁶⁷, менинг суннатларимга ўзинг амал қил ва мардумларга ўргат, токи қиёмат кунига қадар фойда олурсан”. Абу Юсуфи Ҳамадонийнинг ўзлари ҳам бу суннатлар ва ҳадисларни нафақат такрорлар, балки жуда қаттиқ амал ҳам қилар эдилар.

Ул кишининг саҳоба-халифаларидан: Ҳасани Андокий⁶⁸, Абдулло Баркий⁶⁹, Хожа Аҳмади Яссавий⁷⁰ ва камини - Хожа Абдулхалик Гиждувоний эдилар ҳамда булардан ташқари жуда кўп дарвешлар ул кишининг хизматларига ҳозир эди. Пайгамбари(с) шариятларини фитна, фисқу-фасод ва мухолифликлардан озод тугар эдилар. Дарвеш ва аҳли тасаввуф тарафдорларига таълим бериб, уларнинг маънавиятларини пок туттишга даъват этардилар. Ул киши ўзларининг муборак лафзлари билан айтур эдиларки: - “Пайгамбар(с)дан бошланган “Нисбати маънавий⁷¹ Сиддиқи Акбар⁷² розиоллоху анҳудан шу равишда асрлар ва қарилар⁷³ оша бизга стиб келдиким, то қиёматга қадар бу равиш боқий қолур”.

Баским, ҳар мўъмин ва бандалар ул зотга тобеъ бўлишлари вожибдур ва ул зот қабилар билан муносабатда бўлиб, уларнинг мажлис ва суҳбатларидан баҳраманд бўлишлари лозимдир.

Шу ўринда, Шохизинда - Қусам ибн Аббос розиоллоху анҳу ўз вақтларида айтибдурларким: “Ҳар ким уламолар мажлисида шу равишда қатнашиб, амал қилса, жамин зулмлардан хавфсизланар ва бидъат дарёсининг мавжланган тўлқинлари орасидан омонлик йўлини топқусидир”. Шу залда Шайх Абу Юсуфи Ҳамадоний ҳам айтибдурларким: “Рост (Ҳақ) йўли икки қисмдан иборатдир: бири - Сулуки зоҳирий⁷⁴, иккинчиси - Сулуки ботиний. Сулуки зоҳирий деб, ҳамма вақт шариат чегарасини авайлаб асрашга, унга итоат қилишга ва ўз аъзон баданини шариат йўлида пок сақлашга айтилади. Сулуки ботиний деб эса қўнғилини пок-тоза туттишга ҳаракат қилиш ва

нафсониятни тутиб, ёмон сифатлардан ажралишга айтилади. Ботин таҳорати шундан иборатким, кўнгил зикрига шунчалик астойдил ҳаракат қилиш керакки, то кўнгилда Ҳақ⁷⁵ гапирувчи ва кўнгил Ҳақни эшитувчи даражасига чача етсин. Бу сифатларнинг ибтидоси - амиралмўъминин Абу Бакр Сиддиқ розиоллоху анхуда бўлгандир. Ул кишидан (нисбати маълавий) Салмони Форсий⁷⁶ розиоллоху анхуга етиб келган...; ул кишидан Имом Жаъфари Содиқ⁷⁷ розиоллоху анхуга; ул кишидан Султон Боязиди Бистомийга⁷⁸; ул кишидан Хожа Абул Ҳасани Харақонийга⁷⁹; ул кишидан эса менга - Хожа (Абу) Юсуфи Ҳамадонийга етиб келгандур”.

Ва ул зот муборак бошларини ҳам қилиб, пешин намозини ўтказгач, яна шу сўзларни айтдилар: “Эй биродар ва дарвешлар! Имом Муҳаммад Ғаззолий⁸⁰ ва Юнус Сижовандий, Сайид Аҳмад ва Хожа Сулаймон Фаробий⁸¹ зоҳир ва ботин илмини Хожа Калони Тусийдан⁸² топганлар ва ҳамма (тариқат) манзилларини⁸³ каминага (менга) кўрсатганлар ҳамда айтганлар: “Сизга лозимки, Хожа Ҳамидиддин Мўлтонийнинг⁸⁴ қоим мақоми (яъни, ўринбосари) бўлсангиз! Яхши хулқ ва феъл-атворни Муҳаммад алайҳиссаломдан ўрганмок жонздир”. Аммо, Хожа Ҳамидиддиннинг вафотларидан кейин тўрт йил ўтгач, ул кишининг қабрлари бошига бордим. Менинг шарият ва тариқатимдаги ҳар қанақа мушкулотлар бўлса, Хожа Кашф рухониятининг⁸⁵ фойдаси аён бўларди. Ҳамадоний дедилар: “Бизга бу сулукнинг фойдаси Хожа Али Калондан теккан ва бу йўл тарафдору даргоҳ ниёзмандлари олий даргоҳга етишар эдилар”.

Хожа Юсуфи Ҳамадоний сўнгра муборак юзларини мен томон қаратиб айтар эдилар: “Эй Абдулҳолиқи Ғиждувоний! Мен Хожа Калоннинг тўртинчи халифалари эдим. Сен эса менинг тўртинчи халифамдурсан”.

Кўрдимки, пиримнинг кўзларидан уйку қочгандир. Шунда мен сўрадим: “Сиздан кейин ким ўрнингизга қолур?” Ул зот дедилар: “Биздан сўнг Хожа Абдулло Барқий ўрнимизга ўтирур; сўнгра Хожа Андоқий ўтирур; кейин Хожа Аҳмади Яссавий Туркистонга кетгунга қадар ўрнимизга қоим мақом бўлур; ундан кейин эса сен ўрнимизга ўтирурсан. Ва зинҳор, доимий шарият йўлини тут, кимки шарият чегарасидан чиқмоқчи бўлса - ман қил!

Тарих - 405 (1014) ҳижрий санада, муборак рамазон ойининг ўн биринчиси, чоршанба куни эдики, Санжар ибн Маликшоҳ⁸⁶ элчи орқали Қосим ибн Хожагига⁸⁷ нома юбориб, унга ёзади: “Ҳазрати шайхулислом Али ибн Хожан Дехқон, Бақриддин Шайх⁸⁸ Азизон, Шайх Абулқосим ибн Юсуф, Шайхуллох Чоқар(ларга)! Шайх субҳона - Абу Юсуфи Ҳамадоний қаддасу сирра улуг барқамолликка етдилар ва бизнинг у ерга боришимизга фурсат бўлмай қолди. Сулаймоншоҳ⁸⁹ кўп лашкар билан ўша томонга йўл тутди; Вилоят томон ўтишининг иложини топмадик. Шу сабабдан дарвешлар хонақоҳига ҳаражат қилиш учун Қосим ибн Хожагига орқали 50.000 динар бериб юбордик. Шоядқи, шул ишимиз учун дуои-фотиҳада йўқлаб турилса; Сўнграким, Ҳазрати Шайхнинг (Ҳамадонийнинг) бу олий нишон белгисига амал қилувчилар ушбу давлатнинг ишончу-хохишига мушарраф бўлсинлар. Вассалом”.

Шундан сўнг, шайхулислом алайхир - рахма бузурглар хизматига келиб, Абдулло Баркнийнинг хужраларига кирдилар. Ўша фурсатда Хожа Ҳасан Андокий, Хожа Шамсиддин, Хожа Низоми-Мотуридний, Хожа Мухаммад, Хожа Корзуни-Қўлободий, Хожа Мухаммад Сўфи, Хожа Исхок, Имом Солмони-Туркий, Хожа Курайш, Хожа Имоми Шовдорий, Хожа Санжар⁹⁰ ва бошқа дарвешлар ўша ерда эдилар. Сўнг ул кишидан ижозат сўрадилар. Ижозат берилгач, ҳаммалари Шайхнинг мулозаматларига кирдилар. У ерда улар Ҳазрати Шайхга (Ҳамадонийга) Санжар ибн Маликшоҳнинг юқоридаги кассасини баён қилиб бердилар ва ҳамма ўтирган бузурглар Санжар ибн Маликшоҳ ҳақига дуо қилдилар. Сўнгра Абу Юсуфи Ҳамадоний ўзларининг муборак лафзлари билан айтдилар: “Эй дарвешлар! Вужудга келган нарсалар ичида қайси бири лойиқки, биз уни Санжарга юборсак!”

Кейин дарвешларга ижозат бериб айтдиларки: “Ҳар нарса расулуллоҳ шариатларига мувофиқ келса, биздан ижозат бўлур”.

Тарих - 504 (1110) ҳижрий йилининг⁹¹ 28 зулкаъда ойн эдики, бизини шайхимиз - Абу Юсуфи Ҳамадоний душанба кунни туғилдилар. Ул киши умрлари давомида олти марта пиёда ҳаж⁹² қилганлар; минг марта Қуръонни хатм⁹³ қилиб, тафсири⁹⁴, ҳадиси⁹⁵, усули⁹⁶ каби ишлар ёзилган 700 китобни ёдлаб олган эдилар. Ва 213 машойихни тарбиялаб, умрларининг аксарият қисминини рўза тутиб, кечаларини Ҳақ таоло бандалигига бағишлар эдилар. Ул киши етти минг динсизни мусулмон динига киритганлар. Муборак соқоллари узун бўлиб, кимни кўрсалар табассум қилардилар.

Кўп сафар қилар ва фақирона либос кияр эдилар. Ул кишининг еганлари арпа ва зогора нони, ёғ ва тухум бўлиб, қирқ кеча-кундузда бир марта товук гўшти ер эдилар; этик-махсидўзлик билан шугулланар, лекин фақирлик ва тилаччилик қилмас эдилар. Саҳоба, дўсту ёронларига буюрилмаган ишларни манъ қилишга вақил бўлардилар; диний ишлардан бошқа дунёвий ишлар билан шугулланмас эдилар ва агар бошқалар шугулланса, манъ қилмас эдилар. Ҳар кунни Қуръонни хатм қилардилар ва бир йилда 40 кунни ажратиб, подшоҳ ва амирлар саройига борар эдилар. Ул зот 75 йил мужаррад (бўйдоқ) бўлганлар (бу ерда, Оллоҳ билан танҳолик назарда тутилаётир, К.К.). Кўзларини четлари кизил бўлиб, вафот этар вақтда бу кизилликларга шубҳа воқеъ бўлди ва баъзилар, ўнг томонидаги кўзларига деса, баъзилар эса, чап томонидагига дейишди. Ул киши вазмин табиат эдилар. Уйлангач, харгиз назарларини хотинлари томон қаратмадилар (нафсониятни тийиш ибраги маъносиди). Ва дарди ғам билан улуг ражаб⁹⁷ оинда Самарқандга келиб, Ҳизр алайҳиссалом (масжидлари)ни зиёрат қилдилар. Овозлари хуш ва қоматлари баланд, бармоқлари эса узун эди. Туркча гапиришга эринмас эдилар. Саҳобалардан тўн кийганларни дўст тутар эдилар. (Ўтирганда) оёқларини узатмас ва кўнглилари позик эди. Табассум билан сўзлар эдилар. Баркамол нафсларини тийганликларни учун муборак орқалари ҳам бўлган эди. Зикри аълония (очик зикр) айтар эдилар ва у вақтда очик зикр айтиш йўқ эди. Муридлари⁹⁸ кўп эрди; Ҳамниша пиёда юрар эдилар. Ийд-байрам кечалари ва пайшанба, жума кунлари бузургларни зиёрат этардилар. Ва ҳар мусофирини

сўроқлаб, каердан, қайси силсиладан⁹⁹ ва номи нималигини сўрар эдилар. Ва доим кўнгилдан тафсирни олганликлари учун аъзои-баданларидаги томирлари чикиб турарди. Ва (намознинг) ҳар фарзи тугагач, бир пора¹⁰⁰ Қуръон тиловат қилардилар. Манзилгоҳларидан масжиди жомеъга қадар йўлда Қуръонни хатм қилардилар. Масжиддан уйларигача 107 кадам йўл бўлган; ҳар ракаат¹⁰¹ намозга бир пора Қуръон ўқирдилар. Гоҳида, юзларини ватанлари - Ҳамадон томон қаратар эдилар. Камтарин фарзандлари бор эди. Қиш вақтларида сочларини камроқ тарошлардилар. Ҳазрати Форсийнинг ҳассалари ул кишининг қўлларида эди. Самарқандлик мусулмонларни (дин йўлига) даъват қилар эдилар. Вилоят бузурглари ул кишининг суҳбатидан узоқлашмай, илму-шариат юзасидан баҳс юритардилар. Ва ҳамма вақт барҳаёт бўлган Хизр(а) билан суҳбат қурадилар.

Не мулклари бўлса, дарвешларга, одамларга тарқатар эдилар. Касаллик ва кўз тегишга қарши оятлар ёзиб берардилар. Намозни ҳеч тарқ қилмасдилар. Ҳаёли ва номусли одамларни дуо қилардилар. Таомларни ўзлари пишириб ер, саллаларини катта ўрар ва енгларини калта шимариб қўяр эдилар. Ва тўнларини совунда камроқ ювар эдилар. Баланг кулмас ва овқатни кам ер, мулоим сўзлар эдилар. Намоздан кейин узоқ дуо қилар, сўнгра саҳобаларни ҳам дуо қилардилар. Валоятда кароматларини изҳор қилмас, ҳар мўъмин ва мўъминаларни талабида юрар эдилар.

Ҳеч кимни таҳқирламас ва қабр аҳлини (вафот этганларни) зиёратларини кўп қилар эдилар. Нонни доим туз билан ер, дуо ва қасидаларни кўп ўқир, Исми Аъзам¹⁰² ва дурудларни кўп ўқир эдилар. Кечалари соқолларини тароқ билан тарар, буни фойдасини билар ва айтар ҳам эдилар. Отга камроқ миниб, кўпинча маркабдан¹⁰³ фойдаланардилар. Чорёрларнинг¹⁰⁴ фазилат ва таърифларини кўп айтар эдилар. Ўлим ва Мункар-Накир¹⁰⁵ савол-жавобларини хўб ва кўп айтиб, халқни ростгўйликка тарғиб қилар эдилар. Бош огригидан нолиб, айтар эдиларки: Худои таоло 40 йилдан бери бу дардни менга бергандур, - деб, шунга ҳам шукр қилар эдилар. Ва ўша вилоятдан (Ҳамадондан) ул киши билан ҳамкорликда ўн бир киши (Самарқандга) келган эди: аввал - Абу Мўсо, иккинчиси мен- каминани камтарин Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний, учинчи - Имом Яхё Готфарий, тўртинчи - Хожа Исҳоқ, бешинчи - Хожа Работ, олтинчи - Хожа Зикрийёнинг биродари, еттинчи - Хожа Сақпо, саккизинчи - Хожа Одам Шовдорий, тўққизинчи - Хожа Муҳаммад Чихил Жалла, ўнинчи- Хожа Қурайш ва ўн биринчи- Бобо Орифи Солмон".¹⁰⁶

ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ГИЖДУВОНИЙ ҚИССАСИ

Ва Абу Юсуфи Ҳамадонийнинг Самарқандга келишларининг сабаби шул эдики, Хожа Ҳамидиддин Мултоний Ҳинд вилоятига кетганларидан сўнг олти йил ўтмасдан, Ҳазрати Хизр ул вилоятни макон айлаганларида, ул юртда (Хожа) Абдулжамил номи 113 ёшли бир мард бўлиб, Имом Молик¹⁰⁷ наслдан эди ва лекин фарзанди йўқ эди. Худон таолодан фарзанд талаб қиларди. Шул вилоятнинг бир подшоҳи бўлиб, уни давлатдан ва подшоҳликдан бадарга қилиб ҳайдаган эдилар. У тоғ ва чўлларга дайдиб юрарди. Иттифокан, бир куни ушбу подшоҳнинг йўли Хожа Абдулжамил хужраси олтидан ўтади. Подшоҳнинг қорни оч эди ва Хожа унга овқат беради. Подшоҳ ўз кунидан зорланиб йиғлайди. Хожа унинг кўнглини кўтариб: «агар подшоҳлигинг қайтиб келса, кизингни менга никоҳлаб берасанми?»- дейди. Подшоҳ рози бўлади. Алқисса, икковлари Имом Молик қабрлари¹⁰⁸ томон йўлга тушадилар ва қабрга етиб, (Имом руҳониятларидан талабларини Оллоҳга етказишни) илтижо қиладилар. Ҳазрати Имом Молиқнинг руҳлари қўлаб, подшоҳ ўз тахтини қайтариб олишга мушарраф бўлади ва кизини Хожа Абдулжамилга никоҳлаб беради. Бу никоҳдан бир (ўғил) бола туғилиб, уни Абдулхолиқи Гиждувоний номи билан атайдилар. Чунонким, бул фарзанднинг ёши 22га тўлганда, Хожа Хизр алайҳиссалом унинг отасига (кўриниш бериб) айтадиларки, - “фарзандингни Хожа Юсуфи Ҳамадонийга шогирдликка бер!” Сўнг, Хожа Юсуф Ҳамадоний Ҳазрати Хизр алайҳиссалом хузурларида зикр талқинидан Гиждувонийга дарс бера бошлайдилар. Шундан сўнг, Ҳазрати Хизрнинг маслаҳатлари билан Шайх Юсуфи Ҳамадоний Самарқандга келадилар.

Самарқанднинг Хишрав¹⁰⁹ маҳалласида уч ой турган Хожа Юсуфи Ҳамадонийнинг хизмат ва мулозаматларига Хожа Андокий ва Хожа Аҳмади Яссавий келадилар ва зикрдан таҳсил оладилар. Тўққиз ойдан сўнг, Хожа Абдулло Баркий келиб, Шайхга¹¹⁰ мурид тушадилар. Амударёдан тортиб, Хоразм ва Бадахшонгача бўлган мавзёларда ул кишига мурид бўлмаган ҳеч бир киши қолмади.

ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ГИЖДУВОНИЙ ҲИКОЯСИ ДАВОМИ

“Барчамизнинг Шайхимиз (Ҳамадоний)нинг вафотлари муҳаррам ойининг 28-чиси, пайшанба куни, намози пешин вақтида рўй берди. Ул киши намоз ўқиб, муборак орқаларини меҳробга қўйдилар ва ходимларга иссиқ сув тайёрлашни буюрдилар. Ёронлар бу сўзни эшитиб, гирён йиғлашдилар. Кейин ул зот юзларини Хожа Абдулло Баркийга қаратиб айтдиларки: “Энди, бизнинг ўрнимизда - иршод маснадида сиз ўлтирурсиз”.

Ул вақтда Хожа Ҳасани Андокий, Хожа Аҳмади Яссавий, камина- Хожа Абдулхолиқи Гиждувоний ва барча асхоблар ҳозир эдик. Ул зот юзларини Хожа Андокийга қаратиб айтдиларки, - “Навбат сизга етса, шариятга мувофиқ равишда иш қилинг ва асхобу муридларга буюрингким, зикрни баланд

айтсинлар. Биз учун Султон Санжар ибн Маликшоҳни асхоб ва мурид бўлини”. Сўнг юзларини Хожа Аҳмади Яссавийга қаратиб айтдилар: “Фотиҳа”, “Есин” ва “Вашнос”¹¹¹ сураларини кўпроқ ўқинг”.


Сўнг муридларига айтдиларки, - “Одамларин жон беринини Парвардигори Оламдан ўзга ҳеч ким билмас”. Кейин Шайхи бузургворнинг чехраларинда ўзгариш пайдо бўлганини сезган Абдулло Баркий ёронларига қараб: “Сизлар ташқарига чиқиб туринглар”,- дедилар. Сўнг Шайхи бузургвор дедиларки,- “бизни шу турган мавзеда дафн этингиз ва жанозамизни масжиди жомеъда ўқингиз; кизимизни Мир Сайид Шарафиддиннинг ўглига никоҳлангиз. Жасадимизни Хожа Абдулло Андокий кўмсин”.

Ўша вақтда Хизр ва Илёс алайҳиссаломлар, Абдол¹¹², Ғавс¹¹³, Кутб¹¹⁴ ва мардуми ғайблардан¹¹⁵ ҳар бирлари ҳозир бўлишиб, Шайхимизни дуо қилдилар. Сўнггра Ҳазрати Хизр бир оқ олмани Ҳазрати Ҳамадонийга бердилар. Ҳазрати Шайх олмани бир хидлаб, Кутбга бердилар ва дедилар: “Эй ёронлар, ҳаргиз намоз билан бўлини ва Худонинг баидаларига меҳрибонлик қилини”,- деб жонларини Ҳақга таслим этиб, вафот этдилар. Шул замон Ғавс ҳам жон бердилар. Икки бузургвори жанозаларини бирга ўқишиб, дафн қилдилар ва қабр устига мақбара қурдилар”.

ҒОТҒАР¹¹⁶ МОЗОРИНИНГ ЗИКРИ

Абул(важ) Аббос Богдодий, Имом Абу Юсуф ибн Яъқуби Ҳамадоний, Умар ибн Аҳмади Маринионий, Имом Искандар, Шайх Дамашкий¹¹⁷ ва улуғ машойихлардан анчасининг тупроғи ушбу мазордадур. Ва аммо, уларнинг кўпларини номлари шаҳар аҳлига номаълум бўлса-да, уларни зиёрат қилиш вожибдур ва улар дунёнинг чор атрофидан келишиб, шул манзилга вафот этгандир. Улар хонумонларидан, хотин ва фарзандларидан айрилиб, азиз жонларини ҳасратга қўйиб, ушбу юртга келгандирлар. Ва уларга Оллоҳи таборак ва таолодан бўлак ҳеч дўсту ошно йўқ эрди. Шул сабабдан Парвардигорнинг амри ила арвоҳи тойибалар¹¹⁸ ҳафтада бир марта бу манзилга келиб, гариблар қабрини зиёрат қиладилар. То қиёматга қадар Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматлари бўлган Худонинг бу баидалари ҳафтанинг ҳар жума кунлари ушбу мавзеда ҳозир бўлиб, қабристоннинг олдидаги масжидга ибодат қилишар ва мақсулларига етишардилар.

Ушбу мазорнинг карама-қаршисида бир тепалик бўлиб, “Тали ошикон”(Ошиқлар тепалиғи)¹¹⁹ номланган. Ва бу тепалик олдида бир арик бўлиб, “Нован Авлиёуллоҳ”¹²⁰ деб аташади. Бу арик яқинида Хожа Шамсул(анимма) Ҳаливий, Хожа Дастиғир, Хожа Муин Тоб дегаиларнинг қабрлари бор. Ариқнинг қибла тарафида унга туташган бир тўғон тепа бўлиб, “Тали муқаррибон” (Муқарриблар тепалиғи)¹²¹ дейишади ва шу арик ёнида Хожа Ғотғар қабрлари борким, уни зиёрат қилиш лозимдир.



ХОЖА АБДУ ДАРУН¹²² МОЗОРИНИНГ ЗИКРИ

Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳи айтибдурларким, бир қабр борки, Амир Саид Абду ибн Муҳаммад Абду ибн Усмон ибн Уффон¹²³ розиоллоҳу анҳу қабрларидир.

Самарқанд шаҳри ўз вақтида араблар томонидан икки марта фатҳ этилган. Аввалги забт этишда Бухоро ва Самарқанд ахли Он Ҳазрат пайгамбар(с) номларига иймон келтириб, мусулмон бўлган эдилар. Ушбу фатҳияни шахзода (Шохизинда) Қусам ибн Аббос розиоллоҳу анҳу бошқарган эди.¹²⁴ Иккинчи юришда Ҳазрати Сайинди Аброр (яъни, пайгамбар алайҳиссалату васаллам)нинг бир гуруҳ саҳобалари шахзода (Шохизинда) Қусам ибн Аббосни Самарқанд вилоятига подшоҳ қилиб кўтардилар.

У вақтда расул алайҳиссалом ҳаёт бўлиб, халифалик бошида турар эдилар¹²⁵. Қачонким, расул алайҳиссалом рихлат(вафот) этиб, шахзода Қусам Макка томон йўлга чиққанларида, самарқандликлар яна диндан қайтиб мунофиқ бўладилар.

“Ахбор”да келтирибдурларким, мунофиқлардан 700 киши иттифок бўлиб, Ғарбдан келган шахзодани (Қусам ибн Аббосни) ўлдириш пайига тушадилар ва бу ишни саҳар-тонгда намозгоҳда амалга оширмоқчи бўлдилар. Намоз вақтида шахзода Қусам имомликка ўтган пайтда мунофиқлардан бири ханжар билан ул кишининг биқинларига уради. Яраланган шахзода кўрсатғич бармоқлари билан меҳробга ишорат қиладилар ва меҳроб ёрилиб, унга кириб кетадилар. Ва Ҳазрати Донийл алайҳиссаломнинг қабрлари яқинидан чиқиб, Хизр алайҳиссалом ёрдамида чуқурлиги 400 газ келадиган чоҳга қирадилар.¹²⁶ Кофирлар кеча-кундуз жанг қилиб, саҳобаларнинг ҳаммасини шахид қиладилар. Кейини чоҳ бошига келиб, унга шул қадар кўп тош ва шағал ташласалар-да, чоҳ тўлмас эди.

1000 нафар саҳобаларнинг шаҳодат даражасига етганлиги хабари Мадинаи мунаввара шаҳрига бориб етади. Чорёрлар Ҳазрати пайгамбар(а) раъзаларига бориб истихора қиладилар ва пайгамбар(а) қабрларидан хушхабар олгач, шахзода Саъид бин Усмонни¹²⁷ Самарқанд сари йўлладилар. Муҳаммад Абду ва Молик Хузайма¹²⁸ деган кишиларни ҳам 25000 лашқарга бош қилиб, Самарқанд сари жўнатдилар. Улар тўрт ой кофирлар билан жанг қилиб, шаҳарни қайтадан фатҳ этадилар. Молик Хузайма қурайшийлардан¹²⁹ 5000 кишини Самарқандга жойлаштириб, шахзода Саъид бин Усмонни халифа(подшоҳ) деб эълон қилдирди. Ушбу шахзода¹³⁰ пайгамбарнинг(а) кизлари бўлган Рукья¹³¹ хотунининг ёлғиз ўғли эди. Рукья хотундан бир ўғил ва бир киз туғилган бўлиб, киз вояга етгач, қурайш қабиласи улуғларида булган Хожа Муҳаммад Поӣ Бараҳна деган кишига никоҳланган эди. Ундан Хожа Абду Берун туғилганлар ва ул киши Самарқандга қози бўлиб шарият ва тарикатни пок сақлардилар. Ул зотдан эса Саид Амир Абду Дарун туғилгандирлар.

Саид Амир Абду Дарун Самарқанднинг Қавчунон маҳалласини ватан қилиб танлашга қарор қилиб, Ҳақ таолонинг ибодатига машғул бўлади. Саид

Амир Абду Дарун камолот сарҳадига етишгач, отаси ўрнида шаҳар қозилигига ўтириб, шариатни халқ орасида жорий қилади. Хожа Абду Даруннинг нафсини тийганлигига ва пархезкорлигига шул мисол бўла оладики, олти ойлик чақалоқлигида ул кишини боққа олиб кириб, бир дона узумни оғзига солишганида ёш Хожа ўн олти кун қайд қилиб, ҳеч нарса емайдилар. Чунки, ул бир дона узумнинг поклигига ва ҳалоллигига шубҳа бор эди. Хожанинг кароматлари беқиёс бўлиб, 120 йил умр кўрадилар. Ул мавзедаги бир горни ул киши макон қилган эдилар ва шул горда риёзат билан машғул бўлганлари учун ундан бихишт (жаннат) ҳиди келарди. Бир куни Хожа ўша горда ўтириб, ўзларининг жанда тўнларини тикиб турсалар бир гадо келиб хайр қилишни талаб этди. Хожа дедилар: “Эй гадо, менинг сенга берадиган нарсам йўқдирким, орқамни халққа ва юзимни Худога қаратиб, қотган нонга қаноат қилурман”. Гадо айтди: “Эй жафокашлар султони! Сизнинг муборак нафасингиз ҳазинадур!”. Хожа айтдилар: “Эй дарвеш, боргин ва Пуштаи Чўпон отадан¹³² зар талаб қил”. Гадо ушбу бобаракот зотнинг ишоратлари билан Чўпон ота тепалигига бориб, 40 хум зар топиб олади.

Нақл қилибдурларким, Самарқандда камбағал ва айлманд (серфарзанд) бир фақир бор эди. Унинг номи Абдулҳамид эди ва қашшоқлигидан ҳеч ким унга ёрдам қўлини чўза олмас эди. Шунда у Ҳазрати Хожа Абду Даруннинг қабрларига келиб, зорланиб йиғлайди. Бул воқеа Хожа Абу Мансур ал-Мотуридий замонларида бўлган эди. Шунда камбағалга Хожа Абду Даруннинг арвоқлари назар қилиб, тўрт ракаат намоз ўқишни башорат берадилар. Камбағал тўрт ракаат намозни адо қилгач, ўша ердан 40 хум олтин топиб олади. У намозни шул тариқа ўқиган эди:

Биринчи ракаатда бир марта “Фотиха” сурасини; 15 марта “Оятал-курси”ни; 25 марта “Кулё”ни; бир марта “Қулхуволлоху аҳад”ни ва бир марта “Муавваттони”ни¹³³ ўқиган.

Қолган ракаатлар ҳам шул тариқа ўқилур. Ва агар ушбу намозни кечаси ўқиса, саломдан кейин яна ўқиш керак; кундузи ўқиса, бир саломдан кейин адо қилсин.

Чоршанба, Пайшанба, Жума ва Шанба кунлари ҳамда хуш дамларда, намоз саломидан кейин 100 марта ушбу салаватни ўқисинлар:

“Оллоҳумма салли ало, Муҳаммадин ва ало оли Муҳаммад, афзал салаватки, баъд ва маълумотки”.

Сўнгра 40 марта “Ё Ваххоб” дейдилар. Кейин эса тўрт марта ушбу салаватни ўқийдилар:

“Оллоҳумма салли ало Муҳаммадин наби алфа-алфа марратини ва баъд кулли минал ошён минал мулк вал-мулк ва оли Муҳаммадин ва борик вассалом, алайҳем ажмаъин”.

Ва Амир Санд Абду Дарун кароматларининг зикри шул эдики, шерларга нигоҳбонлик қилар эдилар. Беморлар ул кишининг муборак нафасларидан шифо топар, қашшоқлар ул зотнинг остоналари зиёратидан неъматларга сазовор бўлар эдилар.

Ва Оллои таолонинг назар қилиши туфайли ул киши саъид аброрликни ва шоҳи мардонликни топган эдилар¹³⁴. Жума ва Душанба кечалари Ҳазрати Хизр ва Илбс алайҳиссаломлар, Абдол, Ғавсул Аъзам ва жамии ғайб мардумлари ила суҳбат қураб эдилар.

Ҳазрати Шайхи илмул-худа (яъни, хидоят илми Имоми ал-Мотуридий) ва Шайх Абул Қосим ал-Ҳакими Самарқандийлар алоҳида шундай васият қилган эдилар:

“Бизни Чокардиза қабристонига дафн қилингизларким, Ҳазрати Хожа Абду Дарун бизга шафоат қилишни ваъда қилган эдилар. Ва биз ул зоти бобаракотнинг шафоатларидан бенасиб қолмайлик. Зероким, Ҳазрати Абду Дарун ҳаётлик вақтларида айтган эдиларки, -“биз ўзимизнинг қабримиз атрофидаги ярим фарсах¹³⁵ мавзени шафоат қилурмиз”¹³⁶

Ва яна айтишларича, агар кимки Қурбон байрами¹³⁷ куни Ҳазрати Абду Даруннинг равзаларини атрофини етти марта айланса, пиёда ҳажга бориб келиш савобини олар экан. Ва ул зотнинг қабрлари олдида бир ховуз бўлиб, бир куни Ҳазрати Хожа Абду Дарун ҳаёт вақтларида ховуз олдидаги суфага чиқиб, тўпланганларга ваъз¹³⁸ ўқир эдилар. Ушбу ховузда жуда кўп қурбакалар мавжуд бўлиб, чунонам вақирлашдики, кулоқни қар қилгудек даражада эди. Шунда Ҳазрати Хожа Абду Даруннинг қаҳру ғазаблари келиб, қурбакаларга қараб: “Бу ерда ё сизлар турингиз, ёки биз турайлик”, - дедилар. Шундан бери ҳамма қурбакалар ул ховузни ўша зумдаёқ тарқ этишган экан.

ХОЖА АБДУ БЕРУННИНГ¹³⁹ ҚАБРИ ШАРИФЛАРИ

Хожа Абду Беруннинг қабрлари Ҳазормих мавзеи яқинидаги Қавчунон маҳалласида жойлашган. Айтишларича, ул кишининг набиралари кофирлар билан кўп жанглар қилиб, ўша манзилда шаҳид бўлганлар ва қабрлари ҳам шул мавзедадир.

Ва бошқа, Хожа Заҳҳок мазорининг зикрига келсак, ул мазор Катта Атторлар бозорида, Тўти Ҳофизнинг қарама-қаршисида. Айтибдурларким, (унинг номи) Заҳҳок ибн Музоҳим ибн Зайд ибн Иброҳим Балхий бўлиб, у Абдулло ибн Аббос¹⁴⁰ розиоллоху анҳунинг аъёнларидан эди. Заҳҳок, деб шунинг учун ном қўйганларким, икки ярим йил мобайнида онасининг қорнида бўлган ва тиши чиқиб, яна гапира бошлаган экан.

Ва бошқа, Чакар¹⁴¹ мазорининг зикрига келсак, Хожа Имом Носириддин Самарқандийнинг қабристони бўлиб, унинг икки фарзанди - Сайид Амир Камол ва Сайид Амир Хирамнинг ҳамда яна икки набираси - Абул Қосим ва Абул Ҳошимларнинг қабрлари ҳам шул қабристондир.

Ҳазрати Бурҳониддин (Соғаржий)нинг мунаввар қабрларининг зикрига келсак, ул мазор Рухобод¹⁴² мавзеида жойлашган бўлиб, ул кишининг икки фарзандлари Шайхзода Исомиддин ва Шайх Абу Саъид алайҳи раҳмат ал-ризвонларнинг қабрлари ҳам шул мақбара гүмбази ичида осудалик топгандурлар (Ул зот ҳақида алоҳида бобга қаралсин, К.К.).

ВАЛЛОҲ УЛ-АЪЛАМ

ҲАЗРАТИ ШОҲИЗИНДА – ҚУСАМ ИБН АББОС ЗИКРИ

Накл килибдурлар ва тарихчилар аҳли чунон келтирибдурларким, Ҳазрати шоҳи жавонон - Шохизинда, яъни Қусам ибн Аббос розиоллоҳу анҳу ва Саъид бин амиралмўъминин Усмон розиоллоҳу анҳу Самарқанд шаҳрини фатҳ этишгач, ислом динини халқ орасида ошкор этдиб, тарғибот жорий қилдилар. Ҳазрати Шохизинданинг фармойишларига мувофиқ Самарқанднинг олдинги (ғайридин) аҳлини Туркистонга кўчириб, ўша ерда уларга манзилгоҳ яратдилар. Ва пайгамбар(а) асҳобларидан ва уруғларидан бўлган мусулмонларни Самарқандга кўчириб келтирдилар¹⁴³. Сўнгра Муҳаммад ибн Халид ибн Волидни¹⁴⁴ Самарқандга хатиб этиб тайинладилар. Ҳар бир масжидга имомлар тайинладилар. Оз фурсатда 180 минг Самарқанд аҳли Муҳаммад ибн Халид олдида Куръонни танидилар. Шариат назоратчиларини ҳам тайинладиларким, халқ олдида амри маъруф ва наҳий мункар¹⁴⁵ қилсинлар. Ва ўша вақтдан то ҳозирга қадар Халид авлодларидан бўлганлар Самарқандда анча кўпдир.

Шайхзода давозасининг¹⁴⁶ ташқарисидаги Намозгоҳни¹⁴⁷ амиралмўъминин Абу Бакр Сиддик даврларида Ҳазрати Шохизинда ўз муборак қўллари ила бино қилгандурлар. Яна, амиралмўъминин Усмон даврларида Самарқанд вилоятидаги “ўн учинчи подшоҳ”¹⁴⁸ бино қилдирган масжиди жомеъ жойлашган ер кофирлар замонида уларнинг ибодат қиладиган жойи бўлган эди. Амиралмўъминин Усмон даврларида Самарқандни фатҳ қилганларидан сўнг ул кофирларнинг ибодат қиладиган бутхонасини ва бутларини вайрон қилдилар ва уни ўрнига ушбу масжиди жомеъни қурадилар. Ҳазрати Шохизинданинг ўзлари Самарқандда қолиб, Абдурахмон(?) ибн Халид ибн Волидни Тошкент ва Андижон вилоятларига юборадилар.

Ҳазрати Шохизинда Самарқанд аҳлига одоб-ахлоқ, намозу рўза ва закотдан таълим берардилар. Қурбон байрам куни жамии Самарқанд аҳли билан намозгоҳ томон равона бўлдилар. Ўша вақтларда Самарқанд (кофирларининг) подшоси Забуршоҳ деган кимса бўлиб, Шохизинданинг лашкарларидан қочиб, Кўхистон¹⁴⁹ тоғларида макон ясаган эди. Ўшал замон у ўзининг 50 минг лашкарини йиғди ва амирлари билан кенгаш қилиб, деди: “Энди не тадбир бўлур. Қачонгача бу тоғларда яшириниб ётамыз. Зеро, мусулмонлар Ҳисорни, Бадахшонни, Ғазнани, Хуросонни олдилар ва яна Хўжанд, Тошкент, Туркистон, Асхи, Андижонга лашкар юбордилар. Биз ҳеч қаёққа боролмай қолдик; Энди сиз не маслаҳат берурсиз?”

Амирлар ҳар хил маслаҳатлар бердилар, лекин ҳеч бири Забуршоҳга маъқул тушмади. Шул соатда мусулмонларнинг душмани бўлган - шайтони ражим каби бир шахс бу ҳолдан хабардор бўлиб, нуроний пир суратига кириб, Забуршоҳ ҳузурда ҳозир бўлди. Забуршоҳ деди: “Эй пир! Сен кимдурсанки, бизнинг мажлисимизга келиб, маслаҳатимизни бузмоқдасан?”

Пир айтди: “Эй подшоҳ! Огоҳ бўлгинким, мен Самарқанд дие́ридандурман. Муҳаммадийлар¹⁵⁰ молу ашёмни талон-тарож қилдилар ва мен не машаққатлар ила Кўхистонга қочиб келдим. Эшитдимки, сен

мусулмонларга қарши бир тадбир излаётирсан. Агар қабул қилсанг мен бир қулай тадбирни айтурман” - деди. Бу сўзлардан шодмон бўлган Забуршоҳ: “Тадбирингни баён қил!” - деди. Пир деди: “Мусулмонлар ҳар йили икки мартаба байрам қилурлар ва ўнга-ўнга, юзга-юзга гуруҳларга бўлиниб, шаҳар ташқарисидати намозгоҳ сари борадилар. Уларнинг ушбу байрами бошланишига бир неча кунгина қолди. Энди тадбир шулки, сизлар ҳам Самарқанд томон гуруҳларга бўлиниб ҳар тарафдан намозгоҳга қараб борингиз; ва агар улар хабардор бўлсалар, - қурбон байрамимизга узокдан келаётганлар бўлсалар керак, - деб ҳаёл қиладилар. Сўнгра сизлар ўша ердаги жарларга пинхон бўлиб яширинасиз. Қачонким, улар намозга машғул бўлсалар, жардан чиқиб уларни тиг билан қирасиз. Зеро, мусулмонларнинг одатлари шулким, улар то намозни адо қилмагунларича ҳеч нарсага ишлари бўлмайди ва намоз вақтида уларнинг қурол-аслаҳалари ҳам бўлмайди. Шундан фойдаланиб сизлар уларни анчасини қирасизлар”, - деди. Пир суратидаги шайтони ражим каби бўлган бу шахснинг маслаҳати Забуршоҳга маъқул тушади ва Қурбон байрам кунинининг 50000 лашқари билан Дарғом дарёси лабига келиб кўнади. Юз-икки юзтадан пароканда бўлиниб, Чорраҳа дарвозасидан, Кўлобод жари нчидан, Боғи шамол ва Могурид томонларидан кела бошладилар.

Энди Шохизинда (Қусам ибн Аббос) воқеасидан эшитайлик!

Қурбон байрами арафасида Ҳазрати Шохизинда Худои таоло ибодати билан машғул эдилар. Ярим кечада толиқиб, уйқуга кетадилар. Ногоҳ илоҳий амр ила туш қўрадиларки, машриқ томондан бир дарёи азим пайдо бўлиб, унинг суви пихоятда қора ва лойқа эди. Бу дарё жамин мусулмонларни оқизиб кетар эди ва баъзиларини қиргоққа чиқиб қутулиб қолар, кўпи фарқ бўлишар экан. Бу туш дахшатидан ларзага тушган Шохизинда уйғонадилар ва амирларини қорлаб, тушларини айтиб берадилар. Амирлар айтадилар: “Эй шох! Тушингиздаги ул қора дарё - кофир душман лашқарларидур ва эртага биз Худои таолонинг ҳукми ва иродаси ила байрам намозини қанда қилмаймиз. Агар душман келиб шахид бўлсак, ҳеч бир мартаба шахидлик¹⁵¹ даражаси билан баробар бўла олмас”. Амирларнинг шу гуфтугўйи ва маслаҳатлари чоғида Бомдод намозининг вақти бўлиб қолади ва муаззин¹⁵² азон айтиб, ҳаммани намозга қорлайди. Жамин ислом лашқарлари ўринларидан туриб, таҳорат оладилар ва Самарқанднинг ашраф ва аъёнлари Шохизинда билан бирга Бомдод намозини ўқийдилар. Сўнгра ҳаммалари тақбир айтиб, намозгоҳ сари равона бўладилар ва Шайхзода дарвозасидан ташқарига чиқиб, намозгоҳга етадилар. Вақт чоштгоҳ бўлганда Ҳазрати Шохизинда ўринларидан туриб намозга машғул бўладилар.

Айтишларига қараганда, ўша Қурбон байрами пайшанба кунига тўғри келган экан. Тақдирни қарангки, Ҳазрати Шохизинда пайшанба кунини Самарқанд сари келганлар; пайшанба кунини Самарқандни фатҳ этганлар; пайшанба кунини чоҳ ичида гойиб бўлганлар; Ва яна айнан пайшанба кунини Ҳазрати Исо пайгамбар алайҳиссалом осмондан нузул¹⁵³ қилганларида, Шохизинда чоҳ ичидан айнан пайшанба кунини чиқиб, 40 йил муддат

Самарқандга подшоҳ бўладилар ва Қиёмат¹⁵⁴ куни 61 фарсах атрофидаги кўмилган халқни шафоат қиладилар.

Алқисса, Курбон байрам куни намоз ўқиладиган вақтда кофирлар мусулмонларни ўлдира бошладилар. Аммо, Ҳазрати Шохизинда намоз қаъдасида “Аттаҳиётни”¹⁵⁵ ўқидилар; сўнгра ўнг ва чап томонларга салом бериб кўрдиларким, атрофда қонлар арик бўлиб оқаёттир. Ўшал соатда ул зот ўринларидан туриб, Самарқанд намозгоҳи томон ишора қилдилар ва ишораларининг баракоти туфайли намозгоҳ девори ёрилиб, тирик қолган мусулмонлар ўша ёриқ орқали жонларини омон сақлаш учун қочдилар. Кейин омон қолган мусулмонларнинг баъзилари Анҳор тумани¹⁵⁶ томонига; баъзилари Шовдор томонига; қолганлари эса Соғарж, Офаринкент, Улёбод, Шероз, Сарипул, Хайробо, Насробо, Нахшаб томонларига кетдилар. Ярадор бўлган мусулмонлар эса жар ва тепаликларга яшириниб, охири жонларини Ҳақ таолога таслим қилдилар.

Аммо, Ҳазрати Шохизиндага келсак, ул киши дсвор ёригидан ичкарига кириб, меҳробга ҳам ишорат қилдиларки, меҳроб илоҳий қудрат билан ёрилади ва ул зот шу ёриқ орқали ташқарига чиқиб, Шайхзода дарвозаси сари юрадилар. Ниятлари - дарвоза орқали шаҳарга кириш эди. Қарасаларки, кофирлар қуролланган ҳолда дарвоза устида турибдилар. Ҳазрати Шохизинда Шайхзода дарвозаси орқали шаҳарга кира олишларига кўзлари етмай, “шоядки Оҳанин (Темир) дарвозаси орқали шаҳарга кирсам”, -деган фикрда дарвозаи Оҳанинга яқинлашиб кўрсаларки, ул ҳам кофирлар қўлига ўтган экан. Ночор, муборак юзларини офтоб томон қаратиб юрдилар ва ҳозирги вақтда Шохизинданинг (ўзларининг) мақбаралари жойлашган мавзеге келадилар. Кофирлар ҳам хабар топиб, ул зотнинг муборак жонларига қасд қилиш учун орқаларидан югурди. Бир паҳлавон ўз шамширини Ҳазрати Шохизиндага беради; бу шамшир билан Ҳазрати Шох кўп кофирларни қирадилар. Шунини айтиш керакки, Ҳазрати Шохизинда жуда паҳлавон, хушсурат ва соҳибжамол киши эдилар. Ул киши шул жиҳатларидан ўз амакизодалари - пайгамбаримиз саллаллоҳи алайҳи васалламга жуда ўхшар эдилар¹⁵⁷. Алқисса, Ҳазрати Шохизинда кофирлардан жуда кўпларини кириб, уларнинг қонларини ариқларда оқизган вақтда кофирлар подшоҳи Забуршоҳ етиб келади. У жуда айёр эди. Айтдики: “Шамшир билан уни енгиб бўлмас; унга тир-камондан ўқлар ёғдиринг”.

Ҳазрати Шохнинг якка ўзлари душман қуршовида қолгач, Худои таолодан паноҳ сўраб илтижо қиладилар. Ногоҳ, ул зот қаршисида бир нуроний одам пайдо бўлади. Ҳазрати Шох: “Сиз кимсиз?” - деб сўрадилар. Ул нуроний айтди: “Мен Абул Аббос, яъни Ҳазрати Хизр (алайҳиссалом)дурман ва Худои таолонинг амри билан ҳузурингизга келдим; Худои таоло айтдики, - бориб унга айтгил, ер унинг фармонидадур”.

Бу гапни эшитган Ҳазрати Шохизинда дарҳол ерга ишорат қилдилар. Худои таолонинг амри билан ерда бир чоҳ пайдо бўлди. Шунда Ҳазрати Шохизинда сўрадилар: “Парвардигорнинг амри недур?” Ҳазрати Хизр айтдилар: “Худои таолонинг фармони шулдирким, сиз шу чоҳга кириб,

Ҳазрати Исо алайҳиссаломнинг нузулларига қадар шул чоҳ ичида Оллоҳи таолонинг таот-ибодати билан машғул бўласиз”.

Сўнгра Ҳазрати Шохизинда шул чоҳ ичига кирдилар ва ғойиб бўлдилар. Кофирлар бу ҳолатни кўриб хайратда қолдилар. Уларнинг подшоҳи Забуршоҳ эса бу чоҳ ичига тош, кесак, шагал ташлашга фармон берди ва Шохизинданинг тош остига қолиб ҳалок бўлишига ишонди. Аммо, Оллоҳи таборак ва таоло Рухонл номлик бир фаршгасини юбориб, буюрдиким, “кофирлар ташлаган тошу кесакларни олиб бошқа жойга ташла”.

Кофирлар анча вақтгача қапчалик уринишмасни лекин чоҳни тўлдира олмадилар. Сўнгра бир пахлавонга кўп инъомлар ваъда қилиб, Ҳазрати Шохизинданинг ўзини ёки бошини кесиб олиб чиқишни буюрди. Лекин, ул пахлавон чоҳнинг тагига етгач, фарёд кўтаради. Уни тезликда тортиб олишади ва “у ерда нимани кўрдинг”-деб сўрашади. Пахлавон айтадики,-“у ерда бир аждаҳони кўрдим ва у менга ҳамла қилмоқчи бўлди”,- деб жавоб беради.

ҲАЗРАТИ ШОХИЗИНДА ҚИССАСИНИНГ ДАВОМИ (АМИР ТЕМУР ДАВРИ ВОҚЕАЛАРИ)

Алқисса, Амир Темурни Кўрагоний замонларигача шу аснода ташки қилинар эди. Амир Темурдек султони даврон ва соҳибқирон¹⁵⁸ Ҳазрати Шохизиндани зиёрат қилиш учун чоҳ бошига келади. У вақтда чоҳ устида ҳеч қанақа иморат йўқ эди.¹⁵⁹ Ўшанда Амир Темур ўзининг амир ва аъёнларига қараб шундай деди: “Эй амирлар! Мен тарихда чунон ўқиган эдимки, унда Ҳазрати Шохизинда ушбу чоҳ ичра тирик экинлар¹⁶⁰ - деб ёзишади. Ул киши одамлар назаридан шул чоҳ ичига кириб ғойиб бўлганлар. Шунча вақт ўтгач, ул зот ҳаётми ёки фони¹⁶¹ оламдан кўз юмиб сафар қилганмикинлар?”

Амир ва аъёнлар айтдилар: “Ё Амир! Бу илми ғайбдур.¹⁶² Уни Худодан бўлак ҳеч ким била олмас”.

Шунда Хожа Абдулмалик деган аъён деди: “Ё Амир! Ҳазрати Шохизинда ушбу чоҳ ичра тирикдурлар. Мен китобларда ўқиган эдимки, Ҳазрати Шохизинда Ҳазрати Исо прайғамбар(а) зухурлари вақтигача шул чоҳ ичида тоату ибодат билан яшайдилар. Ҳазрати Исо(а) осмондан бу дунёга нузул қилган вақтда, Ҳазрати Шохизинда ҳам чоҳдан чиқиб, 40 йил Самарқанд вилоятида подшоҳлик қиладилар”- деди.

Шундан сўнг Амир Темур сипоҳиларга қараб айтди: “Эй амиру сипоҳилар! Сизларнинг ораларингиздан бирор мард шул чоҳ ичига тушиб Ҳазрати Шохизинданинг ўлик ё тирикликларидан хабар олиб чиқса, мен унга ҳисобсиз молу давлат инъом қилур эдим”.

Шул соатда сипоҳилар орасидан бир марди хирадманд¹⁶³ олдинга чиқдики, унинг номи Ҳиддо бўлиб, бағоят пахлавон эди. У айтди: “Эй Амир! Агар ижозат бўлса мен бул чоҳ ичига кириб, Ҳазрати Шохизиндадан хабар олурман”.

Амир Темур деди: “Эй Ҳиддо! Бу ишинг мардона иш бўлдиким, сендан бошқанинг юраги бетламас эрди. Энди тез ҳозирланиб чоҳга туш ва Ҳазрати

Шохизинданинг кайфиятлари ҳақидаги хабарни менга етказиб, кўнглимга таскин бер”.

Сўнгра Ҳиддо белига арқонни боғлаб чоҳга тушди. Чоҳнинг тагига етгач, қарасаки, бағоят қоронгу экан. Ҳиддо жуда доно ва оқил киши эди. Қоронгуликка кўникиш учун анча вақт икки қўли билан кўзларини маҳкам босиб турди. Бироз вақтдан кейин кўзларини очиб, чоҳнинг ичига назар ташлади ва қоронгуликка кўникиб, аниқроқ кўра бошлади. Чоҳнинг бир бурчагида гор бўлиб, Ҳиддо у горга қиради. Горнинг адогида бир саройни кўрдики, Фаридуннинг¹⁶⁴ саройи каби экан. Саройнинг тўрт атрофида тўрт суфа ва суфалар устида тўрт тахтни кўрди. Ва сарой ичига ҳеч кимсани кўрмади. Саройнинг тўрида бир эшик бўлиб, Ҳиддо шул эшик орқали бир боққа қирадиким, жаннат боғлари каби эди. Боғнинг бир тарафида катта майдон бўлиб, унда бениҳоят кўп алвон дарахтлар, чашмалар, сабзалар ва хилма-хил қушлар хуш овозлари билан Ҳақ субҳона ва таолога ҳамду санолар¹⁶⁵ айтар эдилар. Ариқларда тошлар ўрнида дурру -жавоҳирлар ётарди. Ҳиддо меваларга қўл чўзган эди, бир баҳайбат овозни эшитди: “Эй саркаш! Бу меваларни олишни қасдини қилмаким, агар бирортасини узиб олсанг, рўзгорингни қаро қилиб, бошингни мағзини шу гурзим билан уриб паришон қилурман”.

Бу овоздан кўркиб кетган Ҳиддо чор атрофга назар солди. Майдоннинг бир тарафида гурзи кўтарган салобатли, баҳайбат бир кимсани кўрди ва мевалардан қўлини тортиб, майдоннинг бошқа тарафига қочади.

Бу жой ҳам жуда хуш ва ораста яйлов бўлиб, унда 224 минг от ўтлаб юрар эди. Шу майдонда бир заррин қаср бор эди. Қаср атрофида 224 минг одамларни кўрдики, улар яйловдаги отларнинг эгалари эдилар. Одамларнинг баъзилари яшил либосда ва баъзилари оқ либосда бўлиб, улар Шохизинданинг лашкарлари эдилар. Шу аснода ушбу одамлар орасида ғавго кўтарилади. Улар бир-бирларига айтар эдиларки: “бир киши орамизга кириб қолган ва у бизга бегонадир”.

Бу гапларни эшитган Ҳиддо дарҳол заррин қаср ичига кириб яширинади ва кўрадики, жавоҳирлар билан безатилган тахтда бир нуруний киши ўтирган экан; ул зотнинг ўнг томонларида яшил либос кийган нуруний ва чап томонларида эса оқ либос кийган нуруний киши ўтирар эди. Бу ҳолни кўрган Ҳиддо ўтиб бораётган бир кишидан сўради: “Ул тахт узра ўтирган нуруний кимдур ва яна ул зотнинг ўнгу-чап томонларида, яшилу - оқ либослар кийган нурунийлар кимдурлар?”. Ул киши деди: “Билгил ва огоҳ бўлгинким, ул тахт узра ўтирган нуруний киши - Ҳазрати пайғамбаримиз саллоллоҳи алайҳи васалламнинг амакизодалари Ҳазрати Шохизинда, яъни Қусам ибн Аббос розиоллоҳу анҳудирлар; ул зотнинг ўнг томонларидаги киши Ҳазрати Абул Аббос, яъни Хизр алайҳиссаломдурлар; ва чап томонда ўтирган киши эса - Ҳазрати Илёс алайҳиссаломдурлар. Қаср атрофида юрган кимсалар эса - Мардуми Ғайб ва Арвоҳи тайибаларким,¹⁶⁶ ўн саккиз минг оламни¹⁶⁷ яратган Парвардигорнинг амри билан ҳар куни Ҳазрати Шохизинданинг хизмат ва мулозаматларига келишиб, ул зотни зиёрат қилишар ва яна дунёнинг ҳар

чеккасига тарқалишардилар”.

Шундан сўнг. Ҳиддо тахтда ўтирган киши - Ҳазрати Шоҳизинда экаликларини билди. Шул вақтда ташқаридаги гавғони Ҳазрати Шоҳизинда эшитиб, нима учун гала-говур қилишаётганини сўрайдилар. Ул зотга айтишади: “орамизда бир бегона киши пайдо бўлибдурким, ул бизлардан эмас”.

Бу гапни эшитган Ҳазрати Шоҳизинда қахру ғазаб билан ул бегонани тутиб келишни буюрадилар. Шундан сўнг Хожа Гулфайз Богдодийки, Самарқанднинг Шайхзода дарвозаси яқинида кўмилгандурлар ва Хожа Муҳаммад Фузайл Балхийким, шаҳарнинг Ферузаобод дарвозаси ёнида кўмилгандурлар - ҳар иккилари дарҳол Ҳиддони қидириб толиб, бирлари уни ўнг кўлидан ва бирлари эса чап кўлидан ушлаб Ҳазрати Шоҳизинданинг хузурларига олиб борадилар.

Шоҳизинданинг ҳайбат ва салобатларидан Ҳиддонинг бадани ларзага тушади. Салом-алиқдан сўнг Ҳазрати Шоҳизинда айтди: “Эй Худонинг бандаси! Беодоблик қилиб, чоҳга далерона тушишга арвоҳи тойибадан кўркамдингни? Энди сени жазолаш лозимдурки, фоний дунёдагиларга ибрат бўлсин”.

Бу гаплардан кўрқиб кетган Ҳиддо айтди: “Эй Ҳазрати Шоҳизинда! Азоб бермангизким, мен гунаҳкор эмасдурман ва ўз ихтиёрим билан чоҳга кирганим йўқдир. Бу кун Самарқандда Амир Темур номлик зот подшоҳ бўлган ва у мени мажбуран чоҳга киргизди”. Шунда Ҳазрати Шоҳизинда айтди: “Нечук ёлгон сўзлайсан? Сени Амир Темур мажбуран юборган эмасдир. Сен подшоҳнинг ваъда қилган бойлигини олиш учун чоҳга киргансан. Эй Ҳиддо, энди сен бу ерга келиб бекор қилдинг. Агар бизни сиру-асроримизни ўз подшоҳингга айтиб ошкор қилсанг, сен танангдаги энг нозик аъзоларингни биридан ажралурсан”.

Ҳиддо йиғлаб деди: “Эй Ҳазрати Шоҳ! Амир Темур жуда гаюр ва тарихни яхши биладиган подшоҳдир. Мен кўрганларимни унга айтмасам, ул менга азобу-уқубат етказди ва мен азобу-уқубатларга тобу-тоқат қилолмасам керак. Эй Ҳазрати Шоҳ, ногаҳон мен бу сирни Амир Темурга айтиб қўйсам, қайси нозик аъзоларимдан ажралурман?”

Ҳазрати Шоҳизинда айтди: “Эй Ҳиддо, сенинг мушкулотинг шулким, агар бизнинг сиримизни ошкор қилсанг, икки кўзинг кўр бўлур ва яна бир мушкулот шулдурким, киёматга қадар сендан вужудга келган ҳар бир авлодинг ҳам кўр бўлиб туғилур. Энди колгани ўзингга хавола; тез бўл ва бу чоҳдан чиқиб, бизни ташвишингдан холос қилғил”.

Ҳиддо Ҳазрати Шоҳизинданинг бу сўзларини эшитиб, дарҳол ўрнидан туриб қаср ичидан ташқарига чиқади; майдон ва боғдан ўтиб горга қиради; чоҳ тагига келиб, арқонни белига боғлади ва овоз чиқарди ҳамда арқонни тортиб белги берди. Белгини тушунишиб, чоҳ устидагилар Ҳиддони дарҳол тортиб оладилар ва Амир Темурнинг хузурига олиб борадилар. Амир Темур деди: “Эй Ҳиддо, чоҳ ичида не ажойиботларни кўрдинг ва Ҳазрати Шоҳизинда ушбу чоҳ ичида экаларми ёки йўкми?”

Ҳиддо деди: “Эй Амир! Мен чоҳнинг тагига тушдимки, жуда қоронгу экан; ҳеч нарсани кўрмадим ва Ҳазрати Шохизинда у ерда йўқ эканлар”.

Амир Темур Ҳиддонинг бу сўзларини эшитиб қаҳру-ғазабга келиб айтди: “Энди сенинг ишинг шу даражага етдики, мендек подшоҳни алдаётирсан. Ваҳоланки, Ҳазрати Шохнинг чоҳ ичига кирганлари жамики мардумларга аёндур ва тарихчилар ҳам шунга далолат бераётирлар. Ҳозир сен кўрганларингни айтиб бермасанг, сенга андоқ азобу-уқубатлар бсрурманки, сўнг пушаймон бўлурсан!”

Лекин Ҳиддо ҳеч нарса кўрмадим, деб ўз сўзида тураверганидан кейин, Амир Темур жаллодни чорлаб Ҳиддони қатл этишни буюради (Лекин Ҳиддони кўрkitиш учун Амир Темур бу ишни қиларди).

Жаллодни кўриб кўриб кетган Ҳиддо Амир Темурга деди: “Эй шахриёр, мен агар сенга Ҳазрати Шохизинданинг сирларини баён қилсам, танамнинг энг нозик аъзосидан айрилурман”.

Амир Темур айтди: “Эй Ҳиддо, менга айт, танангдаги қайси аъзонингдан айрилурсан?”

Ҳиддо деди: “Эй Амир! Мен бу сирни ошкор қилсам, ҳар икки кўзларим кўр бўлур ва бошқа мушкулот шулким, қиёматга қадар мендан вужудга келган ҳар бир авлодим ҳам кўр бўлишур. Эй Амир, сен мусулмонлар подшоҳидурсан ва мен сенинг кўп хизматларингни қилгандурман. Энди инсоф билан айтгинчи, менга ва авлодимга шу жафоларни раво кўрурманми?”

Амир Темур деди: “Бу дунёда ҳеч ким боқий қолмайди ва мен ҳам барча мусулмонлар каби Ҳазрати Шохизинданинг воқеаларини билишни хоҳларман. Агар сен бу хабарни етказсанг, нақадар савоб иш қилган бўлур эдинг. Энди, сен ўзинг ва авлодингни меҳнат қилиб заҳмат чекишидан ғам ема. Мен Самарқанд шаҳрида сенинг авлодинг учун бир мадраса қурдирайким, уни “Кўрлар мадрасаси” деб атасинлар. Яна сен учун бир боғ солдирайким, уни “Боғи Ҳиддо” дейишсин. Яна Сўзангарон дарвозасидан Феруза дарвозасигача бўлган кўчаларни авлодингга вақф¹⁶⁸ қилиб берурманким, меҳнат ғамини тортмасинлар. Ва яна шулким, сен бир чопқир отга миниб йўлга туш, токи отинг холдан тойиб, чопишдан тўхтаган мавзегача ерни авлодингга вақф қилурман. Яна шулким, Самарқанднинг қайси туманини ихтиёр этсанг, ерни ўша жойдан берурман”.

Амир Темурнинг бу сўзларини эшитган Ҳиддо уни қабул қилади. Амир Темур ваъдага мувофиқ Ҳиддо учун аввало мадраса боғ ва кўчаларни вақф қилиб беради.

Аммо, Ҳиддо “қайси тумандан ер таниласам экан”,- деган андешага бориб, ҳаёлга чўмди: “Агар Анҳор тумани ерларини ихтиёр қилсам, Дарғом дарёсининг суви хатарлидир ва ҳамма вақт қирғоқдан тошиб, авлодинни машаққат чекишга мажбур қилади ва Дарғом сувига ғалла экиб бўлмайди; ва агар Шовдор туманининг ерларини ихтиёр қилсам-чи,- жуда узоқ ва авлодим узоқ йўл юришга ожиздурлар; яхшиси Насробод ерларини ихтиёр қилурман, ул ерлар Самарқанд шаҳрига яқин ва қурук оқади”.

Шу мулоҳазалардан сўнг Ҳиддо отга минади ва отни Себахши томонга

солади; ундан Мисрга; ундан Чоштепага; ундан Давлатободга; ундан Жахонкушога; ундан Чаиғалга ва ундан Оҳалик сойига қараб отини чоптиради. Лекин, шу ерга келиб от чарчаб қолади ва Оҳалик сойига бироз етмасдан тўхтайди. Ҳиддо, -“водариғо, отим сойга етмасдан тўхтади”, -деб отдан туша солиб “опа кетди ва ўзини Оҳалик сойига ташлайди (бошқа манбада Ҳиддо қўлидаги камчинини сойга қараб отиб юборади, К.К.).

Алқисса, Ҳиддо шундан сўнг бошқа от билан Амир Темур хузурига қайтади. Бу воқеаларни эшитган Амир Темурнинг кўнгли чоғ бўлиб, Оҳалик сойигача бўлган ерларни ҳаммасини Ҳиддонинг авлодларига вақф этиб, муҳр босиб унинг қўлига тутқзади ва айтади: “Эй Ҳиддо! Энди хотирингни жам қилгинки, аводингни ғамидин фориғ бўлдинг. Қани энди ўтириб, менга чоҳда не ажойиботларни кўрганнингни баён этиб, Ҳазрати Шохизинданинг кайфиятлари нечоғлигидан хабар бергин!”. Шундан сўнг, Ҳиддонинг кўнгли тўк бўлиб, чоҳда не кўрган бўлса, ҳаммасини айтиб беради. Чоҳга тушиб, қоронғуликка кўзлари кўниккач, гор орқали улугвор саройни кўрганини; ундан ўтиб, жаннати боғлардан бирига кириб, унда алвон узумлар, олма, анжир, нашоти ва бошқа хил меваларни кўрганини; ундаги алвон дарахтларда кўнган қушлар хуш овозлари билан Ҳақ субҳона ва таолонинг ҳамду саноларини айтиб сайраётганликларини; ул боғдаги мевалардан фоний дунёдан келган одам ейиши мумкин эмаслигини айтади. Майдонда тўпланиб турган 224 минг отлик одамларни кўрганини, улар Ҳазрати Шохизинданинг лашкарлари эканлигини; ундан кейин майдон олдидаги заррин қасрга кириб уч кишини кўрганлигини, улар Ҳазрати Шохизинда, Ҳазрати Хизр ва Ҳазрати Илёс эканликларини ҳикоя қилиб беради. Охирида Ҳазрати Шохизинданинг, “агар бу сирни ошкор қилсанг, сен ва авлодинг кўр бўласизлар”, деб айтган башоратларини Амир Темурга айтиб беради ҳамда Ҳазрати Шохизинда, Ҳазрати Хизр ва Ҳазрати Илёсларнинг саломларини етказди. Ҳикоясининг охирида Ҳиддо дейди: “Эй шаҳриёр! Не кўрган бўлсам, сенга ҳаммасини окизмай-томизмай айтиб бердим”.

Шул сўзларни айтгач, Ҳиддонинг икки кўзидан икки қатра қора сув оқиб тушади ва унинг кўзлари кўр бўлиб қолади. Ва унинг авлодлари ҳам Худон таолонинг фармони билан кўр бўлишди ва киёмат кунигача кўр бўлишур.

ВАЛЛОҲУ АЪЛАМ БА ҲАҚИҚАТ УЛ - ҲОЛ

БОШҚА НУСХАЛАРДАН ҲАМ КЕЛТИРИЛДИ (ЯНА ХОЖА АБДУ ДАРУННИНГ ЗИКРЛАРИ ҲАҚИДА)

Ровийлар чунон нақл этибдурларким, Ҳазрати султонул-орифин ва кутбул-толибин,¹⁶⁹ яъни, Шайх Абу Мансур Мотуридий алайхи рахма вал-ризвон айтибдурларким, бу ерда - Самарқандда бир зот дафн этилганким, у зотни Хожа Абду Дарун дерлар; ул киши жуда бузург ва ботиний зикр соҳиби эдилар; Кароматлари ҳам жуда бениҳоя бўлиб, уларидан бири шул эдики, ул зот вафот этганларида осмондан олтин рангдаги заррин чигирткалар ёғиди. Ва бошқа кароматлари шул эдиким, етмиш йилгача қабрларидан мушқу-анбар каби хушбўй хид келар эди. Ва яна шул эдики, ҳар вақт Кўҳак дарёсидан кечиш вақтида, дарё ул зотга йўл берар эди.

Падари бузургворларининг номи Хожа Абду Қодир ас-Саъид (Хожа Абду Берун) бўлиб, ул киши Ҳазрати амиралмўъминин Усмон(р)нинг куёвлари эдилар ва Самарқанддан Хожанинг ҳозирги мазори жойлашган мавзе еригача бориб, кофирлар билан ғазовот урушида¹⁷⁰ қатнашганлар. Ул киши Ҳазрати Усмон(р)нинг ёрликлари билан Самарқандда ҳукм сурдилар ва халифа Усмон(р)нинг мусхаф-Қуръонларини¹⁷¹ Самарқандга келтирганлар.

Хожа Абду Даруннинг мазорлари жойлашган мавзе Абдолнинг тўхташ, ором олиш мавзеси бўлган. Ҳазрати Хизр(а) ва Ҳазрати Илёс(а)лар ул ерга келиб туришар эдилар. Ул мавзеда бир ҳовуз бўлиб, унда қурбақалар яшамас эди ва сабаби шул эдиким, Хожа Абду Дарун аксарият ваъзхонликларини ушбу ҳовуз лабида ўтказар эдилар; бир ваъзхонликда қурбақалар чунон овоз чиқариб халақит бердиларки, Ҳазрати Хожанинг қаҳру ғазаблари келиб: “бу ерда ё сизлар турунглар, ё биз турайлик”, - дедилар. Ўшанда қурбақалар ҳовуздан чиқиб кетишган экан. Шундан бери қасрда қурбақалар кўп бўлса, ушбу ҳовуз сувидан бироз олиб тўкншса, ўшал жойда қурбақалар барҳам топар эдилар.

Ҳазрати Хожа рўза тутар эдилар, ҳар вақт ифтор қилмоқчи бўлсалар саҳролардан олдиларига охулар келишар ва Хожа уларнинг сутини соғиб олиб, рўзани шу сут билан очар эдилар.

Ва бошқа кароматлари шул эдиким, доим шер устида сайр қилардилар. Айтишларича, Ҳазрати Хожанинг ўғиллари туғилганида уни шерга тарбият учун берганлар. Шер болани олиб ғойиб бўлади ва беш йилдан кейин келтириб беради.

Ҳазрати Хожа Муҳаммад Қози қаддасоллоҳу сиррага айтибдурларким: “етти кун ичида Қуръонни ёдладим ва 1360 китобни ўқиб, 4 минг валининг суҳбатида бўлдим ва савобини олдим; яна 400 илму-асрорли китобларни ўқидим; 1000 та муҳаддисдан ҳадис эшитдим, Хизр(а)нинг 1700 мартабаларига етдим; 70 саҳобани кўрдим ва давлату мартабаларни хизматларим туфайли топгандурман”, - дедилар. Ҳазрати Хожа Абду Дарун(р) Маккан мукаррамани ва Каъбан муаззамани зиёрати учун умрлари давомида 28 марта пиёда ҳаж қилганлар. Ва айтган эдиларким: “Ҳақ субҳона ва таоло менга шафоат қилиш хислатларини берибдурким, ярим фарсах атрофдаги жойни шафоат қилурман”.

Ҳазрати Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий айтган эканлар: “бизни вафотимиздан кейин Ҳазрати Хожа Абду Даруннинг яқинларига дафн этингиз, ул киши ярим фарсах ергача атрофдагиларни ўз химоятларига олиб шафоат қилурлар ва биз ул зотнинг шафоатларидан махрум бўлиб қолмайлик”.

Ҳазрати Хожа Абду Дарун Самарканд вилоятида вафот этганлар ва неча вақтларгача ул кишининг қабрларидан “фотиҳа” сурасини ўқийётган овозлари келар эди. Ҳазрати Хожа 247 хижрий йилининг зулкаъда (861 йил май, К.К.) ойда вафот этадилар.

Бир куни Хожа Абду Даруннинг оналари Ҳиндистонга бориб Боборатани(р)¹⁷² зиёрат қилиб келишга отланади, лекин от-улов бўлмаганлигидан ҳайрон бўлиб турарди. Шунда Ҳазрати Хожа: “эй она, ташқарига чиқинг”,- дейдилар. Оналари ташқарига чиқиб кўрсаларки, иккита шер турган экан. Икковлон шул шерлар устига чиқиб, бир кунда Ҳиндистонга етадилар ва Боборатанга 1000 ҳадисни ўқиб, яна Самарқандга қайтиб келадилар.

Нақл қилибдурларким, пайғамбар(с)га Ҳиндистон аҳлидан энг биринчи иймон келтирган киши - Боборатан Вали бўлиб, ул зотдан кўп сирлар вокиф бўлган. Масалан, пайғамбар(с) танҳо ўзлари Маккаи муаззама саҳросидан ўтиб бораётган эдилар. Кўрдиларким, лайлак бир илонга қасд қилиб, тутиб олмоқчи экан. Ногаҳон илоннинг кўзи расулуллоҳга тушади ва зорлик билан панох истайди. Он Ҳазрат(с) муборак енгларини ичига илонни солиб, панох берадилар.

Лайлак деди: “Ё расулуллоҳ, бу дўзах илонларидандур, Сизга зарар етказиши мумкин”. Икки олам Хожаси (пайғамбар) лайлакка рухсат бериб жўнатадилар дилар: “Эй илон, душманинг кетди, энди ташқарига чиқ!” Илон деди: Эй расули Худо, рухсат берсангиз, бирор жойингизни чақсам! Пайғамбар айтдилар: “Яхшиликка ёмонликму?” Лекин илон Мухаммад мустафо¹⁷³ саллоллоҳи алайҳи васалламнинг бармоқларидан чақиб, захрини солади. Шундан сўнг Ҳазрати пайғамбар алайҳиссалом ўзларининг муборак бармоқларидан захарни шимиб, ерга туфуриб ташлайдилар. Бир йилдан сўнгра ул ерда бир гиёҳ ўсиб чиқади ва Боборатан унинг сирини ошкор қиладилар.

Хожа Абду Дарун ўз оталарининг шаҳодатлик беришини рад этганлар яъни, ул зот Самарқандда Қози калон бўлган вақтларида бир масала юзасидан оталарининг гувоҳлик беришларини рад этганлар) ва деганлар: “Эй ота, эмизикли гўдак вақтимда сиз мени кўтариб бир бокка олиб бордингиз ва икки дона узум узиб, бирини ўзингизнинг оғзингизга, бошқа бирини эса менинг оғзимга солдингиз. Мен оғзимни очиб узумни чиқариб ташладим ва етти ёшга қадар қайд қилиб юрдим”. Ҳазрати Хожанинг оталари бу сўзларни эшитган ҳамона (гувоҳ бўлишга ҳақлари йўқлигини билгач, К.К.) шу заҳоти шаҳардан ташқарига чиқиб кетадилар ва Қавчунон мавзесини ўзларига ватан қиладилар. Шул жиҳатдан ул кишини Хожа Абду Берун (яъни, шаҳар деворларидан ташқарида яшовчи, маъносид) деб атайдилар. Хожа Абду Дарунга келсак, ул

зотни яна Хожаи Ганж деб ҳам атардилар ва шул сабабданким, ул киши ўтирган ердан ҳамиша ганжу-олтин чикар эди.

Хожа Абду Дарун дедилар: “мен қирк кутбни¹⁷⁴ савобини олдим ва уч йилдан бери Абдол, Хизр ва Ил’с алайхис-саломлар билан суҳбатлашиб келурман. Улар ҳаётимда ва мамотимда мен билан биргадурлар”. Яна ўша мавзеда бир боғ бўлиб, “Боғи шерон” (Шерлар боғи) дер эдилар. Ҳар йили Хожа Абду Дарун шерларининг бўйинига тавқу-тўқим солиб, ул боғда ер ҳайдаб, ишлар эдилар. Ҳазрати Хожа етмиш йил мобайнида ўша мавзедаги гор ичида яшаб, ўша горда вафот этганлар. Хожа Яхё ибн Шайх Абдул Қосим Нишопурий, Хожа Зикриё, Шайх Абул Ҳасани Басрий, Шайх Абдулло Ансорий, Шайх Абу Лайс Самарқандий каби жамии Самарқанд авлиёлари ўзларини касбу-ҳолларини Хожа Абду Даруннинг руҳи пурфутухларидан олишган.

Хожа Абду Дарун дегандилар: “пайгамбарлардан бирлари Жайхун (Амударё, К.К.) дарёсини кечиб, Самарқандга келиб қолганлар. Халқни динга даъват қилиб, шу ерда вафот этганлар. Ул пайгамбарнинг номлари Дониёл(а)дир. Ва мен касбу-ҳолимни Дониёл(а)нинг руҳи пурфутухларидан олганман. Ҳар ким муроди бўлса, жума кунлари Ҳазрати Дониёл(а)нинг файзли мозорларини зиёрат қилса, Худон таолодан не талаби бўлса вожиб бўлғай”.

Хожа Абду Дарун Имом Хусайн(р)нинг бошларини хорижийлар қўлидан олиб, ўз саройларига кўмганлар. Сўнг яна элтиб қабрига қўйганлар. Хожа Абду Дарун бир тўнни эллик йил кийганлар (бу фақирлик ва покизалик нишонасидур, К.К.).

Хожа Юнуснинг ўғли ва Амир Исмоил Сомонийнинг¹⁷⁵ куёви Имом Ҳафизиддин Бухорий айтибдурлар: “Бухородаги жамии улуг мозоротларни зиёрат қилдим, хасталикдан қутулмадим; Калобод мозорини зиёрат қилдим, лекин ўзимни енгил хис қилмадим. Сўнгра қайтиб Хожа Абду Даруннинг файзли мозорларига зиёрат қилиш учун келдим. Рўза тутар эдим ва кечалари бедор эдим; хасталик кетиб, илму-маърифатга оид юзлаб китоблар ёздим”.

Ҳазрати Хожа Абду Дарун ҳар уч ойда бир марта таҳорат қилар эдилар. Оталари Хожа Абду Берун эса ҳар олти ойда бир марта таҳорат қилардилар (тоат-ибодат учун қилинадиган таҳорат назарда тутилмай, балким, парhezгорлик, овқатдан ўзини тийиш маъносиде айтилаётир, К.К.). Ва яна шулки, амиралмўъминин Хусайн, Имом Зайнулобидин¹⁷⁶ ва Хожа Абду Дарунларнинг тупроқлари бир жойдан олингандур. Ҳазрати Хожа 70 йил давомида (деярли) ухламаганлар ва кеча-кундуз тоату-ибодат билан машғул бўлганлар. Агар Хожа Абду Даруннинг файзли мозорларининг зиёрат қилсангиз, етмиш ҳажнинг савоби сизнинг номаи аъмолингизга ёзилур. Зеро, ул зот қутбул-актоб¹⁷⁷ эдилар.

Хожа Абду Дарун, пайгамбар(с) кизларини авлодидур. Чунки, Ҳазрати рисолатпанох саллоллоҳи алайҳи васаллам ўзларининг икки кизлари - яъни, Руқия ва Умм Гулсумни Ҳазрати Усмон(р)га никоҳлаб берганлар.¹⁷⁸ Руқиядан Саъид бин Усмон, яъни Самарқандни эгаллаган подшоҳ туғилганлар ва ул киши Ҳазрати Хожа Абду Даруннинг холабаччалари эди.

НОВАДОН ЧАШМАСИ ЗИКРИ ҚУТБИ ЧАҲОРДАҲЎМ – ШАЙХ НУРИДДИН БАСИР

Шайх Абул Ҳасан ибн Умийя бинти Шайх Низомиддин Басридан бир нақл қолибдурким, Новадон чашмаси яқинида бир бузургворнинг қабри борким, ул кишининг номларини Шайх Нуриддин Басир¹⁷⁹ дерлар ва жуда бузургвор, соҳиби кароматликка беназир эдилар. Жамии илми зохиру-ботини аҳли ва олиму-донишмандлар ул кишидан илҳом олиб олимлик ҳосил қилар эдилар. Жамии атрофу акнофдан донишмандлар келиб ул зот билан баҳсу-имтиҳонлар қилишиб, саволлар беришар ва босавоб жавоблар олишар, ул кишига муриду мухлис бўлишар эдилар.

Нақл борким, бир киши Шайх Шарафиддиндан сўрабди: “Ҳазрати Нуриддин Басирни не сабабдин “Қутби Чаҳордахўм” (Ўн тўртинчи қутб) деб атайдилар?” Шайх Шарафиддин айтдилар: “Юлдузлар ойнинг ўн тўртинчи кечаси моҳнинг атрофида унинг гуломларидек ўтиришгани каби, жамии бузургворлар Ҳазрати Нуриддин Басирнинг атрофларига ўтиришиб, ул кишининг хизмат ва мулозаматларига тайёр туришади. Шул жихатдан ҳам ул кишини ўн тўртинчи қутб деб атайдилар”, - дедилар.

Билингизким, Шайх Нуриддин Басир алайхир-рахманинг иродатларини баёни шул тариқадур: Шайх Нуриддин Басир иродатни Шайх Зайниддинга тутганлар; ул киши Ҳазрати Имоми раббоний - Шайх Абу Юсуфи Ҳамадонийга; ул киши Ҳазрати Шайх Абу Али Формадий - Тусийга; ул киши Шайх Абул Ҳасани Харақонийга; ул киши Ҳазрати султонул-орифин Султон Боязиди Бистомийдан иродат ва тарбиятлар олганлар; ул киши эса Ҳазрати Имом Жаъфари Содик(р)га иродат тутганлар.

Нақл қилибдурларким, Ҳазрати Шайх Нуриддин Басирнинг навароллоху марқадаху¹⁸⁰ ота-оналари бағоят парҳезгор, шариф эдилар ва лекин фарзандлари йўқ эди. Улар Ҳазрати Халлоқи Оламдан (Худои таолодан) фарзанд талаб қилиб илтижо қилдилар ва Худои таоло уларга Ҳазрати Нуриддин Басирни ато қилди.

Келтирдиларким, ул кишининг уйларига жуда кўп бузурғлар келиб, катта суҳбатлар қураб эдилар. Ул зот кечаю-кундуз Оллоҳнинг зикри билан юрганликлари учун ҳам мунавварлиги (юзларига) чиқиб, нуру-сафога тўлиши зоҳир бўлиб турарди.

Нақл қилдиларким, Ҳазрати Нуриддин Басир вояга етганларида, Шайх Зайниддин Кўи Орифоний ҳузурларига олиб боришади. Худо назар қилган бу ёш ва пок бандани кўриб, Шайх Зайниддин ул кишини фарзандликка қабул қилиб, тарбиялари билан машғул бўладилар. Айтишларича, Ҳазрати Зайниддин Тошкентнинг Орифон деган мавзеида тугилган бўлиб, Орифон тоғи Тошкентдан бир фарсах узокликда жойлашган. Номларига қўйилган лақаб ҳам шул жихатдан берилгандир.

Келтирдиларким, бир куни Шайхи замон - Зайниддин Кўи Орифоний ўз муридларига айтдилар: “Ораларингиздан ким менинг маърифат ва ҳақиқат сирни борасидаги саволимга жавоб берур”.

Муридлар бу сўзга хомуш ўтириб, жавоб бера олмадилар. Ҳазрати Шайх ушбу саволни уч маротиба қайтариб сўрадилар. Ҳамма ўтирганлар бошларини ҳам қилиб, садо чиқармадилар. Ногаҳон, Нуриддин Басир ўринларидан туриб, -“агар ижозат бўлса, фақир жавоб берурман,- дедилар ва устозларининг саволларига чунон жавоб бердиларким, бу босавоб жавоб эди. Шайх Нуриддиннинг бу жавобларидан мажлис аҳли хайратда қолади ва ҳаммалари хушнуд бўладилар.

Яна нақл қилибдурларким, Ҳазрати Нуриддин Басир ўз пирларининг таҳорат қилишлари учун ишлатиладиган офтобани доим ўзлари билан тайёр ҳолда олиб юрар эдилар. Ўша вақтда киш фасли бўлиб, кунлардан бир кун Шайх Нуриддин Басир бошларини пирларининг остоналарига қўйиб уйкуга кетадилар. Ўша кечаси ҳаво жуда совиб, қалин қор ёғади ва Шайх Нуриддин қор остида қолади. Эртасига саҳарда Шайх Зайниддин хужрадан ташқарига чиқдилар; остонада ухлаб ётган Шайх Нуриддин ҳам қор остидан чиқиб, ўз бағирлари кўнжидан пирларининг офтобаларини чиқариб берадиларким, офтобадаги сув Шайх Нуриддин баданларининг ҳароратидан жуда исиб кетган экан. Бу ҳолни кўрган Шайх Зайниддин Кўн Орифоний жуда хушнуд бўлиб айтадилар: “Сиз биздан зиёда бўлиб, камолга етибсиз, энди халқни Худон таоло йўлига даъват этиш учун онангиз билан Самарқанд сари бориш. Қачонким, Самарқандга яқинлашсангиз қоп ортилган туяни етаклаган бир туркни учратасиз; туя ва қоп менга аталган ва у сизнинг ризқингиздур. Қачонким, Самарқандга етсангиз, фалон мавзеда бир чашма бор -“Чашмаи Новадон” дерлар, туянгиз ўша чашма ёнида чўқади; сизнинг манзилингиз ҳам ўша ердадир”- деб шогирдларига ижозат берадилар.

Алқисса, Ҳазрати Нуриддин Басир оналари билан Самарқанд томон йўл оладилар ва йўлда туркни кўрадилар. Салом аликдан сўнг туркка воқеани баён қиладилар. Турк хурсанд бўлиб туяни Шайх Нуриддинга топширади. Шайх Нуриддин оналарини туя устига ўтқазиб, ўзлари арқонни ушлаб Самарқандга етадилар.

Ўша кеча Самарқанд аҳлининг ёшу-қариси Ҳазрати Ҳақ таолонинг иродаси ила тушларида бир нидони эшитадилар. Нидо айтадики: “Эй аҳли Самарқанд! Шаҳрингизга Худонинг дўсти бўлмиш бир Вали¹⁸¹ ва авлиёуллоҳ келаётир; сизлар ул зотнинг истикболларига чиқишингиз лозимдур”. Самарқанд аҳли уйқудан уйгонгач, бир-бирларига тушларини айтиб, шаҳар дарвозалари орқали Ҳазрати Нуриддин Басирнинг истикболларига чиқадилар ва тушларида аён бўлган белгиларнинг барчасини Ҳазрати Шайхда топадилар. Шайх туяни етаклаб Сарирсг масжидига етадилар ва бу масжидни Масжиди Кабуд (Кўк Масжид) деб ҳам атардилар.

Баъзилар ул кишини зиёрат қилса, бошқалари кадам босган тупроқларини кўзларига сурма қилар эдилар. Шайх Нуриддин Басир айтдилар: “Эй ёронлар, мен сизларни деб бу ерларга келдим. Мехмонни сўзини қабул этинг ва менга бироз вақт муҳлат беринг, токи пиримнинг васиятларини ижро қилай; Ва уч кунгача ушбу масжидда ўтириб, подшоҳларингиз билан суҳбат қилай”.

Алқисса, Шайх Нуриддин Басир пирлари Шайх Зайниддиннинг

фармойиш ва амалларига мувофиқ туяни ўз холига қўйиб юборадилар; туя пирлари айтганидек, бир тепаликка бориб чўкади. Шайх Нуриддин сўрайдилар: “Бу не тепаликдур?” Шаҳарликлар дейишди: “Бу чўпонлар тепалигидур”. Шунда Шайх Нуриддин дедилар: “Энди у ер бизнинг маконимиз бўлмай, зероки, чўпонлар қўйларини бўрилар офатидан омон сақлаганлари: каби, биз ҳам сизларни Худон таолонинг иродаси билан дўзах офатидан омон сақлағаймиз”.

Нақл қилдиларким, Самарқанд шаҳри аёнлари орасида бир машхур, саҳиҳ насабли сайидзода¹⁸² бўлиб, номи Сайид Жалолиддин Ашраф эди. Шайх Нуриддин Самарқанддаги Сарирег масжидида келиб тушган кеча Сайид Жалолиддин туш кўрадилар. Тушларида Муҳаммад пайғамбар(с) намоён бўлиб дедилар: “Эй фарзанд! Шайх Нуриддин сенинг ҳақнингга фотиҳа ўқишлари учун ҳамма ашёнларингни ул киши йўлига сарафроз қил; Зеро, ул зотнинг нафаслари кучли бўлиб, сенинг дунё ва диннинг маъмур бўлиши учун ёрдам қилгайлар”.

Бу тушни кўргач, Жалолиддин Ашраф бомдол намозини ўтказиб, ҳамма молу-ашёнларини келтиришни буюрадилар. Ҳисоблаб чиқсалар 80 минг динорга тенг экан. Сўнг ҳамма молларини Ҳазрати Нуриддин Басир хузурларига олиб бориб ҳадя қиладилар. Шайх Нуриддин Басир Шайх Жалолиддин Ашраф ҳақларига фотиҳа ўқийдилар ва сўнгра ходимга - шу маблағнинг ярмини Самарқанд аҳлини динга даъват этишга сарфлашларини буюрадилар. Сўнг, масжиддан чиқиб мажлиси азим барпо қиладилар. Мажлисида Самарқанднинг кўп аҳли тўпланишган эди.

Нақл қилибдиларким, мажлис тугагандан сўнг Ҳазрати Нуриддин Басир айтадилар: “Бу не синоат эрурки, олдинлари Оллоҳнинг тоатидан сўнг лаззат топар эдим; Ҳозир эса нима учундир лаззат топмасман?” Ходим деди: “Эй бузургвор. Худон таоло наздида ҳеч нарса ни яшириб бўлмас, саксон минг динор назр қилган кишининг динорларидан киссамга бир дирхам қолибдур”- деб ул дирхамни бузургворнинг олдиларига қўяди. Шайх Нуриддин хузурларига Шайх Жалолиддиннинг таклиф этиб айтадилар: “Эй фарзанд Жалолиддин! Бу дирхамни олинг ва дўконингизга боринг, ушбу дирхам сизнинг дастмоянгиздур”. Сайид Жалолиддин Ашраф пирнинг бу сўзларини маъқул топиб, бир дирхамни олиб дўконига бориб ўтиради.

Нақл қилдиларким, ўша соатда давр подшоҳи Шайх Нуриддин Басир учун бир дурни-гавхарни тўхфа қилиб юборди. Шайх Нуриддин дурни олиб келган гуломга дедилар: “Бу дурни олиб бозорга боринг ва қайси нарҳда олсалар, шу нарҳда сотинг”. Подшоҳнинг гуломи дурни олиб, бозор сари борди. Иттифоқан, унинг йўли Сайид Жалолиддин (Ашраф)нинг дўкони олдида ўтади ва ул гулом дурни Сайид Жалолиддинга кўрсатади.

Алқисса, Сайид дурни чўнтагидаги бир дирхамга сотиб олади. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган савдогарлар: “Эй Сайид, бу иш Ҳазрати Шайх Нуриддиннинг қароматларидур; ўша куни сиз ҳамма молу амволингизни Ҳазратга ниёзмандлик қилганингизда, бизлар билмасдан сизни ғийбатингизни қилиб, - ейишга бир бурда ҳам нони қолмади,- деб устингиздан қулиб

юрибмиз. Энди маълум бўлдики, сизнинг ихлосмандлигингиз натижасида охираат савдоси учун дуои фойхани ҳам олдингиз ва яна молу дунёнгизни ҳам кайтардингиз”.

Шундан сўнг, савдогарлар дурга 80 минг динор нарх қўйдилар. Подшоҳнинг ғуломи эса Сайид Жалолиддин берган бир дирҳамни олиб, Шайх Нуриддиннинг хузурларига боради. Ҳазрати бузургвор ушбу бир дирҳамга бозордан мавиз келтиришни буюрадилар. Бозордан мавиз келтирдилар. Ҳазрати бузургворнинг амрлари билан мавизни эзиб, шарбат тайёрладилар. Косадаги шарбатдан Ҳазрати Шайх бироз ичиб, табаррук килдилар ва саҳобаларига ҳам ичирдилар. Сўнгра подшоҳнинг ғуломига бериб, ҳукмдорига элтишни буюрдилар. Подшоҳ ул табаррук шарбатни “бо нияти шифо” деб ўзи, сарой аъёнлари ва жамин лашкарларига ичирса ҳам, косадаги шарбат ҳеч тугамас ва яна косада тўлиб турар эди. Бу ҳолдан таажубланган подшоҳ шарбатли косани яна Шайх Нуриддиннинг ўзларига юборади. Ҳазрати Шайх косани келтирган ғуломга дедилар: “шарбат сенинг насибангдур, уни ичиб адо кил”. Шул кароматдан сўнг ғулом шарбатни ичиб тутатади.

Накл қилибдурларим, Ҳазрати Шайх Нуриддин Басир (рахматуллоҳи алайҳи) Самарқандга келганларида шаҳар халқининг кўпчилиги фиску-фасод билан машғул эди, катгасидан тортиб ёш болаларигача ҳаммаси шароб тайёрлаб ичар ва маст-аласт юрар, ҳеч бири намоз, рўза ва шариятни бажармас эдилар. Шунда Шайх Нуриддин шаҳар аҳлини кечқурунлари жам қилиш зикрини бунёд этдилар ва ул зотнинг нафаси шарифлари туфайли халқ тоат-ибодатга юз тутатади. Ҳатто ёш болаларни ҳам мажлис тузишга таклиф қилар эдилар.

Накл қилибдурларким, Ҳазрати бузургворнинг зикр вақтида чунонам ҳароратлари баланд бўлар эдики, ул кишининг этакларидан олов тоби келар ва шу жиҳатдан одамлар қизиб кетиб, қуйиб қолмаслик учун узокроқда турар эдилар.

Накл қилибдурларким, Ҳазрати Шайх Нуриддин мажлис қуриб, амри-маъруфдан ваъзхонлик қилаётганларида баъзи беодоб одамлар ул кишининг зикрларига ҳамда ваъзхонликни тинглаётган зокирларга халақит берар эдилар. Шунда мажлис аҳлидан бир киши айтди: “Ё Шайхи бузургвор, ул беодоблар бизларни афсусу надоматда қолдирдилар, агар ижозат берсангиз уларни хонақоҳга йўлатмасак”. Ҳазрати Шайх Нуриддин дедилар: “Сиз аввал улардан сўрангиз, - агар Оллоҳ таолони дўст тутишса хонақоҳга қўйингиз, агар дўст тутишмаса - қўймангиз”. Алқисса, жума куни икки киши хонақоҳда ҳозир бўлганлардан сўради: “Сиз Худои таолони дўст билурмисиз?” Уларнинг ҳаммаси дейишди: “Ҳа, дўст билурмиз!” Бу воқеа Шайх Нуриддинга маълум бўлгач, жуда хушхол бўлганларидан ушбу рубоий тилларида жорий бўлади:

РУБОЙ:

Эй лутф, ту амсол ҳамон бори ҳамон,
Дар боги ту гул ҳамон буд, хори ҳамон.
Гайваста аз он кушода бошад дари ту,
Г масти ҳамон ояду, хушёри ҳамон.

Накъл килибдурларким, бир кишининг дўкони олдида бир аждаҳосифат илон пайдо бўлибдурким, ҳеч ким ўша мавзедан ўта олмас эди. Бир кунни Шайх Нуриддин Басир ўз муридлари билан ўша жойдан ўтиб қоладилар ва бу ишдан вокиф бўладилар. Шунда ул зот ўз муридларидан бирини чақириб, унга Ҳақ таолонинг каломидан (Куръондан) икки оятни ўргатиб, илоннинг кулогига бориб айтишни буюрдилар. Мурид ул икки оятни илонга бориб айтган захоти, у осмонга парвоз килиб ғойиб бўлади. Бу ҳолни кўриб, хайрон бўлган муридлардан баъзилари - бу не сир эди?- деб сўрашади. Шунда Ҳазрати Шайх дейдилар: -"ул илон сувратидаги фаришта эди. Унинг тасбеҳи¹⁸³ бу икки оят эдиким, биз уни унга бердик ва у ўз манзилига кетди", дедилар.

Накъл килдиларким, бир мункир шахс Ҳазрати Нуриддин Басирни авлиёлларини синаш ва имтиҳон килиш мақсадида бир сандукчани ичига оқ илонни солиб олибди. Сўнгра, Ҳазрати Шайх олдиларига келиб, сандукчанинг ичиди нима бор?- деб сўрабди. Шайх Нуриддин бошларини бир оз хам қилиб, сўнг дедилар: «Жамин мулкларнинг Подшохи мутлаки - Ҳазрати Ҳақ таолонинг инояти билан бизга маълум бўлдиким, бу сандукчангдаги нарса - оқ илондур ва унинг жуфти ва мавзеи фалон жойдалур»,- дедилар. Ҳазрати Шайхнинг ушбу сўзларидан кейин мункир одам ул зотнинг мухлис ва муридларига айлангани ва ушбу рубойини ўқиди:

Маро чи гунаҳ агар касе бад бошад,
Айбе, ки на дар мост, яке сад бошад.
Мо оинасм, хар ки дар мо нигарад,
Ҳар иску бади ки бинад, аз мо бинад.

Накъл борким, Ҳазрати Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний ўз муридлари ҳамроҳлигида Ҳазрати Нуриддин Басир билан суҳбат куриш учун Бухородан Самарқандга келадилар. Ҳазрати Нуриддин Басир ул зотни кутиб олиш учун истикболларига чиқадилар ва шаҳарга таклиф этадилар. Ҳазрати Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний дедилар: «Максудимиз ҳосил бўлмай». Ҳазрати Нуриддин Басир айтдилар: «Сизнинг ёронларингизнинг барчаларин Самарқанд тутини ейишга мушарраф бўлмайлар».

Икки бузургворнинг бу суҳбатларидан меҳмонлар таажубга тушишади. Воқеа шул эдики, ўша вақт киш фасли эди. Бухоролик меҳмонлар Самарқандга келаятиб, «ёз фасли бўлса эди, Самарқанд тутидан тўйиб ея эдик»,- деган хайлга борган эдилар. Буни каромат юзасидан англаган Шайх Нуриддин Басир ўз ёронларидан бирини айтдилар: «ушбу дарахтни тутини

кокингиз». Худонинг фармони ва Ҳазрати Шайх кароматлари туфайли ўша дарахтда чунонам кўп тут пишиб етилган эдики, меҳмонлар ва Самарқанд ахли киш фаслида тутдан тўядилар. Шундан сўнг, Шайх Нуриддин Хожа Абдулхалиқ Гиждувоний ва ёронларини дуолар қилиб кузатганларидан сўнг, Самарқандга қайтадилар.

Накъл борким, Шайх Нуриддин Басирнинг Шайхзода Шамсиддин (Мухаммад) Махдум деган ўғиллари бўлиб, бир куни ул фарзанд падари бузургворидан ижозат сўраб, дейди: «Ё падари бузургвор! Бизга ижозат берингиз, Ҳазрати Шайх Бурхониддин Қиличчи¹⁸⁴ зиёрат қилиб келиш иштиёкидамиз. Ва ул зот жуда нозик табиат кишидир, мабодо мени меҳмонликка кўпроқ ушлаб қолишлари мумкин». Ҳазрати Шайх Нуриддин Шайхзоданинг бу сўзларини тинглаб, - «ўзингиз биласиз», деб ижозат берадилар. Сўнг Шайхзода Ҳазрати Бурхониддин Қилич сари йўл олади.

Шайхзодани хурсандлик билан қарши олган Ҳазрати Шайх Бурхониддин Қилич одатларига кўра, дархол дастурхон ва таом тайёрлатадилар. Шул ўринда, Сайид Бурхониддин Қиличнинг бир одатлари бор эдиким, меҳмонга келган зукко-донийшманд одамларга тўхфалар қилар, агар меҳмоннинг қазо вақти яқинлигини каромат қилсалар унга тўрт газ мато ҳадя этардилар. Кишилар жонини Ҳаққа таслим этишини олдидан билиш хислати Бурхониддин Қиличга Худо томонидан берилганди.

Айтганимиздек, Ҳазрати Бурхониддин таом буюрмақ ва меҳмон учун совға келтириш зарурати туфайли ташқарига чикқанларида, Шайхзода Шамсиддин Мухаммад саройдаги китобларни кўздан кечира бошлайдилар ва бир китобни мутолаа қилаётиб, янглиш (ғалаг) ёзувини топадилар. Сўнг, тирноқлари билан бу хато тагига хошия чизадилар. Ташқаридан қайтиб келган Ҳазрати Бурхониддин Қилич бу воқеадан дархол огоҳ бўлиб, Шайхзода Шамсиддиннинг зукколигидан хурсанд бўладилар ва ул кишига совғалар билан тўрт газ мато (кафан) ҳадя қиладилар.

Алқисса, Шайхзода Шамсиддин фоний оламдан кетган вақтларида бу воқеалар Ҳазрати султонул-авлиё, қутбул-ақтоб, Қутби Чаҳордахўм (Ўн тўртинчи қутб) Шайх Нуриддин Басир алайҳи раҳмага маълум ва равшан бўлади. Ул зот ёронларига қараб: «биз ҳам бир куни шу холга тушишимизни кўрурмиз», - дедилар ва муборак бошларини ҳам қилиб, бир неча дақиқадан сўнг яна кўтариб айтдилар: «Шайх Бурхониддин Қиличнинг ҳам ҳаётлари охирига етибдур».

Накъл қилибдурларким, Ҳазрати Бурхониддин Қилич ва Шайхзода Шамсиддиннинг жанозалари бир вақтда ўқилиб, ёнма-ён дафн этилган эканлар ҳамда бу таъсирлик қисса ўша мавзенинг ахлига маълум ва равшандир.

РУБОИЙ:

Як қач назар аз ғайрати мо чон набарад,
Хабари рост рўй ба роҳи мо дар нахўрад.
Дар ҳаҷдаҳ ҳазори олам оташ борад,
Ғар ошиқи мо ба ғайри мо дар нагирад.

Накл қилибдурларким, Бухорои шарифнинг Фатҳобод мавзеида Шайх Сайфиддин номли пирнинг қабрлари бор ва ул киши кўпчиликка Хожа Фатҳободий номи билан машҳурдир. У зот Шайх Нуриддин Басир билан биродарлик аҳдида эдилар. Хожа Фатҳободий ҳар сафар Самарқандга, Шайх Нуриддин Басирни кўргани келганларида, Шайх Нуриддин ул зотнинг истикболларига шаҳар ташқарисига чиқиб, Иқлима деган мавзеда кутиб олардилар ва ўша мавзеда улар суҳбат қураб эдилар. Бир куни Хожа Фатҳободий ҳар галгидек Шайх Нуриддинни кўришга жазм қилиб, йўлга тушишдан олдин хотирларига ушбу келади: «Шу мавсумда Ҳазрати Нуриддин Басирни зиёрат қилиб келайлик; ҳозир Самарқандда халили узумлар пишган, бир йўла узумлардан еб, тўйиб келамиз»,- деб ўйлаб йўлга тушадилар.

Алқисса, Хожа Фатҳободий Самарқанд яқинидаги Иқлима мавзенига етиб келадилар. Лекин, бу сафар негадир, Шайх Нуриддин Басир ул кишининг истикболларига чикмайдилар. Бундан таажубланган Хожа Фатҳободий шаҳарга кириб, Шайх Нуриддиннинг ҳовлиларига келадилар. Ходимлардан бири кириб: «Хожа Фатҳободий сизни кўргани келиб, дахлизда кутиб турибдилар»,- дейди. Шайх Нуриддин ўтирган жойларидан дейдилар: «Ул киши бизни кўргани келганлари йўқдир; ул зот Самарқанддаги халили узумларни ейиш учун келгандурлар».

Дахлиздан туриб, бу сўзларни эшитган Хожа Фатҳободий ўша замон орқага қайтиб, Бухорога етиб борган ҳамоно, бир оёқларини отни узангисидан бўшатиб ерга қўйдилар ва иккинчи оёқларини эса узангига қўйган ҳолда кўнгилларини поклаб, яна қайтадан Шайх Нуриддин Басирни кўриш иштиёқида Самарқандга отландилар. Самарқандга етган ҳамоно ушбу байтни ўқидилар:

Рўзе, ки маро висоли ту дида шавад,
Аз фарқи сарам то ба қадам дида шавад.

Накл қилдиларким, бир куни Шайх Нуриддин Басир этикдўзлар бозоридан ўтиб бораётган эдилар. Бозорда бир этикдўз бўлиб, кўпдан бери Шайх Нуриддин ҳақида мактовларни эшитиб, ул зотни кўриш иштиёқи билан ёнар эди. Ўша куни унинг кўзи Ҳазратнинг нузли чехраларига тушади ва ўрнидан тез туриб, Ҳазратнинг пойи қадамларига юзларини суртиб, зиёрат қилади. Иттифоқо, тураётиб игнасини қаерга қўйгани эсидан чикканини хотирига келтиради. Бу ҳол Шайх Нуриддинга аён бўлиб, ҳассаларини кўзга кўринмас игна устига қўядилар ва этикдўзга: «игнагни ол!»,- деб йўлларига равона бўладилар. Ҳазратнинг бу кароматларидан ҳамма ихлосмандлар шод бўладилар.

Б А Й Т

Бо ёр буд агар буд бозорам,
Гар ёри буд ҳамман низом корам

Накъл килибдурларким, бир куни Ҳазрати Шайх Нуриддин ўзларининг жамии муридлари билан масжидда ўтирар эканлар. Ногаҳон, муборак бошларини ҳам қилиб, этаклари билан яширдилар ва анча вақтдан кейин бошларини кўтардилар. Сўнгра қўлларини олдинга чўзгандилар, енгларидан катра-катра сувлар шариллаб тўкилди. Қизиккон муридлар чидай олмай: «бу не хол?» - деб сўрайдилар. Ҳазрати Шайх дедилар: «Нил дарёсидан»¹⁸⁵ кемаларда бир карвон ўтар эди. Иттифоко, қарши шамол туриб, кемалар ғарк бўлиш арафасида эди. Шунда савдогарлар бизни ёдга олиб, мадад сўрадилар. Биз Худонинг марҳамати ила уларга мадад бериб, ғарк бўлишдан холос этдик. Енгимиз ўша вақтда хўл бўлди. Савдогарлар фалон куни келурлар ва бизга бир сандиқча зару жавохирлар атаганлар». Мажлисда қатнашаётган ёронлар Ҳазрати Шайхнинг бу сўзларини эшитиб, ўша кун ва соатни китобат қилиб ёдда сақладилар.

Бир неча муддатдан сўнг Шайх Нуриддин Басир ўз асхобу ёронлари билан ўтирган вақтларида ўша савдогарлар келишиб, бир сандиқчани ул Ҳазратга нарзу ниёзмандлик тариқида тортик қилдилар. Ҳазрати бузургвор ул ҳадяни қабул қилиб, савдогарлар ҳақиға дуои фотихалар ўқидилар. Шундан сўнг, баъзи муридлар савдогарларга савол беришиб, қаёқдан келаётганликларини сўрашади. Савдогарлар дедилар: «Бизнинг карвон кемаларга ўтириб Нил дарёсидан сузиб ўтаётган эдик. Ногаҳон, қарши шамол туриб, кемамиз чўкар ҳолатда эди. Ҳар киши ўз бузургларини ёдга олиб мадад сўрадилар. Биз ҳам Ҳазрати Нуриддин Басирдан мадад сўрадик. Ногаҳон, дарёнинг ўртасидан бир қўл чиқиб, кемамизнинг тумшугидан тортиб, киргоқгача элиб қўйди. Ва биз нажот топиб, Ҳазрати Шайхга ушбу сандиқчадаги зару жавохирларни нарзу ниёз қилдик»,- дедилар. Савдогарлардан бу сўзларни эшитган муридлар китобатни олиб, ўқиб кўрсаларки, савдогарлар айтган воқеалар санаси Ҳазрати Шайхнинг айтган кунларга тўғри келар экан.

Накъл қилдиларким, Ҳазрати султонул-орифин, қутбул-ақтоб Шайх Нуриддин Басир раҳматуллоҳи таоло 646-ҳижрий(?) йил зулқайда ойида дорулфаноудан дорулбакога рихлат (вафот) этдилар.

Накъл келтирдиларким, Ҳазрати Шайх Нуриддин Басирнинг вафотларидан кейин ҳеч ким ул кишининг пок ва мунаввар қабрлари яқинида беодоблик ва ҳурматсизлик қилиб ўтмас эди. Агарда кимки, мастлик ёки беодоблик туфайли гўстохлик¹⁸⁶ қилиб қўйса, ул кимса албатта бирор иллат ва ранж тортишга мубтало бўлар эди. Ва агар шул вақт ичида баъзи беодоблар ўзларининг гўстохлик қилиқларини ташласалар, авф этилар эдилар.

Аммо, келтирибдурларким, ўша замонларда одамлар Ҳазрати бузургворнинг (Самарқанд Аркидаги) Бўстони хон мавзеида жойлашган мақбаралари олдида ҳам, қўшни маҳаллаю навохийларда¹⁸⁷ ҳам беодобона юришга ҳадлари сигмас эди. Агар ногаҳон, кадхудолик воқеъ бўлса, дарҳол гусл қилишар ва агарда бепарво бўлсалар, касалликларга гирифтор бўлар эдилар.

РУҲОБОД МАҚБАРАСИ ЗИКРИ ШАЙХ БУРҲОНИДДИН СОҒАРЧИЙ

Ул орифи субхоний ва ул шер пешаи раббоний – Шайх Бурхониддин Соғарчий чунон замон майдонига чикдиларким, бу холдан куёш чиққандек кайфият ҳосил бўлди.

Нақл қилибдурларким, ул орифлар султони, ҳақиқат бурхони, кутби дунё Шайх Бурхониддин Соғарчий халифа Умар ибн ал-Хаттоб(р)¹⁸⁸ наслидан бўлиб, чунончи ул кишининг насабномаларида бу сўзлар шарҳлаб ёзилгандир. Аммо, ул кишининг не жиҳатдан Соғарчий деб номланишларининг сабаби шулки, (VIII асрда) ислом лашкарлари Самарқанд вилоятига етиб келганларида, Соғарч қальаси Самарқанд ва Бухородан кейинги энг катта қальа бўлгани учун ҳам у томонга қараб юриш бошлашади ҳамда қальани камал этишади. Бироз вақтдан сўнг уни эгаллайдилар ва қальа ҳукуматини бошқаришни Ҳазрати Шайх Соғарчийнинг ўша замонлардаги аждодларига топширишади.

Ул зотнинг булардан бошқа сифатлари ҳам кўпдир ва биз бу ерда Ҳазратнинг сифатларидан мухтасар тариқасида келтирамиз.

Шайх Бурхониддин ондан тугилганларидан сўнг уч кечаю кундуз йўқолиб қолганлар. Оналари жуда бетокат бўлсалар-да, падари бузургворлари – Ҳазрати Хожа алайхи раҳма эса сабр қилиб, хотинларига таскин берар ва фарзандларини ахтарардилар. Худонинг марҳамати билан ул кишига йўл кўрсатилади ва бир мавзедаги оқ тош устида ўтирган фарзандларини топиб, уни уйларига олиб келадилар ҳамда хотинларига дейдилар: «Менинг сабр-тоқатимга сабаб шулким, фарзандимиз туғилмасдан олдин менга бир овоз башорат бериб: «сен бир фарзанд кўрасан, унинг номи қиёматга қадар машхур бўлади»,- деб айтган эди. Шундан сўнг фарзандимизнинг ғойиб бўлганига ваҳима қилмай сабр қилдим»,- деганлар. Шундан сўнг, бу фарзанд одатдан ташқари тез улғайиб, балоғат ёшига етади.

Нақл қилибдурларким, Шайх Бурхониддин балоғатга етгач, падари бузургворидан ижозат олиб, Маккаи мукаррамани зиёрат қилиш учун ҳажга жўнайдилар ва уни адо этгач, яна ватанларига қайтиб келганларида азиз ота-оналари дорулфанодан дорулбақога сафар қилишиб вафот этишган эканлар. Таъзия маросимларини ўтказгач, хотирлари ва кўнгилларига таскин беришга ҳаракат қилиб, Боғдод вилоятига борадилар. Ўша пайтларда замон кутбларидан Шайх Нуриддин Басир ва Шайх Абдурахмон Исфароний ўша шаҳарда эдилар. Шайх Бурхониддин Соғарчий Боғдодга келгач, жуда азим ва шавкатли мартабага етадилар.

Нақл қилибдурларким, қачонким Шайх Бурхониддин бу ерга сафар қилиб келгач, йўл четидаги Шайх Нуриддин Басирга тегишли ошхонага кириб бироз ором олмоқчи эдилар. Дам олгач, бир хизматкорни чақириб,- Ҳазрати Шайх Нуриддинни кўриб, зиёрат қилмоқчиман,- дейдилар. Хизматкор мусофирнинг бу сўзларидан таажжубланиб айтади: «Эй мусофир, билингизким, Ҳазрати Шайх Нуриддин зиёратларига чор атрофу акнофдан подшоҳлар келиб, ул

зотнинг жамоли ва зиёратига етолмай қайтиб кетишади. Подшоҳлар кира олмаган жойга сизга йўл бўлсин»,- дейди. Хизматкор шу сўзини тугатмасдан ҳарам¹⁸⁹ ичидан бир киши чиқиб, хизматкорлардан: «ораларингизда қайси бирингиз мусофирсиз ва ул зотни тезда кўрсатингиз»- дейди.

Унинг бу сўзларидан таажжубга тушган хизматкор унга таъзим қилиб, Шайх Бурҳониддинни кўрсатади. Ходим Шайхнинг олдиларига келиб таъзим қилади ва: «Ассалому алайкум ё Шайх Бурҳониддин, сизни Ҳазрати Шайх Нуриддин йўқламоқдалар»,-дейди. Сўнгра ул кишини ичкарига олиб киришади ва икки улуг зот топишиб, ҳол-аҳвол сўрашади. Ўша пайтда Ҳазрати Нуриддиннинг хузурларида 40 киши ҳозир бўлиб, таом ер эдилар ва улар риёзат¹⁹⁰ кишилари эдилар. Ҳазрати Нуриддин дедилар: «Ё Шайх Бурҳониддин! Сиз қосани савобини олишни билурмисиз?»

Ҳазрати Нуриддин бу савол ила Шайх Бурҳониддиндан босавоб жавоб олишни ва ул кишининг қароматларини ўтирган қирк кишига кўрсатмоқчи эдилар. Шунда Шайх Бурҳониддин: «Билурмиз!»-деб жавоб бердилар ва ўринларидан туриб, ул қирк кишидан қолган 40 қосадаги таомни бир қосага жамладилар ҳамда табаррук билиб танаввул қилдилар.

БАЙТ:

Магар дони савоби қоса леси,
Ба чуз қоса дигар чизе налеси.

Шунда Ҳазрати Нуриддин дедилар: «Эй фарзанд Бурҳониддин! Шу ерда йиғилган қирк риёзат кишиларнинг савобу маъносининг ҳаммасини сизга бердик».

Шайх Бурҳониддин ушбу бир мажлисда шул қадар кўп илтифот ва дуолар олдиларким, бошқалар неча йиллар Ҳазрати Нуриддиннинг хизматларини қилиб, бунчалик илтифотга мушарраф бўлишмаган эди. Улар Шайх Бурҳониддинга рашк қила бошладилар. Бу рашкнинг сири шул эдиким, ул мажлисда ўтирганлар риёзатдаги Валилар бўлиб, Шайх Бурҳониддин бир ўтиришда шунча Валининг дуоларига мушарраф бўлган эди.

Ҳазрати Шайх Бурҳониддин Соғарчий тугма Вали бўлиб, кундан-кунга тараққий этиб борар эдилар. Мажлисларда Ҳазрати Шайх Нуриддиннинг ўнг томонларида Шайх Бурҳониддин, чап томонларида эса Шайх Алоуддавла Самноний алайҳи раҳма ўтирар эдилар. Ул киши Ҳазратнинг бош халифалари эди. Қолганлар ҳам ўз мартабаларига қараб мажлисдан ўрин олар эдилар.

Бир куни, зикрдан сўнг Шайх Алоуддавла Самноний неча машаққатлар билан тикиб келган бир хиркани¹⁹¹ пирлари Ҳазрати Нуриддинга тўхфа қилиб кийдирмоқчи бўладилар. Ул хирканинг ҳар бир порасига «Ло илоҳа иллоллох»¹⁹² деб ёзилган эди. Аммо, Ҳазрати Шайх Нуриддин Басир шогирдлари Бурҳониддинга гоят катта меҳр ва хурматлари бўлгани учун хиркани ул киши кийишини хоҳлар эдилар. Ва лекин, Шайх Алоуддавланинг муборак хотири ва хиркани неча машаққатлар билан тикканини ҳисобга олиб, мулоҳазага бордилар. Кейин эса хиркани хонанинг ўртасига ташлаб илми ботиний билан хиркага ишорат қилдилар ва Ҳазратнинг қароматлари билан

хирқа бориб Шайх Бурхониддиннинг елкаларига тушди. Бу ҳолни кўрган Шайх Алоуддавла Самнонийда ажиб бир рашк пайдо бўлди.

Нақл қилибдурларким, бир куни Шайх Нуриддинга олтин тож келтиришди ва ул зот Шайх Бурхониддинни чорладилар. Ўша пайтда Шайх Алоуддавла Самноний ҳам ҳозир эди. Ҳазрати Шайх Нуриддин тожни Шайх Бурхониддинга кийдириб, иршод¹⁹³ тариқида ўз ўринларига жойнишин қолдирмоқчи эдилар. Шайх Бурхониддин эса тожни Шайх Алоуддавла кийишини хоҳлаб, пок кўнгилларидан шу хаёлни ўтказдилар. Ва шу сабаб ила Шайх Алоуддавлянинг кўнгилдаги рашкни тугатмоқчи ҳамда илми ботиний амали билан тожга ишора қилмоқчи бўлдилар. Бу маъни Шайх Алоуддавллага ҳам аён бўлади.

Алқисса, тож Ҳазрати Нуриддин Басирнинг бошларидан учиб келиб, Шайх Бурхониддин Соғарчийнинг бошларига кўнади. Бу ҳолни кўрган Ҳазрати Нуриддин Басир мушоҳада қилиб айтдилар: «Ё Алоуддавла, ўзингиз кўриб турибсизки тож ҳам, хирқа ҳам ўз эгасини топди». Бу бобда кўп ажиб воқеалар келтирилган бўлиб, биз мухтасар¹⁹⁴ қилдик.

Нақл келтирибдурларким, Ҳазрати Бурхониддин Соғарчий анча вақт Маккаи муаззамада бўлиб, бу шаҳар аҳли ул зотни Вали деб тан олгуиларига қадар ўша ерда яшадилар. Чунки, ул кишида улуглик ҳаддан зиёд намоён бўлар эди. Шул жиҳатдан ҳам Макка аҳли эътиборларини ул зот томон қаратар ва муддаоларини ул киши туфайли топар эдилар. Сўнгра, ул зот Маккадан чиқиб, Боғдодга келдилар ва аксарият вақтларини у ерда ўтказдилар. Ҳар йили Макка зиёратига - ҳажга борганларида Макка аҳли «Ажам шайхи» келдилар, деб иштиёқ ва муҳаббатларини изҳор этиб айтар эдилар: «Сизга не бўлдимки, биздан узоққа яшайсиз?».

Ҳазрати Бурхониддин айтар эдилар: «Сизларнинг бу арзларингиз ноўриндир ва агар мен бу ерда турсам эди, сизларнинг ҳолларингизни сўраш билан Худои таолонинг ёдидан ғофил бўлар эдим. Яна узоқда яшашимга сабаб шулким, узоқдан Макка зиёратига ҳар йили машаққат чекиб бўлса ҳам келишдир».

Бир кеча воқеада ул зотнинг руҳи осмоннинг биринчи қавагига чиққанида ҳотифдан ушбу нидони эшитадилар: «Ё Бурхониддин! Биздан не талабинг бор?» Шайх Бурхониддин айтдилар: «Талабим Сенинг муҳаббатингга етишишдир». Уша кеча ул зотга кутблик ҳолати иноят этилади.¹⁹⁵ Кутблик даражасига етган Шайх Бурхониддин Соғарчий Хитой мамлакатига равона бўладилар. Агар бирор киши ул зотнинг кутблигига шубҳа қилса, Амир Сайид Али Ҳамадонийнинг¹⁹⁶ рисолаларига мурожаат қилсин ва бу рисолаларини ўқиб, мулоҳаза қилсин.

Нақл қилдиларким, Амир Сайид Али Ҳамадоний неча вақт Маккаи мукаррамада мулозимлик қилган вақтларида гаройиб воқеалардан ҳикоя қилиб ёзадилар: «Ўша вақтларда кутбни толиб, ул кишининг хизматларига мушарраф бўлиш хаёли билан юрар эдим. Ҳар сафар бир кишини кўрар эдимки, ул зот Макка намозига имомлик қилар эдилар. Намоздан фориг бўлгач, ул зотни топа олмаст эдик. Бир куни мен қаттиқ аҳд қилдим ва у

кишига савол бериб сўрадим: «Ё бузургвор, ҳар сафар намозга келиб имомлик қиласиз, шундан кейин янаги куннинг сахаригача ҳеч ким сизни кўрмайди. Бунинг боиси недур?» Ул зот менга дедилар: «Энди мени Хитой вилоятдан бошқа жойда учрата олмайсиз».

Шу сўзларни менга айтганларидан сўнг мен ул зотни бошқа учратмадим. Лекин, у кишини кўриш иштиёқи билан ёнар эдим. Шунда, бир воксада башорат эшитдим: «Ё Сайид Али Ҳамадоний! Билгил ва огоҳ бўлгинким, Макка шаҳрига имоматлик қилаётган бузургвор кутблардан бўлиб, номлари Бурхониддин Соғарчийдур. Ул кишини учратишни истасанг, Хитойдан топурсан».

Бу башоратни эшитиб, кутбнинг мулозаматларига равона бўлишга қарор қилиб йўлга чиқдим. Талқон вилоятга етгач, у ерда Амир Сайид Муҳаммад Талқонийни кўрдим. Ул кишига Ҳазрати кутб – Шайх Бурхониддин Соғарчийни кўришга жазм қилиб чиққанимни ва ул зотни Хитой вилоятида эканликларига нишона топганимни айтдим. Бу сўзимни эшитган Амир Сайид Муҳаммадга ҳам Ҳазрати кутбни кўриш рағбати пайдо бўлди ва ҳар иккаламиниз Хитой томон йўлга чиқдик.

Хитой пойтахтнинг пойига етиб, Ҳазрати бузургвордан хабар сўрадик. Бизга саройни кўрсатишди. Ичкарига кириб етти эшикдан ўтиш кераклигини англадик. У ерда кўп соқчилар посбонлик қилар эдилар. Биз етти эшикдан ўтиб ичкари кирдик. Шундан сўнг, ичкаридан йўл топа олмай ўша жойдаги бир гўшада ўтирдик ва бир-биримизга қараб: «Оламини аҳволи Ҳазрати кутбда аёндир, мабодо келганимиздан ул зот хабардордир»,- дердик. Шул сўзни айтиб тугатмасимиздан, ногоҳ бир ясавул бир тавоқ ош кўтариб келиб қолди ва деди: «Ораларингизда қайсингиз Сайид Али Ҳамадонийсиз, бу ошини подшоҳимиз ул кишига юбордилар».

Бу ҳодисанинг баёни шундайким, Хитой подшоҳи ҳар йили сафарга чиқиб, ўз фуқароларини ҳолидан хабар олар эди. Бу сафар подшоҳ Ҳазрати Бурхониддин Соғарчийга деди: «Мен сафарга чақаман ва сиз тахтга ўтириб хукм сурингиз».

Подшоҳнинг бу сўзини Ҳазрати Шайх қабул қилиб, тахтга ўтирдилар. Қачонким, ясавул олдимизга келиб, қайси бирингиз Сайид Али Ҳамадонийсиз,- деб сўраганида – менман, деб жавоб бердим. Сўнг у табакни кўйиб ичкари кириб кетди. Биз таомни танаввул қилаётиб,- «бу таом Ҳазрати кутбнинг дастурхонларидан бўлса керак, ул зотнинг муборак қўллари таомга тегиб, уни бизга табаррук қилиб юборганмиккилар», - деб ўйладим. Бу фикрнинг исботи учун табок тагидан бир бўлак нон чиқиб қолди ва Ҳазрати кутб билан учрашишимиз аниқ бўлиб қолди. Неча вақтдан сўнг ясавул чиқиб эшикни очди. Ҳазрати кутб – Бурхониддин Соғарчий подшоҳлик лавозимларидан фориг бўлиб, заррин либосларини ечиб, яна дарвешона кийимларда бизнинг олдимизга чиқиб келдилар. Мен ул зотни дарров танидим. Маккаи муаззамада имоматлик қилган шахс шу киши эдилар. Мен таъзим қилиб, ул зотни зиёрат қилдим ва мулозаматларига тайёр турдим...». Бу воксанинг давоми жуда узундир ва лекин биз мухтасар қилдик.

Яна Амир Сайид Али Ҳамадоний айтар эдилар: «Бир куни Ҳазрати кутбнинг мулозаматларига бориб, чодирларига кирдим. Чодирлари нам жойга қурилгани учун жуда зах ва совук эди. Ҳазрати Шайх Бурхониддин ўзларига жуда ҳам захмат ва азоб бериб яшар эканлар, деб хаёлимдан ўтказдим. Фикримни сезган Ҳазрати кутб дедилар: «Богодда киши вақтида 70 марта хаста бўлганимда 70 марта совук сувда гусл¹⁹⁷ қилиб тузалганман».

Шайх Бурхониддин Соғарчий улуғ мартабаларига қарамай дарвешона хаёт кечиришлари ҳақида Сайид Али Ҳамадоний кўпдан-кўп гувоҳликлар келтирган. Яна, Сайид Али Ҳамадоний айтибдурларким: «бир куни Ҳазрати кутбнинг ошхоналарига кирсам, овқат қилишаётган экан. Мен хаёлимдан, - «Ҳазрати Шайхнинг ажиб егуликлари кўп экан», деб ўтказдим. Мени бу фикрим дарҳол ул зотга аён бўлиб, дедилар: «Эй Сайид Али Ҳамадоний! Кўриб турганингиз, ўн бир йил Богодда тортган азобларимнинг натижаси ва интиҳосидур».

Нақл қилибдурларким, Ҳазрати Амир Сайид Али Ҳамадоний Хитой вилоятидан чиқиб, она юртлари Ҳамадонга келадилар. Ўша йили муридлари билан бир мажлисда ўтирган вақтда ногоҳон ул зот йиглашга тушадилар. Неча вақтдан ўтиб, тинганларида муридлари: «бу ҳодисанинг баёни недур»,- деб савол беришади. Ул киши дейдилар: «Мен нечук йигламайким, бугун пирим – кутбул-олам Шайх Бурхониддин Соғарчий Хитой вилоятида фоний оламдан боқий оламга рихлат¹⁹⁸ қилдилар. Энди, Ҳазрати кутбнинг остоналари томон равона бўлурмиз». Шундан сўнг, Амир Сайид Али Ҳамадоний Самарқанд сари равона бўлдилар ва Хўканд¹⁹⁹ вилоятига стиб келиб, ўша ерда туриб қолдилар. Ул зотнинг вафотлари яқинлашгач, муридлари сўрашади: «Сиз ўзингизни пирингиз Шайх Бурхониддиннинг остоналарида дафн эттирмакчи эдингиз. Нега бу ерда туриб, Самарқанд сари бормайдурсиз?»

Сайид Али Ҳамадоний: «Агар мен бу ердан (Самарқанд сари) олдинроқ борсам андишасизлик бўлур эди ва ул бузургворнинг одобларига риоя қилмаган бўлур эдим. Чунки, мен ул зотнинг мартабаларининг шарҳини улуғ билурман»,- дедилар.

Нақл қилибдурларким, Ҳазрати Бурхониддин Соғарчий Каъбани зиёратига борар эдилар ва ногоҳ Миср йўлида бир ғойибат воқеъ бўлиб, бундан ул зот вокиф бўладилар. Шунда ул кишига қарашли туя қарвондан ажралиб, бошқа томонга қараб кетаверди. Ҳарчанд туяни тўхтатишга уринмасинлар, туя йўлида давом этаверди. Туя бир тоққа чиқса, ул зот ҳам мажбуран унга эргашдилар. Ҳазрати Шайх бу ҳодисани мулоҳаза қилиб, бу ерда бир ҳикмат борлигини англадилар. Туянинг орқасидан бир баландликка чиқиб қарасаларки, у ерда бир уй бўлиб, ёнидан чашмани оқаётир. Туя ушбу бино олдида тўхтади. Ҳазрати Шайх ўзлари миниб келган туядан настга тушадилар. Сўнг хона эшигини очиб ичкари кирсалар, уйнинг бурчагида бир нуруний пир ўтирган экан. Шайх Бурхониддин: «Ассалому алайкум ё бузургвор», - деб кўришадилар. Пир дейди: «Ваалайкум ассалом, эй фарзанд Бурхониддин! Хуш келдингизким, мен сизни кўриш учун кўп машаққатлар чекдим ва узоқ йиллар кутдим».

Шайх Бурхониддин пирдан бу сўзларни эшитиб, дарҳол ул зотнинг олдиларига бориб ўтирадилар ва сўрадилар: «Ё бузургвор, сиз кимсиз ва менинг номимни қаёқдан билурсиз?».

Ул пири бузургвор деди: «Эй фарзанд, мен сизни номингизни бундан неча йиллар олдин эшитганман. Ва энди ҳозир ўтирмакни мавриди эмас, ўрнингиздан туринг ва ул тоқчада турган бўхчани (тугунчани) олинг, у менга омонат берилган эди. Бу бўхча Он Ҳазрат (пайгамбар) алайҳиссаломнинг омонатларидур ва мен ушбу омонатни асраш учун бутун умримни сарфладим».

Шунда Ҳазрати Бурхониддин ўрнларидан туриб, тоқчадаги бўхчани оладилар. Пири бузургвор дейди: «Бу бўзчанинг тарихи шулким, Ҳазрати пайгамбар(с) Ҳазрати Умар розноллоху анхуга васият қилиб дедилар: «Ё Умар, ушбу бўхчани Увайси Қаранга²⁰⁰ етказинг ва айтингким, - ё Увайс, сенинг вақти соатинг етгунга қадар ушбу бўхчани асрагил ва кейин Бобо Ратанга топшир; Бобо Ратаннинг ҳам вақту соати етса ўз фарзанди – Муҳаммад Омонатдорга топширсин; у эса омонатни Шайх Бурхониддинга етказсин»- дедилар ва бу ҳикоя бутун оламга машхурдир.

Яна пир дедилар: «Менинг номим Муҳаммад Омонатдор. Шукрлар бўлсинким, омонатингизни ўзингизга тоширдим». Сўнгра бўхчани очиб кўрадилар. Унда Ҳазрати пайгамбар(с)нинг етти дона муборак соч толалари ва хирка (чопон)лари бор экан. Буларни кўриб Шайх Бурхониддин чунонам хурсанд бўлдиларким, умрларида бунчалик шодмон бўлмаган эдилар. Шундан сўнг пири бузургвор, - омонатингизни қабул қилиб олинг, - деб, жонларини Ҳақ таолога таслим қилиб, вафот этдилар. Бу ҳолни кўриб Шайх Бурхониддин ҳайрон қоладилар. Пирни кўмиш учун асбоблари ҳам йўқ эди. Ногаҳон, ғавго кўтарилиб, хонага кирк киши кириб келишади ва пирни гусл қилдириб, ювишга киришишади. Улар Шайх Бурхониддинга бирор сўз айтмас эдилар. Ҳазрати Шайх тушундиларки, улар малонкалар экан. Сўнг, улар Ҳазрати Шайхга ишорат қилиб, пирнинг жанозасига имомликка ўтишни буюрадилар. Ул зот имомликка ўтиб жанозани ўқийдилар. Сўнгра, малонкалар пирни ўша ерга дафн қилишиб, йўллариغا равона бўлишади. Улардан иккиси қолиб Шайх Бурхониддинни карвонга етказиб қўйишади ва ғойиб бўлишади. Алқисса, Шайх Бурхониддин ушбу пирнинг жанозаларига имомлик қилганлари учун ҳам қутблик ул зотга муқаррар бўлади.

Имом Шамсулаимма Зармадий машхур мужтаҳидлардан²⁰¹ бўлиб, Ҳазрати Шайх Бурхониддиннинг мулозаматларига ҳар замон келиб турар эдилар. У кишидан бир нақл борким, бир кун Шамсулаимма Ҳазрати Шайхнинг мулозаматларига келиб кўрсаларки, ул зот бир мавзеда (ҳозирги Рухобод мавзеида) вужудлари ерда бўлса-да, фикр-хаёллари самоъда эди. Ҳазрати Шайх Бурхониддинда бу ҳолатда кўриб Шамсулаимма бир нафас сукут сақлаб турадилар. Бир муддат вақт ўтиб, Ҳазрати Шайх ул ҳолатдан фориг бўлганларидан сўнг, яқин борадилар ва бу ҳолатнинг сабабини сўрайдилар. Ҳазрати Бурхониддин дейдилар: «Ушбу турган еримдан бир хушбўй ҳид келадики, гўё менинг тупроғимни шу ердан олгандурлар».

Ул зот шул сўзларни айтиб йўлларига равона бўладилар. Аммо, мулоҳазага борган Шамсулаимма бу ходисага ажабланиб, оёғи остидан ярми куйган ва қуриган бир чўпни топиб олиб, Ҳазрати Шайх турган ерга кўмиб кўяди ва нима натижа бўлишини кутади. Қачонким, Шайх Бурҳониддин бу ерда (Самарқандда) кўп акрабо ва муридлар орттирганларидан кейин Хитойга юз тутадилар ва ул юртга етадилар.

Келтиришларича, кўп жамият ул кишига хамроҳ бўлади ва Хитойнинг ўша даврдаги подшоҳига, жанубий вилоятлардан бир бузургвор келадиганини хабарини етказдилар. Подшоҳ дейди: «Ул зотни тақлиф қилингиз, биз кўрайлик». Ҳазрати Шайх саройга келиб подшоҳ билан мулоқот қиладилар ва мажлисда шул қадар ваъзхонлик қиладиларким, халдан зиёда эди. Чунки, ул зот хар жойда ҳам бунчалик ваъзхонлик қила бермас эдилар. Хитой подшоҳига Шайх Бурҳониддиннинг феълү атворлари хуш ёқиб, ул кишига саройдан жой тайинлайди.

Ҳазрати Шайх билан бўлган иккинчи мулоқотдаёқ Хитой подшоҳи дейди: «Сизнинг динингиз менга хуш ёқди, менга Ислому динини арзу баён қилиб беринг ва мен ўз амирларим билан аввал кенгаш ўтказиб сўнг бир фикрга келайлик». Подшоҳ амирлари билан кенгаш тузади. Амирлари деди: «Эй подшоҳ, ул Шайхнинг динини қабул қилдирмоқчи бўлсанг, ихтиёр сенда. Аммо, ўзимизнинг миллатимиздан бўлган роҳибимиз бор. Энди, бизнинг роҳибимиз ҳам саройда ҳозир бўлсин ва иккаласи бир-бирлари билан савол-жавоб қилиб, беллашсинлар. Қайси бирлари устун келса, ўшани ўзимизга пешво қилиб, динини қабул қилайлик».

Бу маслаҳат подшоҳга маъқул тушади ва у олий мажлис барпо этади. Мажлисла ўзларининг роҳибларини ҳам ҳозир қиладилар. У роҳибнинг одати шу тарика эдики, хар йили бир марта Хитой подшоҳининг олдига келиб ўтирар эди ва жамии Хитой аҳли келиб унга сажда қилишар эдилар. Ваҳоланки, ушбу Хитой роҳибни кофир бўлиб, риёзатчилиги туфайли ажиб ходисаларни зоҳир қила олар, бошқаларни хайратда қолдирар эди.

Ҳазрати Шайх ва роҳиб олий мажлисда ўтирганлардан сўнг, подшоҳ: «Илми ғайбдан қаромат кўрсатинглар»,- деб фармон беради. Ҳазрати Шайх Бурҳониддин ул роҳибга, - қани нима десаи, қароматингни кўрсат,- деб бошлашга руҳсат берадилар.

Роҳиб ўрнидан туриб, бир бўғоз сигир келтиришни буюрди. Сигирни келтиришади. Роҳиб деди: «Бу сигирнинг қорнида боласи эрқа,- ва ранги қорадур, пешонасининг ўртасида оқ доғи бор».

Шундан сўнг Ҳазрати Шайх Бурҳониддин ўртага чиқадилар ва сукут сақлаб дейдилар: «Сигирнинг қорнидаги боласи эрқак ва ранги қора деганинг рост. Лекин пешонасига оқ доғи бор деганинг нотўғри. Унинг думининг учи оқдир».

Сигирни сўйиб кўрсаларки, Ҳазрати Шайх не йўсинда айтган бўлсалар, бузукча худди шундай тусда экан. Бундан Хитой роҳибни паршон бўлади ва роҳиблар рақсига тушиб ҳавога кўтарилди бошлади. Сўнг халойик устидан учиб рақсга тушади. Бу ҳолга хайрон бўлган халойик шайхимиз Ҳазрати

Бурхониддинга қарадилар. Ул киши дедилар: «Қимки бу кофир роҳибга ўхшаб риёзат билан машғул бўлса, ажиб ҳодисалар қилиб, одамларни алдаш қўлидан келади». Кейин эса Шайх Бурхониддин анбиёлар сарвари (пайгамбаримиз)нинг руҳи шарифлари воситачилигида Ҳақ таолога мурожат қилиб, мадад тилайдилар ва дарҳол Оллоҳ Ўз қудрати билан руҳи қушойиш берганини сезадилар. Сўнгра калишларининг бир пойини ёчиб роҳибга қараб отадилар. Калиш халойиқ устидан айланиб, роҳибнинг бошига бориб тегади ва у ерга қулайди. Халойиқ орасидаги шовқин-сурон тингач, подшоҳ хурсанд ҳолда тахтдан тушиб келади ва иймон келтириб мусулмон бўлади сўнг, Ҳазрати Шайхга қўл бериб, мурид бўлади. Роҳибни эса қатл этишади.

Кейинчалик подшоҳ ўз кизини Шайх Бурхониддинга никоҳлаб беради. Ундан фарзанд тугилади. Шундай қилиб, Хитой давлатининг кайфияти ва Ҳазрати Шайхнинг қандай имтиҳон қилиб синаб кўрганларини ҳамда ул кишидан ҳар қуни содир бўлгувчи ҳаддан зиёда авлиёлик ҳолларини воқеасини қисқача айтиб ўтдик ва бу ул зотнинг рисоалари баён қилинган тарихнинг мингдан бир улуши бўлиб, аҳли толибга маълум бўлмай.

Накл қилибдурларким, Ҳазрати Шайх Бурхониддин Соғарчий кўп сайру - саёҳат қилганлар ва кўп вилоятларни кўрганлар. Қалб аҳли соҳибларини дўст тутганлар ва зиёратлар қилганлар. Баъзи нотавон дарвешлар эса уларнинг макбараларини устига чиқиб, тўн ва жойнамозларини (ўғирлаб) олардилар ҳамда жон бўлса - қимирлаш керак, дер эдилар.

Накл қилдиларким, Ҳазрати Бурхониддин Соғарчий Самарқанд шаҳрига кириб келадилар ва Ҳазрати қутбул-ақтоб Шайх Нуриддин Басир раҳматуллоҳи алайҳининг файз осорлик мазорлари ёнидан ўзлари отда, саҳобалари эса пиёда ўтаётган эдилар. Ҳазрати Бурхониддин отнинг узангисидан ҳар иккала оёқларини чиқариб айтар эдилар: «Ё Шайх Нуриддин Басир! Сизга бизнинг таъзимимиз шул тариқадур». Шундан сўнг ул кишида салобат ва қувват пайдо бўлиб, отдан тушиб пиёда юрадилар. Шул таажужбли кайфиятда айтадилар: «Биз Ҳазрати Нуриддин Басирга катта эътиқод ва ихлос қўйгандурмиз».

Аслида бу киши ул зотдан бузургрок эдилар ва шу билан бир-бирларига катта муҳаббат ҳам қўйган эдилар. Ҳазрати бузургворнинг макбараларига зиёрат учун келган вақтларида кўп халойиқ тўпланган бўлиб, Ҳазрати Бурхониддин ушбу мажлисда ваъз айтиш учун минбарга чиқадилар ва ногаҳон бурунларидан қон оқиб кетади. Ҳазрати Шайх таҳорат қилиб, минбарга иккинчи ва учинчи бор чиққанларида ҳам бурунларидан яна қон кетади. Сўнг ул зот узр айтиб минбардан тушиб кетадилар.

Накл қилибдурларким Ҳазрати Бурхониддин Хитой вилоятига борганларида касал бўлиб, фарзандлари Шайхзода Абу Саъидни²⁰² чорладилар ва дедилар: «Эй фарзанд, бизни қазо вақтимиз келди. Мени Самарқандга элтиб ўша ерда дафн этишингизни истайман». Шайхзода дедилар: «Не буюрсангиз бажону дил бажарурман». Шайх Бурхониддин дедилар: «Биз бу оламдан кўчиш қилсак, мазоримизни Ҳазрати Нуриддин Басирнинг оёқлари томонига кўмингиз. Бизнинг бир неча васиятимиз бордурким, сиз буни бажара

олурсиз. Агарчи, биз фоний оламдин бокий оламга рихлат қилсак, бу ерни халқи бизни бошқа ерга элтиб кўмишга кўймайдилар. Сиз халойиққа айтингизким, - Самарқанд аҳли отамга бўйсунмаган ва иродат қилмаганлар. Ул зотни Самарқандга элтайлик, токи шаҳар аҳли билан ул киши суҳбат курсинлар, иршодлар қилсунлар»,- дейсиз. Агарда бу сўзларга далил келтиринг дейишса, улардан бир неча кишини бизнинг олдимишга келтиринг. Биз Худои таолодан умедвордурмизким, ул одамларга зоҳиримизни намоеъ қилур. Самарқанд аҳолидан огоҳ бўлишгач, бизга руҳсат беришарлар. Шундан сўнг, Хитой вилоятдан чиққач, йўлда вафот этсам, жасадимни тобутга солиб, уни туяга ортинг ва у Самарқанд сари йўл олади. Самарқандга етгач, шаҳар аҳли ва подшоҳи бизнинг истикболимизга чиқиб, Намозгоҳда тўпланишади. Шунда бир ҳолат намоеъ бўлиб, бир белги топилади ва сиз ушбу белгини олиб подшоҳнинг олдига боринг. У қабул қилса, - «бизга соҳиби «Хидоя»нинг²⁰³ нисбати воқеъ бўлди»,- деб айтинг. Ва яна шулки, бизнинг тобутимизни шаҳар ичига олиб кириг ва Ҳазрати қутбул-ақтоб, Қутби Чаҳордахўм - Шайх Нуриддин Басир қаддасу сиррахнинг (сирлари муқаддас бўлсин) нурга тўла макбаралари олдидан олиб ўтинг. Ва бизнинг тобутимиз ортилган туя қаерга бориб чўкса, ўша ерга бизни дафн этингиз»,- деб Ҳазрати Бурҳониддин Соғарчий ўз фарзандлари Шайхзода Абу Саъидга васият қиладилар ва вафот этадилар.

Хитой вилоятининг аҳли шаҳарга келиб ғавго кўтаришади ва Ҳазрати Шайхнинг муборак жасадларини Хитойдан бошқа ўлкага олиб кетишга рози бўлмай, жасадни бермайдилар. Шунда Шайхзода дейдилар: «Ҳазрати Шайх Самарқандга бормоқчи эдилар, чунки Самарқанд аҳли ул зотга тобеъ эмасдир. Хоҳлаймизки, улар ҳам бу зот иродатига кирсалар».

Хитойликлар дедилар: «Ҳазрати Шайхнинг шул сўзларни айтганларига далил-исбот келтиринг». Шайхзода Абу Саъид аҳолидан бир нечтасини далилликка ичкарига олиб қарадилар ва тобутни очадилар. Худонинг қудрати ила Шайх Бурҳониддиннинг жасадлари далил-исботли белги беради. Шундан сўнггина, Хитой аҳли таслим бўлиб, рози бўлишади.

Нақл қилибдурларким, Ҳазрати Шайх шу сўзларни васият қилганлар: «Бизнинг тобутимизни туянинг устига ортингиз ва унинг ўзи Самарқанд сари йўлга тушади. Сизлар унинг орқасидан эргашингиз. Зинҳор уни ишларига халақит бермангиз. Туя қасрда тўхтаб, оёғи билан ер тепинса, ўша ерда мени дафн қилингиз».

Келтирибдурларким, Хитой аҳлининг тўскинлик қилишлари ва ғавголларидан фориг бўлгач, Ҳазрати Шайхнинг васиятларига амал қилиб, ул зотнинг тобутларини туяга ортадилар. Сўнгра, Самарқанд томон йўлга тушадилар. Йўлда тобут ва туя борасида кўплаб воқеалар содир бўлади. Ушбу жумладан шул воқеа эдики, Самарқандга бораётиб, ҳар вилоятдан ўтар эдилар. Қайси вилоятга етсалар, ул вилоят одамлари Шайхзодага айтар эдилар: «Нечук, сиз Ҳазрати Шайхнинг муборак жасадларини шунча йўлга олиб кетурсиз? Бизнинг еримизга дафн этинг, Ҳазратнинг муборак жасадлари шарофатидан киёмат азобидан холос бўлайлик»,- деб илтимос қилишарди.

Шайхзода уларнинг ёлборишларига шундай дер эди: «Биз ушбу тобутни шул туянинг устига оргганимиздан бери туя Самарқанд сари кечаю кундуз йўл юради. Биз унга эргашиб юришдан бошқа иложимиз йўқдур. Агар кўлингиздан келса, туянинг устидан тобутни олингиз, қаршилигимиз йўқдур».

Шунда улар туянинг устидан тобутни олишга ҳарчанд уринсалар-да, туя қўймас эди. Олдиндан келганини тишлар, орқадан келганини эса тепар эди. Туянинг тобутни бермасликка қилган бунчалик ҳаракатларини кўриб, улар зор-зор йиглаб, маънос бўлиб қолишар эди.

Накл қилибдурларким, туя Самарқандга яқинлашгач, (шаҳар деворлари ташқарисидаги) Хожа Муҳаммад Санграсоннинг мазорларига етиб келиб, тўхтади. Буни кўрганлар ҳайрон бўлишиб, Шайхзодадан бунинг сабабини сўрашади. Шайхзода: «Бу ерда бир сир бўлса керакки, бу туяда бу ерда тўхтади ва унда маъни кўпдир». Қарвон аҳли келиб туяга ишорат қилсалар ҳам у ўз жойидан қўзғалмас эди. Туя бир неча кадам ташлаб ўтириб олади. Шайхзода тобутни туянинг устидан олишни буюради. Туя қаршилик қилмагач, тобутни олиб, Хожа Муҳаммад Санграсоннинг мазорлари атрофидан олиб ўтадилар. Шундан сўнг туя яна одамларни ҳайдаб, тобутни олдига боради. Бу ҳолни кўрган халойиқ, Ҳазрати Шайхнинг тобутлари Ҳазрати Хожа Муҳаммад Санграсоннинг мазорларини зиёрат қилганликларини англаб, яна йиглашиб, тобутни туяга ортадилар ва шаҳарнинг ҳозирги Шайхзода дарвозаси жойлашган девори ёнига келадилар. Ул вақтда бу ерда дарвоза йўқ эди. Унинг ўрнида шаҳар девори бўлиб, туя деворнинг кичик ёригидан шаҳарга кирганини кўрган одамлар таажжубга тушиб, гафго кўтардилар. Кейинчалик, замонаси келиб, подшоҳ бўлган Амир Темур Кўрагоний бу воқеани эшитиб, шу шаҳарни ихтиёр этган ва ушбу ерда дарвоза қурдириб Шайхзода деб атаган. Сўнг, бу дарвозанинг қалитини Ҳазрати Шайх Бурҳониддин Соғарчийнинг авлодлари хонадонларига вақф этиб юборган.

Накл қилдиларким, Ҳазрати Шайх Бурҳониддиннинг тобутларини Самарқандга олиб кириб, Ҳазрати қутбул-актоб Шайх Нуриддин Басирнинг макбаралари ёнига олиб борадилар. Ҳамманинг хаёлига Ҳазрати Шайхнинг васиятлари келади ва улар уни тўла адо этмоқчи эдилар. Лекин, тобут кўтарган туя макбарани зиёрат этгандек айланиб ўтади ва ҳозирги Рухобод мавзеига келиб тўхтади. Сўнгра эса оёғи билан ер депсинди.

Аммо, юқориди зикр этилган Имом ва мужтахид Шамсулаимма Зармадий бир вақтлар Рухобод мавзеида ҳаммадан яширинча, ярми куйган ва қуриган чўпни кўмиб қўйганини биламиз. Ул зот бу воқеани ўша замон подшоҳига айтиб берган эди. Имом Шамсулаимма, туя Рухобод мавзеига келиб, ер депсинган жойни қовлаб қўрадилар ва ўзлари кўмиб қўйган ўша чўпни топиб олишади. Шайх Бурҳониддиннинг қароматлари ва валийликларига ҳамма таажжуб қилиб йиғлашади. Шундан сўнг, Имом Шамсулаимма қарийб бир йил сафарда бўлган тобутни очиб, жасад қай аҳволда эканлигини ўз кўзлари билан кўрмоқчи бўладилар ва тобутни очтирадилар. Кўрсаларки, Ҳазрати Шайх Бурҳониддин Соғарчийнинг жасадлари худди ҳозир вафот этгандек

сўлимай, яшнаб ётган экан. Подшоҳ ва халойиқ бу ҳолни кўриб кўп йиғлайдилар. Сўнгра эса Ҳазрати Шайхни шу ерда дафн этадилар, раҳмагуллоҳи алайҳи.²⁰⁴

Келтирибдурларким, уша ерда бир ёнгоқ дарахти бўлар эди ва Ҳазрати Шайх ҳаёт вақтларида ушбу дарахтга суяниб ўтирар эдилар. Ушбу дарахтни кесиб, Ҳазрати Шайхнинг мазорларини сандукни ясайдилар. Ҳазрати Шайх ўз муборак сўзлари билан: «бизнинг мазоримиз Ҳазрати кутбул-актоб Шайх Нуриддин Басирнинг оёқ томонларида бўлсин», - деб айтган эдилар. Ҳақиқатан ҳам, таноб уриб ўлчаб кўрсалар, худди шундай экан.

Накъл килибдурларким, Амир Темур Кўрагонийга Самарқанд подшоҳлиги муқаррар бўлгач, яшаётган ва вафот этган улугларни ҳам зиёрат қилар эди. Шу аснода Амир Темур Шайхзода Абу Саъид ибн Бурҳониддин Соғарчийдан дуо ва иродатлик сўради. Шайхзода Абу Саъид унга дейдилар: «Падари бузургворимиз ниёзмандлик ва талабгорлик билан келганларга: «Ҳазрати кутбул-актоб Шайх Нуриддин Басирнинг мазорлари зиёратчиларнинг мурудлари ҳосил бўлиши учун танҳо мавзедир», - деб ҳамма зиёратчиларни ул зотнинг мазорлари сари юборар эдилар».

Бинобарин, Шайхзоданинг бу сўзларига амал қилган Амир Темур Ҳазрати Нуриддин Басирнинг нурга тўла мазорларини кўп зиёрат қиларди ва хожати амалга ошиб соҳибқирон бўлади.

Накъл килибдурларким, соҳибқирон Амир Темур Кўрагоний Ироқ давлатига лашкар тортиб борганида ногоҳ лашкарига душман шикаст етказиб, енгилла бошлайди. Вазирлар ва лашкарбошилар бу ишдан хавотирланиб, орқага қайтишни маслаҳат берадилар. Амир уларнинг маслаҳатларини қабул қилмай, авлиёларнинг арвохи тойибаларидан (тавба олганлардан) мадад сўрайди. Шунда илохий ёрдам келиб, Амир Темурнинг лашкари душманин мағлуб этади ва зафар топади. Ғалаба билан Самарқандга қайтиб келган Амир Темурнинг истикболига чикқан шаҳар аҳолиси орасида Ҳазрати Қутби Чаҳордахўм – Шайх Нуриддин Басирнинг набиралари Шайхзода Низомиддин ҳам бор эди. Шайхзодага Амир Темурнинг кўзи тушган ҳамоно, отдан тушади ва дарҳол ул зотнинг олдиларига бориб этакларини кўзларига суртиб зиёрат этади. Сўнг эса ул зотга кўп нарсалар тўхфа қилади. Бу ҳолни кўрган вазир ва уламолар Амир соҳибқирондан сўрайдилар: «Ё Амир! Олдинги сафар Шайхзодага камрок таъзим қилар эдингиз. Бу сафар эса кўпроқ хурмат билдиришингизнинг боиси недур?»

Амир Темур дедилар: «Қачонким, лашкаримга катта шикаст етганида, сизлар менга орқага қайтишни маслаҳат берган эдингиз. Аммо, мен машойихларнинг арвохи тойибаларидан мадад сўраб илтижо қилдим. Ногоҳон, ғойибдан катта лашкар пайдо бўлиб, унга Ҳазрати Шайхзода бошчилик қилар эдилар. Бинобарин, улар ёрдамида биз душман устидан ғолиб келдик».

Накъл берким, Ҳазрати кутбул-актоб Шайх Нуриддин Басир алайҳи раҳма катта харсангтош устига чиқиб таҳорат олар эдилар ва Ҳақ Субҳона ва таолога зўр шавку хавас ила зикр айтар эдилар. Ул зот айтибдурларким, ҳар ким бу

сув кўрган тошни нам қилса, (яъни, таҳорат қилса) муродини беролмасам-да, унинг кўли менинг этагимда бўлур,- деганлар. Баъзи ёронлар ул кишидан гўстохлик қилиб сўрайдилар: «Ё бузургвор, агар Оллоҳи таоло ирода қилмаса не бўлур?» Шунда Ҳазрати Шайх дедилар: «Қодири мутлак – Ҳақ таолонинг даргоҳида биз шул миқдор қурбга эга бўлдикки, кимнинг муроди ҳосил бўлур ва кимники бўлмаслигини биз билурмиз. Кимнинг муроди ҳосил бўлса, унинг ёқасида ўз ёнимизга тортамиз. Кимники ҳосил бўлмаса, кўлимизни унинг кўксига кўямизки, у олдимизга кела олмайдур».

Накл қилибдурларким, ҳар куни шом зикридан сўнг аҳли жамият Ҳазрати Шайх Нуриддин Басирнинг руҳи пурфутўхларини ва тариқий биродару ёронларининг руҳониятларини ёд этар эдилар. Чунончи, Сайид Жалолиддин Ашраф, Шайх Муҳаммад Охангар, Шайх Муслиҳи Товус ал-Хурамайн, Аҳий Маҳмуд Балокати, Хожа Нихон Малик Ота, Сайид Аҳмад Донишманд, Авлиё Қоражон, Бобо Чин, Шайх Аҳмади Ясавий, Бобо Оталик, Шайх Муҳаммадхожа каби Самарқанднинг бошқа машойихи киборларини ҳам ёд этиб, дуо билан йўқлар эдилар.

Ҳазрати бузургвор – Нуриддин Басир ҳожат, кифоят, мурод ва фарзандталаблар каби ишларни ҳосил қилишга замонларида танҳо эдилар (яъни, ул зотнинг бошқалар учун қилган илтижолари Оллоҳ томонидан тез қабул қилинар эди).

Ҳар ким етти пайшанба кунларида Ҳазрати Нуриддин Басирнинг пиру устозлари бўлмиш Ҳазрати Шайх Зайниддин Кўи Орифонийнинг руҳларига 100 марта сура ўқисин ва 100 марта Нуриддин Басирнинг оталари руҳларига ва 100 марта оналарининг руҳларига ва 100 марта ул зотнинг ёру мададгорлари руҳларига ва ул зотнинг ўзларини руҳларига ҳам 100 марта (жами 500 марта) сураи «Фотиҳа»ни ўқисин; сўнгра эса яна 500 марта ўз муроди ҳосил бўлиши учун ўқисин ва шул тариқа тасбеҳни беш марта тез-тез дона айлантирсин ва яна «сураи ихлос»ни тез-тез 500 марта ўқисин ҳамда ўтириб ушбуни:

Ё Холиқи зулжалол – донон кабир,
Дермондаги кори худ шудам, дастам гир.
Аз ботини Мустафо, Шоҳизинда,
Аз руҳи равони Хожа Нуриддин Басир.
Зудам-зудам гир ба ҳаққи
Қутби Чаҳордахўм – Шайх Нуриддин Басир...

тез-тез айтсин ҳамда етти пайшанба ўтгач, қон чиқариб (қурбонлик қилиб) хатм қилсин. Кучи етса кўй сўйиб, етмаса товук сўйиб қон чиқарсин ва иширинлик берсин. Албатта, албатта муроди ҳосил бўлғай.

Накл қилибдурларким, Оллоҳнинг аҳли (аҳлуллоҳ) орасида уч азизу бузургвор машҳурдир: биринчиси – Султон Бурҳониддин ибн Шайх Алоуддин Соғарчий; иккинчиси – Сайид Бурҳониддин Қилич бўлиб, ул зот Имом Абдуллоҳ²⁰⁵ авлодидан ва Даҳбед хожалари ул зотнинг наслидандур; учинчиси – «Ҳидоя» китобининг соҳиби (муаллифи) Имом Бурҳониддин (Марғиноший) Сиддиқий бўлиб, ул зотнинг қабрлари Чоқардиза

мазоротидадир ва Хулоку²⁰⁶ ул зотнинг наздида мусулмон бўлган.

Накъл қилдиларким, амиралмуминини Ҳасаннинг оталари шахид этилгач, бир йил халифалик қилганлар. Кейин ул кишига захар ичириб шахид қиладилар. Сайид Аҳмад Кабирнинг «Саҳиҳ»ида айтилганки, Имом Ҳасаннинг турт фарзанди²⁰⁷ - бир ўғилу уч қизлари бир хотиндан туғилган. Ўғилнинг номи Хожа Юсуф эди. Аслида Имом Ҳасаннинг фарзандлари кун бўлиб, Макка ва Мадина, Миср ва Шом, Рум ва Форс, Ироқ ва Хуросон, Мултон ва Ғазна, Ҳиндистон ва Кобул вилоятларига тарқалган.

Алқисса, Имом Ҳасан захарланиб ҳалок бўлганларининг хабари Хитой вилоятига етади. Хитой подшоҳининг қизи Имом Ҳасаннинг никоҳига кирган эди. Ундан бир соҳибжамол ўғил туғилган бўлиб, номи Хон Сайид Имом эди. Ул фарзанд рисолат паноҳ пайғамбар(с)нинг руҳи пурфутуҳларини ишоратлари билан Хитой вилоятдан чиқиб, Самарқанд вилоятига келади. Бир неча кун меҳмон тариқасида шул шаҳарда турганларидан сўнг, ул кишидан хорижийлар²⁰⁸ хабардор бўладилар. Хорижийлар Хон Сайид Имомни Регак тепалигида (таъли Регакда) шаҳолат даражасига етказиб, ҳалок этадилар. Шаҳид бўлишдан олдин Ҳазрати Имом айтган эканларки, - «агар мени ўлдирсангиз, бошимни қўлимнинг кафтига қўйинг».

Уша куни кўп киши шахид бўлишади. Ҳазрати Хон Сайид Имом шахид бўлганларидан сўнг, кесилган бошларини ўз қўлларига олиб, Самарқанд қалъаси томон юрадилар. Қалъа девори ёрилиб, ул зоти шариф девор орасига кирадилар ва Хожа Ҳалвоний мавзенигача борадилар. Имомнинг мунаввар қабрлари уша жойда бўлиб, жанозаларини жамни ғайб мардумлари ўқийдилар. Ҳазрати Хизр ва Илёс алайҳиссаломлар Ҳазрати Имомни тупрокка дафи этадилар.²⁰⁹ Имомнинг муборак қонлари тўкилган ҳар ердан жаннат чашмалари отилиб чиқиб, оқа бошлаган.

Накъл борким, бир дарвеш жумъа намозини ўқигандан сўнг, Ҳазрати Хон Сайид Имомнинг шахид бўлган жойларига бориб, турт ракаат ҳожат намозини ўқийди. Ногаҳон, кўп олтину жавоҳирлар пайдо бўлиб, дарवेशга пасиб килади. Бу намознинг баёни шундайки, Мўсо²¹⁰ алайҳиссаломнинг умматлари²¹¹ ул кишининг олдиларига келиб бечоралик ва камбағалликдан нолийдилар. Шунда Ҳазрати Мўсо(а) қўлларини Қозилу-хожот даргоҳига (яъни, Оллоҳ даргоҳига) муножот учун дуога очадилар. Бунга жавобан Ҳазрати Жаброил(а)²¹² келадилар ва Мўсо(а)нинг умматлари учун ушбу турт ракаат намозни келтирадилар. Умматлар бу намозни ўқиб ва амал қилиб муродларига етадилар.

Яна накъл қилдиларким, бир камбағал киши Ҳазрати Хожан икки оламнинг (яъни, Мухаммад алайҳиссаломнинг) олдиларига келиб, қашшоқликдан нолийди. Он Ҳазрат(с) унга ушбу намозни ўқишни буюрадилар. Ул қашшоқ бу намозни ўқиб муродига етади.

Накъл қилдиларким, дин имоми – Имом Шамсиддин Ҳалвоний айтган эдилар: Имом Ҳофиз Кабири Бурхоний (Имом Абу Ҳафзи Кабири Бухорий назарда тутилмоқда, шекилли. К.К.)нинг қабрлари устида бу намозни ўқидим. Шунда осмондан чунонам олтин чигиртқалар ёғилди. Улуғлардан аксарияти

шу намозни ўқиб, баланд мартабага эришган ва ҳаммалари дунёи охиратга етар эдилар. Ва яна бу намозни икки ракаатдан ўқир эдилар. Олдинги ракаатда «Фотиҳа» сурасидан кейин «Оятал-курси»ни бир марта ва куйидаги оятни эса 100 марта ўқир эдилар:

«Ва уфаввизу амриъ иллолоҳи инналлоҳа басирун бил ибоди». Сўнг, «Кулё айхуал кафируна...»ни бир марта; «Кулху валлоҳу аҳад»ни уч марта; «Муаввазатони»ни бир марта ўқир эдилар. Иккинчи ракаатда эса «Фотиҳа» сурасини бир марта ўқигандан сўнг, «Оятал-курси»ни бир марта ўқиб, кейин куйидаги оятни 100 марта ўқийдилар: «Ала иллаллоҳи тасиру умур».

Сўнг эса «Кулё...»ни бир марта, «Кулху валлоҳу аҳад»ни уч марта, «Муаввазатони»ни бир марта ўқилади. Саломдан сўнг, ушбу тасбеҳни 100 марта ўқийдилар: «Оллоҳумма антал фаттаху ва анал мафтуху файад уьнал мафтуху ё фаттаху».

Шундан сўнг, ўрндан туриб, ўнг томонга қараб туради ва уч марта ушбу тасбеҳни ўқийди:

«Оллоҳумма инни ауъзубика мин тафрикатил қалби». Шундан сўнг, икки ракаат хожат намози ўқилур ва олдинги ракаатига «Фотиҳа» сурасидан сўнг «Оятал-курси» бир марта ўқилур ва ушбу оятни 100 марта ўқийдилар:

«Насрун миналлоҳи ва фатхун қариб ва баширил мўъминина». Сўнг бир марта «Кулё»ни, уч марта «Кулху валлоҳу аҳад»ни, бир марта «Муаввазатони» ўқилур.

Иккинчи ракаатда эса «Фотиҳа» сурасидан сўнг, бир марта «Оятал-курси» ўқилур ва ушбу оятни 100 марта ўқилур:

«Гуфранака раббана ва илайкал-масир».

Бошқа ракаатда ҳам худди шундай ўқилур. Саломдан сўнг 100 марта ушбу тасбеҳ айтилу:

«Ё муфаттиҳал - абваби ва ё мусаббилал-асбаби».

Ва 100 марта ушбу салавот ўқилур:

«Оллоҳумма салли ало Муҳаммадин ва ало оли Муҳаммад васаллам алайҳи ва ало фатҳихи ва футухихи».

Шундан сўнг хожати ижро ва раво бўлу:

Накл қилибдурларким, икки бузургвор йўлда бир-бирларига ҳамроҳ бўладилар. Улардан бирлари – Ҳожа Абдулҳолиқ Гиждувоний бўлиб, ул киши амиралмўминин Аббос розиоллоҳу анхунинг набира авлодларидан эдилар. Иккинчилари эса – Ҳожа Аҳмади Яссавий бўлиб, ул киши Имом Муҳаммад Ханифанинг набираларидан эдилар. Имом Муҳаммад Ханифа (авлодларидан бири) неча йил Самарқанддаги Жавзания масжидида дарс берар эдилар²¹³. Ушбу масжид яқинида икки бузургворнинг қабрлари бўлиб, бирлари – Сулаймон Дороний, иккинчилари эса – Бобо Соҳиби Сармати, яъни Ҳожа Баҳоваддин Бухорийнинг²¹⁴ оталарининг (ё боболаридан бирининг) қабри эди. Имом Муҳаммад Ханифа (авлодларидан бири)нинг қабри эса Муҳаммад Ҳабиб ховузининг шарқ тарафида жойлашган бўлиб, баъзи ривоятларга қараганда ул зотнинг қабри Сайрам шаҳрида экан.

Яна сўзимиз бошига қайтамизким, Ҳожа Аҳмади Яссавий ва Ҳожа

Абдулхолик Гиждувонийлар йўлда боришар эди ва Самарқандга етиб келиб, Ҳазрати Хожа Абу Юсуфи Ҳамадонийнинг хизмат ва мулозиматларига мушарраф бўладилар. Ҳар иккала бузургвор, пирлари Ҳамадонийдан бир кунда иршод ва руҳсат олганлар. Хожа Аҳмади Яссавий Туркистонга бориб кўним топдилар ва саксон саккиз авлиё ул зотдан камол топишган.

«Ҳамадоний» номи билан машҳур бўлган тўрт бузургвор куйидагилардир: Хожа Абу Юсуф ва Шайх Абу Юсуф ва Мир Сайид (Али) Юсуф ва Шайх Муҳаммад Юсуф.

Шайх Муҳаммад Аттори Вали «Тазкиратул-авлиё» китобини тасниф қилиб берганлар ва бу асарда Макка ва Мадина, Кўфа ва Миср, Шом ва Рум, Ироқ ва Форс, Богдод ва Ҳуромуз, Басра ва Хуросон каби вилоятларда яшаган улуғларни ёдга олиб ёздилар ва (китобга) «Тазкиратул-авлиё» ном берадилар. Ушбу (қуйидаги) асар эса «Қасасул-анбиё» дурким, бу фақир, «Қандия»нинг ношири – Мулло Абдулҳаким Самарқандий (ушбу асарлардан фойдаланган ҳолда) жам қилиб тўплагандир.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШОВДОР MAЗOPOTИ ЗИКРИ

Самарқанд дарёсининг ёқасида, шаҳардан беш фарсах йўлда Хожа Зикриё Исфаронийнинг қабрлари жойлашган. Шовдор хожаларининг мазорлари ва Хожа Абдул Қосимнинг шаҳид бўлган жойи ҳамда мазори ҳам шу ердадир. Ва яна Сайид Неъматуллох Вали Табризийнинг жасадини бу ерга Амир Темур келтириб қўмдирган.²¹⁵ Ундан ташқари, 103 ёшга кириб вафот этган Шайх Абдул Ҳасайни-Хусайни²¹⁶ қабри ҳам шу ерда бўлиб, ул зотни дафн қилганларида бу ерлардан илон ва чаёнлар қочган.

Шайх Аҳмад Раванданинг мазори Фароҳинда. Хожа Али Одамнинг мазори Одам дехасида. Ҳожи Иброҳим Кадунинг мазори Каду дехасида. Имом Ёдуҳнинг мазори Ёдуҳ дехасида. Абу Ҳамид Девзиранинг мазори Девзира дехасида. Хожа Дақдақнинг мазори Шовдорнинг Асбиқат дехасида. Хожа Равиҳ унинг пиридуру ва унинг мазори жуда каттадир.

Хожа Зикриё Боғийнинг мазори Боғи дехасида. Ҳазрати Шайх Роқим²¹⁷ аҳмадуллоҳи алайҳининг мазорлари Сангин дехасида бўлиб, ул киши Имом Абу Бақр Варроқ Термизийнинг²¹⁸ шогирдлари эдилар ва бу мавзедан шаҳаргача бўлган масофа саккиз тош билан баробардир. Товус Яманийнинг қабри Умрак дехасида. Билингизким, Шовдор бузургворлари кўп сонли эди, аммо биз мухтасар қилдик.

Самарқанднинг Сўғди Калон туманида Шайх Имом – кутбул-мутақаддимин, яхни Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг (Имом Бухорийнинг) мунаввар қабрлари жойлашган бўлиб, «Саҳиҳ» китобининг соҳибидурлар ва Хартанг дехасида мазорлари жойлашган. Ул зотнинг авлиёлнк хосиятлари шулким, аксарият масжид ва кўҳна қабристонларда ҳозир бўлар эдилар. Шунда ўша жойларда Худои таолонинг раҳмати кўпроқ ёғилар эди. Ер юзидаги қайси шаҳар ва вилоятларда ул зотнинг муборақ пой-қадамлари етса ўша ер нур ва сафога тўлар эди.

Энди, жамни бузургворлар тарихини айтиб ўтиш мушкуллигини билиб истинонат қилдик. Чунончи, Ҳазрати пайғамбар саллоллоҳи алайҳи васаллам айтибдурлар: «Азоят ҳасратум фил амур ва истиаъту мин ахлул қабур». Ва ҳар ким хоҳласа (ният қилса) авлиёуллоҳни кўрсин ва ёки зътиқодли бир зоҳидга назар солсин. Ва улардан дуои фотиҳалар илтимос қилсин. Иншооллоҳ, унинг ҳақиқа фотиҳа мустаҷоб бўлғай!

Б А Й Т:

Ғар бубини ҳар яке дарवेशро,
Ёд кун Парвардигоро хешро.

1909 милодий йили 1328 ҳижрий йили.

ТАМОМ

И Л О В А Н О М А

Аммо сўнграким, кўнгили ва хаёлдаги дарё каби равшан фикрларни ўткир зеҳили, садоқат белгилли диёр паноҳкорларини ва саодат нишонли катта шаҳарларни эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилиб, Мулло Абдулҳаким пошир ва тожирлигида чиқарилган «Қандия» номли ушбу китобни содиқ дўстлар ва яқин биродарларнинг биз каминани ёд олишларига умид қилиб чоп эттирдик.

Бу китоб Самарқанддек азим шаҳар ахволидан ва у ердаги авлиёлар, уларнинг номлари, қабр жойлари ҳақида баён қилур. Шоядким, ушбу китобдан наф кўриб, биздек фақирни ҳам дуо қилсалар.

ИЗОҲ ВА ЛУҒАТЛАР

¹Мухаммад (саллоллоҳи алайҳи асаллам) – пайгамбар. Милодий 570 йилнинг биринчи ярмида туғилганлар. Мисрлик мунажжим Махмуд Пошонинг далолат беришича, Мухаммад (с) рабиул-аввал (ҳижриянинг учинчи ой)нинг тўққизинчисида, душанба куни эрталаб туғилганликларини, бу қувончли воқеа милодий 571 йил тўрттинчи ойнинг 21 кунига тўғри келишини аниқлаган. Ул зот 40 ёшга етганларида пайгамбар бўлиб, Қуръон ул кишига вақхий қилина бошланган. Ҳижриянинг ўн биринчи йили, рабиул-аввал ойининг ўн учинчиси, яъни душанба куни (милодий 632 йил 8-июнда) қамария йил ҳисоби бўйича 63 ёшу 3 кун, шамсия йил ҳисоби бўйича эса 61 ёшу 84 кун яшагач, вафот этадилар, саллоллоҳи алайҳи васаллам.

²Расулудллох – Оллохнинг элчиси, пайгамбар. Оллохдан алоҳида китоб келган пайгамбарлар расул аталадилар; Оллохдан алоҳида китоб келмай, ўзларидан илгари китоб келган расулларнинг ишларини давом эттирган пайгамбарларни набийлар деб атайдилар.

³Дуруд – мақтов, дуо, салом, яхшилик тилаш.

⁴Салавот – дуо, дуруд.

⁵«Қандия» - Абу Саъид Идрисий, Абу Ҳафз Насафий, Абул Фазл Самарқандий каби муаллифларнинг бизгача ўзгарган ва қисқартирилган ҳолда етиб келган асари.

⁶Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) – Мухаммад (с) пайгамбарнинг амакизодалари. Пайгамбарнинг Хорас, Абу Лаҳаб, Абу Толиб, Ҳамза, Аббос, Абул Кааб, Забир, Ғайдоқ каби амакилари бўлиб, Қусам эса Аббос номили амакиларининг ўғлидир. Пайгамбар(с) жиянлари Қусамни жуда севар эдилар. Самарқанддаги Шоҳизинда макбарасига кираверишдаги эшик пештоқида араб тилидаги ушбу ҳадис ёзувлари бунга исботдир: «Араб, Хишом, Қурайш, Макка ва Мадина халқларининг пайгамбари (Мухаммад алайҳиссалату васаллам) айтдилар: «Бошқаларга қараганда Қусам ўзининг юз тузилиши, шамоили, ҳусни ва хулқу фазилатлари билан менга кўпроқ ўхшайди». «Қомусул-аълум» китобида ёзилишича, Уммавийлар сулоласининг илк халифаси Муовия замонида, 677 йилда Саъид бин Усмон билан бирга Самарқандни фатҳ этган ва шу ерда ўша йили шахид этилган. Ул зот ҳақларида яна Балазури, Якуби, Наршахи, Ибн Қутайба, Шоҳ Ҳаким каби бир қанча муаллифлар ёзиб қолдиришган.

⁷Розиоллоху анху – Худо ундан рози бўлсин.

⁸Саллоллоҳи алайҳи васалам – Мухаммад (с) пайгамбарга ишора. Пайгамбарнинг муборак номларига албатта шу калимани қўшиб айтиш жоиздир. Оллох уни қўлласин ва тақдирласин, деган маънодадир.

⁹Темир (Оҳанин) дарвоза – ҳозирги Самарқанднинг Тошкент йўлига чиқавериш бошида жойлашган Ҳазрати Хизр(а) масжидлари яқинида жойлашган эди ва «Шоҳизинда дарвозаси» деб ҳам аталган.

¹⁰Мухаммад ибн Восеъ – саркарда Хузайманиннг яқин аъёнларидан бири. Самарқанд подшоҳи Гуракни мағлуб қилган ислом лашкарлари шаҳарни фатҳ

этишгач, Муҳаммад ибн Восеъ шаҳарга масжид курдиради. Бу энг биринчи қурилган масжид бўлиб, ҳозирги вақтда «Ҳазрати Хизр масжиди» деб аталади. Бунга сабаб шулким, ривоятларга қараганда, масжид ғиштлари ва устуларини Ҳазрати Хизр ўз қўллари билан қўйиб, кийшик тушган масжид меҳробини қиблага тўғрилаб қўйган эканлар. Масжид қурилишида бошқа фотиҳ саркардалар ҳам иштирок этишгандир.

¹¹ «Ахбор» - ривоятлар тўпламининг номи.

¹² Алайхисалом – унга (пайгамбарга) дуруд ва саломлар бўлсин.

¹³ Дониёр (Дониёл) пайгамбар – Самарқанд яқинидаги Сиёб ариғининг ёнбошидаги Дониёр(а) пайгамбарнинг макбаралари бўлиб, ул зот барака келтирувчи пайгамбарлар сирасига қирадилар. Шунинг учун ривоятга қараганда Амир Темур томонидан Сивас (Мосул яқинида)дан ул зотнинг жасадларини келтириб, Самарқандга қўндирилган экан. Шундан бери Самарқанд баракали шаҳар ҳисобланади. Бошқа бир ривоятга ва манбаларга қараганда Дониёл пайгамбарнинг қабрлари ҳозир ҳам Мосул яқинида экан ва Самарқандга ушбу қабр эса Қусам ибн Аббоснинг (Шоҳизинданинг) саҳобаларидан, яъни ёронларидан бири бўлган Хожа Дониёрга тегишли экан.

¹⁴ Амири муҳожир – бошқа ердан кўчиб келган амир, маъносида.

¹⁵ Хожа Рашид Девона – таниқли маҳаллий сўфийлардан бўлган.

¹⁶ Ғозийлар – дин учун урушувчи ва ғазовот қилувчилар. Ушбу бобда Ғозийлар дарвозаси деб, Шайхзода (Пойқабок) дарвозаси назарда тутиллаётир.

¹⁷ Ҳазрати Хизр – пайгамбар даражасига етказилган вали бўлиб, асли номлари Урмиёдир. Ул зот киёматга қадар тирикдир ва дунё кезиб, қуруқликда сафар қилувчиларнинг паноҳкори ҳисобланадилар.

¹⁸ Абу Мансур ал-Мотуридий – тўлиқ номи Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ханафий ал-Мотуридий бўлиб, ислом ақидасини илмий тарзда илк тиклаган ҳамда калом илмига асос солган буюк аллома Имом ҳисобланади. Мадрасасида фикҳ ва каломдан дарс ҳам берган. «Китаб ат-тавҳид», «Китаб ат-таъвийлотул-Қуръон», «Китабул-усул», «Китабул-мақолог», «Панднома», каби улкан асарлар ёзган. Милодий 870 йилда Самарқанд яқинидаги Мотурид мавзеида туғилиб, 944 йилда Самарқанд шаҳрида вафот этиб, Чокардиза қабристонига дафн этилган.

¹⁹ Хожа Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий – тўлиқ номи Абул Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Зайд ал-Ҳаким ас-Самарқандий бўлиб, IX асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда туғилиб, 953 милодий йилида шу ерда вафот этган донишманд алломдир. У Имом ал-Мотуридийнинг ҳамасри, ҳамсабақи ва шоғирди ҳисобланган ҳамда илми ҳикматга асос солган буюк Имом ҳисобланган. Унинг «ал-Эътикод», «ас-Саводул-аъзам» каби асарлари ислом оламида машҳур бўлган. Қабри Чокардизада, Имом ал-Мотуридий қабри ёнидадир.

²⁰ Ахли шиа – яъни, шиа мазҳабидаги халқ. Шиа – Али ибн Абу Толиб тарафдори дегани бўлиб, Ҳазрати пайгамбар(с) вафот этганидан сўнг ўрииларига халифа бўлган «чорёрлар»дан олдинги учтасини – яъни, Абу Бакр, Умар ва Усмонларнинг халифалиklarини тан олмай, фақатгина Али ва

авлодларининг ҳукмдорлик ҳуқуқини тан олишган оқимдир. Улар асосан Эронда тарқалишган ва аксарияти Имом Жаъфари Содик (олтинчи Имом) мазҳабларидадир. Шилар Ҳазрати Алнининг авлоди бўлишган ўн икки Имомлар (Исноъашшариа) ва уларнинг авлодларини диний-дунёвий ҳукмрошликларини тан олишади. Уларнинг ақидаларича Имомлар беғунохдирлар. Аммо, суннийлар ақидалари бўйича эса, ягона Оллох беғунохдир.

²¹Аҳли суннат – пайғамбар(с) ва саҳобан киромлар амал қилган йўл ҳамда одатларга эргашувчи мусулмонлар.

²²Кухак дарёси – Зарафшон дарёсининг қадимий номи. Пуштан Кухак (яъни, Кухак тепалиги) деганда эса, ҳозирги Чўпон Ота тепалиги тушунилади.

²³Ҳожа Муҳаммад Абду Дарун – Самарқанддаги илк мутасаввуфлардан; олим ва қози бўлган. Мақбаралари Искандан Зулқарнайн қурдирган Девори Қиёматнинг (яъни, қадимий шаҳар деворларининг) ичкари томонида жойлашгани учун ҳам Абду Дарун (шаҳар ичкарасида яшовчи, маъносида) лақабини олгандир.

²⁴Ҳожа Муҳаммад ибн Фузайл Балхий – «Самария» китоби муаллифи Абу Тохирхожанинг бобокалони Ҳожа Абулфазл Балхий назарда тутилаётган бўлса керак. Лекин, «Қандия»да бу зотнинг қабри Феруза дарвозаси яқинида жойлашган, дейилмоқда. Бу кичик нуқсон китоб котиби томонидан йўл кўйилган, балким.

²⁵Ҳожа Муҳаммад Санграсон – ривоят қилишларича, бу шахс Шохизинда – Қусам ибн Аббоснинг саҳоба-эронларидан бўлиб, кофирлар билан уруш чоғида Шохизинданинг ўқ-дорилари қолмагач, Ҳожа Муҳаммад ул кишига тош етказиб берган ва Шохизинда бу тошларни душманга отган экан (лақаби шу ердан келиб чиққан, «Санграсон»-тош етказувчи, дегани). Бизнингча эса, ул киши илк бора юртимизда ислом динини тарғибот қилган авлиёлардан бўлиш билан бирга, харбий иншоотлар, масжидлар қуриш учун тош етказиб берувчиларнинг сардори бўлган. Қабри ҳозирги Дахбед шох кўчасида жойлашган даҳмасимон суфададир. Суфа устидаги кейинги даврларга алоқадор мармар қабртошлардан бирида «Шайх Абдуллатиф», деб ёзилгани учун ҳам охириги вақтда Улугбек Мирзонинг падаркуш ўгли Абдуллатифнинг қабри, деб нотўғри талқин этилиб келинган. Аслида эса, Абдуллатиф Мирзонинг қабри Самарқанднинг Оксаройида мавжуддир.

²⁶Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий – Имом ал-Бухорий (Ҳожа Исмоил) 809 йил милодийда Бухорода туғилган. Ул зот «Сихах ситта» уламолари деб юритилган ҳадиснавис алломалар сардоридир. Ул зотнинг «Саҳихи Бухорий» номланган китоб мусулмон оламида Куръондан кейин иккинчи ўринда туради. Имом Бухорий тўплаган 600 минг ҳадисдан 7250 таси «саҳих»-ишончли деб топилган. Имом Бухорий 256 (869) йилда Самарқанднинг Пайарик туманидаги қадимий Хартанг (ҳозирги Ҳожа Исмоил) мавзеида вафот этиб, ўша мавзеда дафн этилганлар.

²⁷Имом Али ибн Исоқ – «Қандия»га қараганда машҳур олимлардан бўлган.

²⁸Работ – йўловчилар учун бекат; мусофирхона.

²⁹Зоҳид – дунё ишлари билан кизикмасдан ибодат билан машгул бўлган киши, дунёдан юз ўгирган сўфий.

³⁰Каъбаи муаззама – Каъба, арабчасига куб дегани, ислом динининг энг муқаддас ибодатхонаси. Макка шаҳридаги «Масжидул-ҳарам» (Муқаддас масжид)да жойлашган Каъба 10x12x15 метр ўлчамли кул рангли қорамтир хонадир. Каъбанинг ташқари томонидаги бир бурчагидаги «руки» аталган тоқчада «Ҳажарул-асвад» (Қора тош) қўйилган. Оллоҳ уни Одам Атога совға қилган экан (бир ривоят бўйича, фаришта тошга айланган экан). Ўша вақтда тошнинг ранги қордек оқ ва тиник бўлиб, вақт ўтиши билан, гуноҳларнинг қўнайиб кетиши натижасида қорайиб кетган экан. Каъба эса – Иброҳим пайғамбар ва ўгли Исмоил алайҳиссаломлар томонидан қурилган. Бутун дунёдаги мусулмонлар Каъбада жойлашган ушбу Қора тошга қараб намоз ўқишади. Ундан ташқари бу ерда Куръоннинг энг қадимги нусхаси ҳам сақланади.

³¹Масжидул-Ақсо (Узоқдаги масжид) – бошқа номи «Байтул-муқаддас», яъни муқаддас уй. Қуддус (Фаластинда) шаҳрида Сулаймон ибн Довуд пайғамбар ибодатхонаси. Ривоятга қараганда, Ражаб ойида Муҳаммад(с) пайғамбар Буроқ отига миниб Маккадан Қуддусга тунги саёҳат (Исроъ) қилган ва Жаброил(а) фаришта ёрдамида осмонга чиқишлари (Меърож кечаси) шу масжиддан бошланган. Бу масжид яҳудий, христиан ва ислом динлари учун муқаддас жойдир.

³²Жомети Банни Умийя (Уммавийлар сулоласи масжиди) – Уммавийларнинг олтинчи халифаси Валид ибн Абдулмалик даври (705-715) сулоланинг энг порлоқ даври бўлиб, халифа Валид Дамашк шаҳрида жуда катта масжид қурдирган.

³³Имом Сулаймон Дорони – «Қандия»да ушбу ном китоб охирида ҳам келтирилган (210-изоҳга қаранг). У киши ҳуқуқшунос бўлган кўринади.

³⁴Бобо Соҳиб – бу ном ҳам китоб охирида (210-изоҳ ёзилган бетга қаранг) келтирилган бўлиб, тўлиқ номи Бобо Соҳиби Сармати бўлган ва Хожа Баҳоваддин Накшбанднинг ота-боболаридан бирининг лақаби бўлган.

³⁵Чокардиза – улуг олимлар қўмилган қабристон. IX асрда пайдо бўлган ва Самарқанднинг жанубий-шарқида жойлашган. Қадимда бу ерда ҳарбий қалъа бўлиб, «Чокардиза» номи шундан олинган, яъни Чокар-лашқар; диза-қалъа дегани. Мавзедан Чокардиза ариғи ҳам ўтган. XX асрнинг ўрталарида совет тузуми қабристонни текислатиб, устидан яҳудийлар учун уйлар қуришга руҳсат беришган. Натижада улуг аломалар қабрлари яқсон этилиб йўқ бўлиб кетган.

³⁶Мавлоно Шамсиддин – бу ерда Имом Шамсиддин Ҳалвои назарда туғилаётир (208-213 изоҳлар берилган саҳифага қаранг).

³⁷Мавлоно Мансури Зоҳид – Чокардизада қўмилган олим.

^{38,39,40,41}Шайх Пахустин, Хожа Рашиди Рўшон, Хайринисои Барси, Хожа Дардкаш – ботиний ва зоҳирий билим олимлари.

⁴²Ғори Ошиқон – шаҳарнинг шарқий қисмидаги эски Қаландархона

махалласидаги гор.

⁴³ **Хожа Бирёнғир** – тасаввуф намояндаси.

⁴⁴ **Қатувон дашти** – Самарқанд шаҳрининг шимол томонидаги ҳозирги Булуңғурга яқин дашт.

⁴⁵ **Хожа Яхё Соғарчи** – тасаввуф намояндаси, Бурхониддин Соғарчи наслидан бўлса керак.

⁴⁶ **Амирал-муъминин Хусайн** – мусулмонлар амири, халифаси, пайгамбар набиралари Имом Хусайн (626-680). Ул зот Имом Али ва Фотимаи Заҳроларнинг кенжа ўғлидир. Уммавийларнинг биринчи халифаси Амир Муовия (561-680 йиллар ҳукм сурган) вафот этгач, Мадинага бадарга қилинган Имом Хусайн ўз аждодлари тарафдорлари томонидан Амирал-муъминин ва Имом деб, яъни дунёвий ва диний ҳукмдор-халифа деб эълон қилинади. Сўнг Маккадан Қуфага келиб, Дашти Карбало деган мавзеда Муовиянинг меросхўр ўғли Язид-I нинг тўрт минг аскарлари қуршовида қолиб, 10 кун жанг қилиб шаҳид бўладилар. Бу нохуш воқеа 680 йил 10 октябрда содир бўлган эди.

⁴⁷ **Хожа Абу Насоқ ибн Иброҳим Самосий** - IX асрда яшаб ўтган машхур фикхшунос олим. Чоқардиза қабристонин олдин ушбу зотнинг боғи бўлган. Хожанинг ўзи биринчи бўлиб бу қабристонда кўмилган эди.

⁴⁸ **Хожа Абу Лайс Самарқандий** – асл номи Имомул-худа Наср ибн Муҳаммад (983 йили вафот этган ашхур факих). Куръон тафсири, ҳукукшунослик ва ақидага оид машхур асарларни ёзган.

⁴⁹ **Имом Зоҳиди Ҳарамғир** – тасаввуф намояндаларидан.

⁵⁰ **Шайх Зоҳиди Обрез** – тасаввуфнинг бузург арбобларидан.

⁵¹ **Дари Заъжир** – Самарқанднинг қадимий ва катта маҳалласидан бўлиб, атрофи девор билан ўралган бўлган.

⁵² **Осудагоҳ** – тинчгоҳ, оромгоҳ; бу ерда қабр маъносидадир.

⁵³ **Бақия қабристонин** – Мадина шаҳридаги қабристон, унда Ҳазрати пайгамбар(с), чорёрлар, саҳобаи киромлар, имомларнинг баъзилари ва бошқа алломаларнинг муборак қабрлари мавжуд.

⁵⁴ **Муалло қабристонин** – Макка шаҳридаги қабристон, унда олимлар, мужтаҳид имомлар каби алломалар дафн этилган.

⁵⁵ **Арабу аҷам** – араб ва ғайри араблардан иборат халқлар.

⁵⁶ **Ҳидоянинг соҳибин** – «Ҳидоя фи фуруъ ал-фикх» (Фикх соҳалари бўйича қўлланма) асари муаллифи Имом Бурхониддин Маргиноний назарда тутилаётир. «Ҳидоя» - Имом Ўззамнинг «Ҳанафия» мазҳабида кенг тарқалган шарнағ тўпламидир.

⁵⁷ **Иншо оллоҳ** – Худо хоҳласа.

⁵⁸ **Зикр этилган ушбу уч шаҳс тасаввуф шайхларидир.**

⁵⁹ **Қадласу сирраҳу** – улуғ кишилар номига қўшимча.

⁶⁰ **Саҳоба** – пайгамбар(с)нинг киромли дўсту ёронлари.

⁶¹ **Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний** – тасаввуфнинг энг буюқ арбобларидан бири, «Хожагон» тариқатининг асосчиси. XII XIII асрларда яшаган. Ул зот Имом Молик наслидан. Хожа Юсуфи Ҳамадонийнинг

тўртинчи халифаси. Баҳовалдин Нақшбандийнинг рухониятли пири бўлган ушбу зотнинг қабрлари Ғиждувондадир.

⁶²**Ғотфар** – Самарқанднинг шимоли-ғарбий қисмида IX асрда пайдо бўлган маҳалла. Ривоят бўйича бу мавзе шаҳарнинг қадимги ҳокими номи билан аталган. Мавзе ёнидан Новадон ариғи ўтган.

⁶³**Хожа Юсуфи Ҳамадоний** – тасаввуфнинг буюк арбобларидан бири. Абу Али Фармадийнинг тўртинчи халифаси эди. Ҳамадон шаҳрида туғилиб, 1141 йил Марвада вафот этганлар. «Қандия»да ул зотнинг қабрлари Самарқандда деб нотўғри ёзилган ва бу китоб хатотининг айби бўлиши мумкин. «Ҳамадоний» лақабли тўртта машхур шахс ўтган бўлиб, китоб охирида улар ҳақида гапирилган ва уларнинг барчалари Самарқандда бироз бўлса-да, фаолият кўрсатишган. Чамаси, улардан бирортасининг қабри Самарқандда бўлиб, Хожа Юсуф билан адаштирилаётир.

⁶⁴**Илми ботин ва Зикри хуфия** – тасаввуф илми ва Худонинг номини овоз чиқармай, кўнгилда хуфия айтиш, зикр айтиш.

⁶⁵**Ҳамадон** – Эрондаги шаҳар.

⁶⁶**Хожа олам** – пайгамбар(с) назарда тутилаётирлар.

⁶⁷**Абу Хурайра** – пайгамбар(с) саҳобаларидан; тўлик номи (Абу Қайс) Абдурахмон ибн Саҳр Аздий. 676 йилда 78 ёшида вафот этган. Мушукни яхши кўргани учун пайгамбар(с) унга «Абу Хурайра» (Мушук отаси) деб ном кўйганлар. Ҳадис ровийларидан.

⁶⁸**Андокий** – Хожа Ҳасани Андокий (466-552 хижрий) тасаввуфнинг кўзга кўринган намояндаларидан. Абу Юсуфи Ҳамадонийнинг иккинчи халифалари эди.

⁶⁹**Баркий** – Абдулох Баркий (555 йил хижрийда вафот) тасаввуфнинг кўзга кўринган намояндаларидан. Абу Юсуфи Ҳамадонийнинг биринчи халафалари эди.

⁷⁰**Хожа Аҳмад Яссавий** – (1166 милодда вафот этганлар) тасаввуфнинг буюк арбобларидан. Абу Юсуфи Ҳамадонийнинг учинчи халифалари. Баъзи маълумотларга қараганда, Сайрам шаҳрида Шайх Иброҳим ибн Илёсбобо хонадонда таваллуд топган. Бошқа маълумотга кўра, отасининг номи Иброҳим ибн Маҳмуд бўлган ва Яссидда (Туркистонда) туғилган экан. «Девони ҳикмат»нинг муаллифидир. 562 хижрийда Яссидда вафот этганлар ва қабрлари устида Амир Темур улкан макбара қурдирган.

⁷¹**Нисбатни маънавий** – тасаввуф силсиласида пирга етишиш ва пирлик ҳуқуқини олиш маъносига.

⁷²**Абу Бакр Сиддик** – (572-634 йил милод) пайгамбар(с)нинг энг яқин саҳобалари, чорёр халифаларнинг биринчиси. Асл номлари Абдуллох (Абдулло) ибн Абу Қаҳофа. Ислоҳ динига киргач, бутун мол-мулкларини камбағалларга тақсимлаб берганлар. Пайгамбар(с)га энг садоқатли бўлганидан «Сиддик» номини олган.

⁷³**Қарн** – вақт ўлчови; бир қарн 30 йилга ёки 35 йилга тенг бўлиб, баъзан 100 йилга ҳам тенг, деб ёзилади.

⁷⁴**Сулуқ** – йўл; яхши йўлга кириш; сўфизмда – Худога яқинлашиш йўли,

очик ва пинҳоний тарикий йўл маъносида.

⁷⁵ **Ҳак** – Худо (Ҳак таоло) назарда тутилаётир.

⁷⁶ **Солмони Форсий** – пайгамбарнинг(с) яқин саҳобаларидан, тасаввуфни асосчиларидан бири. Асли эронлик. Нисбати маънавий (яъни, пирлик) Абу Бакр Сиддиқдан Солмони Форсийга ўтган.

⁷⁷ **Имом Жаъфари Содиқ** – (700-765 милодий) Шналикнинг олтинчи Имоми ва «Жаъфария» мазҳабининг асосчиси. Бешинчи Имом Мухаммад Боқирнинг ўғли; онаси Умми Фариди халифа Абу Бакр Сиддиқнинг эварасидир. Имом Жаъфарининг қабрлари Мадинадаги «Бақия» қабристонидир.

⁷⁸ **Боязиди Бастомий** – (874 йилда вафот этган) тасаввуфнинг буюк намояндаларидан бири. Тўлиқ номлари Боязид Тайфур ибн Исо Бастомий. «Тайфурия» тарикатининг асосчиси. Суфийликда нисбати маънавий ул зотга Имом Жаъфари Содиқдан етган.

⁷⁹ **Хожа Абул Ҳасани Харақони** – тасаввуфнинг йирик намояндаларидан. Хуросонлик бўлиб, 1033 йилда вафот этган.

⁸⁰ **Имом Мухаммад Газзолий** – (1058-1112) буюк файласуф, фақих ва каломшунос аллома.

⁸¹ **Юнус Сижовандий, Сайид Аҳмад ва Хожа Сулаймон Фаробий** – тасаввуф арбоблари.

⁸² **Хожа Калони Тусий** – бу ерда Хожа Али Калон, яъни Шайх Абу Али Фармадий назарда тутилаётган кўринади.

⁸³ **Тарикат** – усул, йўл, маслак; суфийлик йўли.

⁸⁴ **Хожа Ҳамидулдин Мултоний** – Ҳиндистоннинг Мултон вилоятидан етишган шайх.

⁸⁵ **Хожа Кашф рухонияти** – яъни, Хожа Ҳамидулдин Мултонийнинг рухонияти, маъносида.

⁸⁶ **Санжар ибн Маликшоҳ** – Салжуқийлар сулоласи шоҳи. Ироқдаги Санжар мавзеда туғилган, одил подшоҳлардан бўлган.

⁸⁷ Бу ерда зикр этилганлар тасаввуф намояндаларидир.

⁸⁸ **Шайх** – олим, донишманд маъносида. Масалан, Ибн Сино «Шайхул-раис» (олимлар раиси) лақабини олган эди.

⁸⁹ **Сулаймоншоҳ** – Салжуқий саркардаларидан бўлса керак.

⁹⁰ Бу ерда зикр этилганлар Ҳамадонийнинг издошларидир.

⁹¹ **Хижрий йил ҳисоби** – милодий 622 йилдан бошлаб, яъни Мухаммад пайгамбар(с)нинг Маккадан Мадинага хижрат (кўчиш) қилганларидан бошланган мусулмон йил ҳисоби. Бундан олдин арабларга қўшни давлат (Яман) подшоҳи Абраҳа аскарлари ва филлари билан бостириб келиб уруш бошлайди. Лекин, Маккага яқинлашгач, душман филлари ерга ўгириб олиб кўзгалашмайди. Шунда илохий куч билан душманлар бошига тош ёғилиб, улар орқага қочишади. Шундан бошлаб бу воқеага «асҳоби фил», «санаи фил» ва «воқеаи фил» деб номлашиб, хижрий йил ҳисоби бошлангунга қадар 570 йилда бўлиб ўтган ушбу воқеа санасидан бошлаб йил ҳисоби санаб келишарди.

⁹² **Ҳаж** – исломдаги бешта дин фарзларидан бири. Ҳижрий йил зулҳижжа ойининг еттинчи кунидан бошланади ва ниҳоясида Курбон байрами (Ийд ал-адха) ўтказилади.

⁹³ **Хатми Куръон** – Куръонни тамоман ўқиб ўтказиши ва бағишлаш маъносига. Диний маросимларда ўқилади.

⁹⁴ **Тафсири** – шарҳ, изоҳ; асосан Куръон оятларини изоҳлаш; баъзан ҳадис ва диний китобларни талқин этишга ҳам айтилади.

⁹⁵ **Ҳадис** – Муҳаммад пайгамбар(с) фазилатлари, кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлар.

⁹⁶ **Усул** – асл, ҳар бир илмнинг асоси ва туб қондалари. Исломда «усул ад-дин» (дин асослари), «усул ал-фикх» (фикх асослари) кабиларни ўргатадиган шимдир.

⁹⁷ **Ражаб ойи** – ҳижрий йилининг еттинчи ойи.

⁹⁸ **Мурид** – талаб этувчи, истовчи, эргашувчи; тасаввуфда бирор шайхга эргашувчи, қўл берувчи.

⁹⁹ **Силсила** – занжир, тизма, тартиб; тасаввуфда машхур пир ва тариқат номларининг орқама-кетин келишларига айтилади.

¹⁰⁰ **Куръон пораси** – мадраса ва дарсхоналарда Куръон Каримни 30 порага (қисмга) бўлиб ўргатилади. Куръоннинг охириги, кичик сураларидан поралар ўргатиш бошланади.

¹⁰¹ **Намоз ракаати** – ҳар куни мусулмонлар беш вақт намоз (салот) ўқишади; бомдод (4 ракаат), пешин (10 ракаат), аср (4 ракаат), шом (5 ракаат) ва хуфтон (9 ракаат); Ривоятга қараганда шайтон туфайли жаннатдан қувилган Одам Ато ёруғ дунёга келиб икки нарсани: кечаси ва кундузги кўриб, бунинг шукронасига 2 ракаат намоз ўқийдилар. Бу мусулмонларга фарз бўлиб. Унга 2 ракаат суннатни қўшиб, 4 ракаат қилиб ўқийдилар ва бу бомдод намозидир. Ҳар вақтига келиб, Иброҳим пайгамбар(а) Ҳазрат Исмоил(а)ни қурбонлик қилишидан Худо омон сақлади ва Намруд (кофир подшоҳ)нинг оташидан Иброҳим(а)ни ҳам омон сақлади; бунинг шукронасига ул зот пешин намозини ўқийдилар. Юнус пайгамбар(а) балиқ қорнидан нажот топгач, дунёга чиқиб аср намозини ўқийдилар. Шу тарика Мўсо(а) ва Исо(а) пайгамбарлар ҳам шом ва хуфтон намозларини фарз қилиб қолдиришгандирлар. Муҳаммад(с)нинг вақтлари келгач, айтганлар: «Мен сизларга бир вақт намоз келтирдим. Бу намозни витр-вожиб атайдилар. Худо тоқдир! Шунинг учун намозимни тоқ ўқингиз!» Мусулмонлар бу намозни хуфтон намозига қўшиб, 3 ракаат ўқишади.

¹⁰² **Исми Аъзам** – Худон таолонинг энг улуғ номидан бири.

¹⁰³ **Маркаб** – улов; миниладиган ҳайвон (от, туя, эшак каби).

¹⁰⁴ **Чорёрлар** – пайгамбар(с)нинг тўрт ўринбосарлари, халифалар: 1) Абу Бакр Сиддик (халифалиги 632-634); 2) Умар ибн Ҳаттоб (634-644); 3) Усмон ибн Аффон (644-656); 4) Али ибн Абу Толиб (656-661);

¹⁰⁵ **Мунисар ва Нақир** – гўр фаришталари. Инсон вафот этгач гўрда уни сўроқ қилишиб, ҳисобог олувчи ва қиёматга қадар мўъминларга тегмай, гуноҳкорларни эса азобга солувчилардир.

¹⁰⁶Ушбулар Абу Юсуфи Ҳамадонийнинг халифа-шоғирдлари.

¹⁰⁷Имом Молик – (721-795) асл номи Молик ибн Онас. Улуғ фақиҳ. Суннийлар тўрт мазҳабининг бири бўлган «Моликия» мазҳаби асосчиси. «Ал-Мувааттаъ»(Пок йўл) китобининг муаллифи.

¹⁰⁸Имом Моликнинг қабрлари – мужтахид Имом Моликнинг қабрлари Шомдадир.

¹⁰⁹Ҳишрав – Самарқанднинг ғарбидаги қадимий мавзе.

¹¹⁰Шайх – олим, донишманд маъносида.

¹¹¹«Фотиха», «Ёсин», «Ваннос» - Қуръоннинг 1-чи; 35-чи ва 114-чи суралари.

¹¹²Абдол – авлиёларнинг бир гуруҳи. Бу гуруҳ 70 кишидан иборат бўлиб, ривоятга кўра улар олам тургунча турар эканлар.

¹¹³Ғавс - қутб ва мададгор маъносида. Бу ерда Ғавсул-аъзам (Шайх Абдулқодири Желоний, 1078-1165) назарда тутилмоқдалар.

¹¹⁴Қутб – тасаввуфда ҳар бир гуруҳ, силсила ва сулукнинг пешвоси; етук ва замонасида ягона ҳисобланган авлиё.

¹¹⁵Мардуми гайб – яширинган ғойиб одамлар маъносида, яъни тақводорлар ва авлиёлар арвоҳига айтилади.

¹¹⁶Ғотфар – Самарқанд шаҳридаги қадимий мавзе. IX асрда ташкил топган ва шаҳарнинг қадимий ҳокими номидан олинган. Мавзе ҳозирги Даҳбед кўчасига чегарадош бўлган.

¹¹⁷Бу ерда зикр этилганлар тасаввуф арбобларидир.

¹¹⁸Арвоҳи тойинба – тавба қилганлар (тақводорлар) арвоҳи.

¹¹⁹Ошиқлар тепалиги (Тали ошиқон) – тақводорлар тўпланадиган мавзе.

¹²⁰Нован авлиёуллоҳ – авлиёлар ариғи, тарнови маъносида.

¹²¹Муқарриблар тепалиги – Худога яқин дўстлар тепалиги.

¹²²Ҳожа Абду Дарун – Марказий Осиёдаги илк мутасаввуф ва илк фақиҳлардан. Халифа Усмон ибн Аффоннинг авлодидан. Ул зотнинг қабри устида аввалига Султон Санжар, кейинчалик эса Мирзо Улуғбек томонидан мақбара қурилган.

¹²³Усмон ибн Аффон – (644-656) чорёрларнинг учинчиси; Қуръонни китоб қилиб нусхаларини катта шаҳарларга тарқатган. Пайғамбарнинг(с) икки кизларини (Руқия ва Умм Гулсумни) ўз никоҳига олгани учун «Зуннурайн» (икки нур соҳиби) лақабини олганлар. Ҳижрий 25 (милодий 656) санада қурбон байрам кунини ўз қўллари билан ёзилган Қуръон китобини ўқиётган вақтда шаҳид этилганлар. Ул зотнинг муборак қонлари томган Қуръони Карим ҳозир Тошкентда сақланаётир.

¹²⁴Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) –пайғамбар амакизодалари бўлиб, «Қомусул-аълом» китобида ёзилишича, халифа Муовия замонида, 677 йилда Сайид бин Усмон билан бирга Самарқандни фатҳ этган ва шу ерда шаҳид бўлганлар.

¹²⁵Бу ерда муаллиф хато қилаётир. Пайғамбар(с)нинг вафотларидан 30 йил зиёд вақт ўтгач, Самарқанд фатҳ этилган ва бу юришда Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) қатнашганлар.

¹²⁶Кусам ибн Аббоснинг чоҳга киришлари ҳам ул кишининг «тирик шох» (Шохизинда) дейилишлари каби авом тўқиган ва ислом ақидасига зид бўлган бир ривоятдир. Аслида, ул зот кофир душман тигидан шахид бўлиб, шу мавзеда кўмилганлар. Ислом дини ақидалари бўйича, бу фоний дунёда ҳеч ким, ҳатто пайгамбарлар ҳам абадий яшамайдилар.

¹²⁷Саъид бин Усмон – учинчи халифа Усмон(р)нинг ўгли; Ҳазрати Усмоннинг ундан ташқари яна Абдулмалик, Валид, Холид, Абдуллох, Сафар, Абдуллох Акбар каби фарзандлари бўлган. Саъид бин Усмон 676 йилда Хуросон ҳокими бўлган вақтида ўлпон-солиқларни йиғиб қайтиб кетган.

¹²⁸Молик Хузайма – Молик ибн Хузайма араб саркардаси бўлиб, манбаларга караганда, Самарқандни қайтадан босиб олишга бошчилик қилиб, маҳаллий аҳолини ислом динига қайта киритган.

¹²⁹Қурайш – қадимги араб задагон қабиласи. Муҳаммад(с) пайгамбарнинг олтинчи бобокалонлари бўлган Кулобнинг лакаби Қурайш бўлган.

¹³⁰Саъид бин Усмон назарда тутилаётир.

¹³¹Пайгамбар(с) қизлари – Умм Гулсум ва Руқиядан ташқари Он Ҳазратнинг Зайнаб, Фотима деган қизлари ҳам бўлган.

¹³²Пуштан Чўпон Ота – Чўпон Ота тепалиги.

¹³³«Муъаввазатони» - Қуръоннинг 113 ва 114 сураларининг биргаликда айтилиши.

¹³⁴Яъни, Ҳазрати пайгамбар(с) ва Ҳазрати Али (карамуллохи ваъжаҳу)нинг шафоатларини топиш маъносида.

¹³⁵Фарсах – узунлик ўлчови; 6 км га тенг.

¹³⁶Ислом дини ақидаси нуқтан назаридан шафоат қилиш фақатгина Муҳаммад алайҳиссалоту васалламга хос фазилатдир.

¹³⁷Қурбон байрам – (Ийд ал-адҳа) зулҳижжа ойининг 10-13 кунларида байрам қилинади. Қадим замонда одамларни қурбонлик қилишар эди. Иброҳим(а) пайгамбар ўғиллари Исмоил(а)ни Худо йўлига қурбонлик қилаётганларига, Худо жаннатдан кўк кўчқорни қурбонлик учун юбориб, Исмоил(а)ни омон қолдиради. Шундан бери мусулмонлар хайвонларни қурбонлик қиладилар. Рамазон байрами (Ийд ал-фитр) эса рамазон ойининг тугашида, яъни рўза тугаб, оғиз очиш билан боғлиқ диний байрамдир.

¹³⁸Ваъз – диний тарғибот олиб боришга айтилади.

¹³⁹Хожа Абду Берун мақбараси – бу мақбара Искандар Зулқарнайн қурдирган шаҳар деворидан (Девори Қиёматдан) ташқарида жойлашганлиги учун «Берун» дейилган. Манбалар бу кишини Хожа Абду Дарунининг оталари, дейди.

¹⁴⁰Абдуллох ибн Аббос – Ҳазрати Усмоннинг «Эҳёул-улум» асарида Абдуллох ибн Аббосни пайгамбар(с) амакизодалари ва Басра ҳокими бўлган, дейилган.

¹⁴¹Чакар – Самарқанд жанубида, Хожа Ахрор дарвозаси яқинидаги мавзе.

¹⁴²Рухобод – (Муқаддас рух мавжуд, маъносида) тасаввуфнинг таниқли арбоби Шайх Бурхониддин ибн Алоуддин Соғарчи ва фарзандлари мақбараси.

Ул зот чорёрлардан иккинчиси Умар авлодидан бўлиб, ривоят бўйича пайгамбарнинг муборак соч толалари (мўйи муборак) кутичага солиниб, ушбу макбаранинг гумбазига жойлаштирилгани учун ҳам «Рухобод» аталган экан. Бир вақтлар макбаранинг ёнида «Мўйи муборак» масжиди бўлган. Мавзеда 11та қабр мавжуд.

¹⁴³Бу ерда бироз кўпиртириб ёзилган. Аслида, сайидлар, хожалар ва маҳаллий арабларнинг ота-боболарини ҳақиқий араб наслидан деса бўлади.

¹⁴⁴Мухаммад ибн Халид ибн Волид – (Мухаммад Халид ибн Волид) ислом лашкарбошиси ва тарғиботчиси. Пайгамбар(с) унга «Сайфуллоҳ» (Оллоҳ қиличи) деб лакаб қўйганлар. Халид ибн Волид 648 йилда Хумсда вафот этган.

¹⁴⁵Амри маъруф ва наҳий мунакар – яхшиликка, тўғриликка чақириш ҳамда ёмонликдан қайтариш маъносига.

¹⁴⁶Шайхзода дарвозаси – шаҳар шимолида, ҳозирги Даҳбед шох кўчасида жойлашган дарвоза; кейинчалик Пойқабок дарвозаси деб аталган. Бундан ташқари шаҳар деворларида: Оханин, Ҳайрабод, Фируза, Сўзангарон, Хожа Аҳрор, Чорсу, шаҳар Аркида эса Оқдарвоза мавжуд бўлган.

¹⁴⁷Намозгоҳ – ҳозирги Намозгоҳ билан адаштирилмасин; қадимгиси Афросиёб харобаларида жойлашган бўлган.

¹⁴⁸Ҳи учинчи подшоҳ – араблар фатҳидан олдин ўтган подшоҳ.

¹⁴⁹Кўхистон – Самарқанд атрофидаги Ургут тоғлари, кўринад.

¹⁵⁰Мухаммадийлар – пайгамбаримиз(с) динидагилар, мусулмонлар.

¹⁵¹Шаҳидлик – дину диннат учун ғазовотда шарафли ҳалок бўлиш.

¹⁵²Муаззин – масжид минорасидан азон айтиб намозга чақирувчи шахс.

¹⁵³Исо пайгамбар нузули (тушиши) – Ақидада кўра қисматдан сал олдин Исо(а) осмондан ерга тушиб (нузул қилиб), халқларни динга даъват қилар экан. Сўнг, Имом Маҳдий (12чи Имом) билан Дажжолни Лаъин (халқни диндан қайтарувчи махлук) ўзаро урушадилар. Бошқа ривоят бўйича, Мадина шаҳридаги Мухаммад пайгамбар қабрларининг бир тарафида чорёрлар дафн этилган бўлиб, бошқа тарафдаги бир бўш қабр эса Исо(а)га тегишли ва ул зот осмондан тушгач, ушбу қабрга дафн этилар эканлар.

¹⁵⁴Қиёмат – ўрнидан тик туриш, маъносига. Оллоҳнинг тўрт бош фаришталаридан бири Исрофил(а) Фаластиндаги Қуддус тоғининг чўққисига ўтириб уч марта уд (сур) чалиб қиёматдан дарак берад эканлар: 1-чи марта чалганида элзила бўлиб, дунёнинг ярим аҳолиси ҳалок бўлар экан. 2-чи марта чалганида дунёдаги бор жонзодлар ҳалок бўлишар экан. 3-чи марта чалганида эса жамини жонзодлар ердан бош кўтариб, тик туришар ва Қиёмат бошланар экан.

¹⁵⁵Аттаҳиёт – намоз ўртасида, ўтириб ўқиладиган дуо.

¹⁵⁶Туман – Чингизхон ва Темур даврларидан қолган термин (сўз) бўлиб, ирригация (сугориш) билан боғлиқ маъмурий ҳудудга айтилади ҳамда 10.000 отлик аскар бера оладиган ҳудудга ҳам туман дейилган. Туман – мугулча сўз бўлиб, 10.000та, жуда кўп, тумонат деган маънодадир.

¹⁵⁷Ҳақиқатан ҳам Қусам ибн Аббос макбарасига кираверишдаги дарвоза

пештоқида ёзилишича: «Араб, Хишом, Курайш, Макка ва Мадина халқларининг пайгамбари (Муҳаммад с.) айтдилар: «Бошқаларга караганда Қусам ўзининг юз тузилиши, хусни ва фазилат (одат)лари билан менга кўпроқ ўхшайди». Қусам пайгамбарнинг(с) энг сеvimли жияилари бўлгани ва пайгамбар вафотларидан кейин ул зотнинг муборат жасадларини ювишда қатнашганлиги ҳамда айниқса, Марказий Осиёда илк марта ислом дини ва маданиятини ёйишда қилган хизматлари учун ҳам ул зотнинг мақбаралари мусулмон оламида энг муътабар зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади.

¹⁵⁸ **Сохибқирон** – илми нўжумда икки сайёра, яъни Зуҳал ва Муштарий юлдузлари бир нуқтада жойлашган вақтда туғилган бола «сохибқирон» аталиб, дунёга подшоҳ бўлган. Манбаларга кўра, сохибқирон ҳар 800 йилда бир марта туғилар экан. Тарихда учта сохибқирон келтирилган: 1) Искандари Зулқарнайн; 2) Муҳаммад(с) пайгамбар; 3) Амир Темури сохибқирон.

¹⁵⁹ **Муаллиф** хато қилаётир; Амир Темургача бу ерда Султон Санжар қурдирган мақбара мавжуд эди.

¹⁶⁰ **Қуръонда** ҳеч кимга, ҳатто пайгамбарларга ҳам абадий ҳаёт берилмаслиги ҳақида оятлар келтирилган. Демак, Қусам ибн Аббос тирик, яъни Шохизинда деб аташ ислом ақидасига ҳеч тўғри келмайди ва буни авом тўқиган.

¹⁶¹ **Фоний ва боқий олам** – Ҳозирги дунё ўткинчи (фоний)дир; нариги дунё эса умрбод (боқий) ҳисобланади. Яъни, Худога хизматлар қилиб у дунёнинг хузур ҳаловатига эга бўлиш, деган маънодадир.

¹⁶² **Илын ғайб** – сир билиш; тасавуфда кўрилмаган нарсани кўриб билиш.

¹⁶³ **Марди хирадманд** – ақлли, доно киши.

¹⁶⁴ **Фаридун** – қадимги Эрон подшоҳи, унинг уч ўғли бўлиб, Салм, Тур ва Эъраж номланганлар. Тур ва Эъраж подшоҳлик қилган ерларга уларнинг номлари билан Туркистон ва Эрон деб ном берилган.

¹⁶⁵ **Ҳак субҳона ва таолога** ҳамду санолар – Худонинг пок номини ёдга олиб, мактовлар айтиш.

¹⁶⁶ **Арвоҳи тайиба** – тавба қилган, кечирилганлар (тақводорлар) арвоҳи.

¹⁶⁷ **18 минг олам** – ислом ақидаси бўйича Худон таоло 18 минг оламни яратган ва шулардан бири бизнинг оламимиздир.

¹⁶⁸ **Вақф** – масжид, мадраса, хонақоҳ ва шу қабиларнинг таъминоти учун ажратилган мол-мулкга айтилади; бунга даромадли ер, дўкон ҳаммомлар қиради.

¹⁶⁹ **Султонул-орифин, Кутбул-ақтоб** – донолар султони, талабгорлар қутби.

¹⁷⁰ **Ғазавот уруши** – дин учун уруш олиб бориш.

¹⁷¹ **Ҳазрати Усмон(р) Қуръони** – Чорёрлардан халифа Усмон(р) 651 йилда Қуръоннинг энг аввалги тўрт нусхасини кўчиртириб, Мадина, Кўфа, Басра ва Дамашқ шаҳарларига жўнатган. Ривоятга караганда, асл нусхадаги ушбу Қуръонлардан бирини Амир Темур араб сафаридан олиб келган. Бошқа ривоятга караганда, Туркия султони Хожа Аҳрори Валига ушбу Қуръонни

тухфа қилган. Куръон Амир Темурнинг масжидул-жомеъидаги мрамар рихла-лавҳда қўйилган. Ҳозирда Ҳазрати Усмоғнинг муборак қони тўқилган ушбу улуг Китоб Тошкентда сақланаётир.

¹⁷² **Бобо Рағн** – илк тасаввуф намояндаларидан.

¹⁷³ **Ҳазрати Муҳаммад(с) Мустафо** – пайгамбар шу ном билан аталганлар. Мустафо – одамлар орасидан пайгамбарликка Худо томонидан танланган, дегани.

¹⁷⁴ **Қирқ кутб** – ривоят бўйича, тасаввуфда қирқта улуг машойих мавжуд.

¹⁷⁵ **Амир Исмоил Сомоний** – Сомонийлар сулоласи асосчиси Исмоил Сомоний назарда тутилаётир. Аммо, баъзи манбаларга қараганда, Исмоил Сомонийнинг қизи Моҳи Сиймога Имом Ҳусайннинг авлодидан бўлган Амир Абдуллох уйланган. Бу никоҳдан бухоролик сайидзода-«Худовандзода»лар авлоди пайдо бўлган. Балким, китобда бошқа куёв ҳақида сўз бораётгандир?!

¹⁷⁶ **Имом Зайнулобидин** – (657-713) бу зот Имом Ҳусайннинг иккинчи ўғиллари ва шиаликнинг тўртинчи Имомидир. Асл номлари Али Авсат бўлиб, лақабларидан машхури Зайнулобидин бўлган. Онаси – Шаҳрабону бўлиб, Эрон подшоҳи Нўширавон Одилнинг авлодидан эди. Имом 36(657) йилда Мадинаи мунавварада тугилиб, 94(713) йилда Волид ибн Абдуллоҳи лаъни томонидан ҳалок этилган.

¹⁷⁷ **Қутбул-актоб** – кутблар кутби, маъносида.

¹⁷⁸ **Пайгамбар(с)нинг Руқия** ва Умм Гулсумдан ташқари яна Зайнаб ва Фотима деган қизлари ҳамда Қосим(р), Тохир(р) ва Иброҳим(р) деган гўдақлигида вафот этган ўғиллари ҳам бўлган.

¹⁷⁹ **Шайх Нуриддин Басир** – (Қутби Чаҳордахўм - 14чи Қутб) 1242 йилда вафот этган; тасаввуфнинг Суҳравердия тариқати йирик арбобларидан. Қўзлари тугма кўр бўлса-да, кўра оладиган даражада авлиё бўлгани боис, «Басир» (кўрувчи) лақабини олган. Бу Шайх дағи этилган макбарани Амир Темур пири Шайх Бурҳониддин Соғаржий маслаҳати билан Новадон ариғи ёнида қурдирган (ҳозирги драм-театр ёнбошида). 1880 йил август ойида рус маъмуриятининг тазйиғи билан Шайх Нуриддин Басирнинг жасадлари Ҳазрати Хизр(а) кабристонига кўчирилиб, макбарани 10 пудлик ёнилги билан портлатилган.

¹⁸⁰ **Навароллоху марқада** – қабрини Худо ярлакасин.

¹⁸¹ **Вали** – эга, соҳиб, авлиё, Худонинг азиз бандаси.

¹⁸² **Сайидзода, сайид** – пайкамбар авлоди; пешво.

¹⁸³ **Тасбиҳ** – субҳоноллох, алҳамдулиллох. Оллоху Акбар деб Худони шарафлаш, мадх этиш; ибодатда зикр ҳисобини олиб борувчи мунчок шодаси.

¹⁸⁴ **Шайх (Султон) Бурҳониддин Қилич** – XIII асрда яшаган тасаввуфнинг йирик арбоби ва Фарғона подшоҳи. Ул зотнинг отаси Сайид Камолиддин Имом Ҳусайн авлоди бўлиб, Нақшбандиянинг буюк арбобларидан Маҳдуми Аъзами Даҳбедийнинг бешинчи бобокалонидир. Онаси эса Фарғона подшоҳи Султон Илик Мозийнинг ягона қизи бўлган. Шунинг учун ҳам ўгли бўлмаган Султон Илик набираси Султон Бурҳониддин Қиличнинг ўз ўрнига тахтга ўтказган. Юртимиздаги аксарият сайидзодалар

аждодаларни ушбу зотга бориб такашади.

¹⁸⁵ **Нил дарёси** – Африкадаги азим дарё, куйилиши Миср давлатидадир.

¹⁸⁶ **Густохлик** – одобсизлик, андишасизлик, тортинмайдиган киши.

¹⁸⁷ **Навохий** – мамлакатлар, атрофлар (бирлиги – ноҳия, район, туман).

¹⁸⁸ **Умар ибн ал-Хаттоб** – (634-644 йиллар ҳукм сурган) 2чи чорёр, халифа.

¹⁸⁹ **Харам** – хос жой, ичкари ховли, ўзга киши киритилмайдиган жой.

¹⁹⁰ **Риёзат** – нафсни тийиб, хоҳиши ила таквода машаққатли яшани.

¹⁹¹ **Хирка** – шайхларнинг шогирдларга мерос қолдириладиган чопони.

¹⁹² **Ло илоҳа иллоллоҳу** – Худодан бошқа илоҳ йўқ, дегани.

¹⁹³ **Иршод** – тўғри, Ҳақ йўлига йўллаш; тасаввуфда пирлар ўз шогирдларига иршод ҳуқуқи ёзиб бериб, Ҳақ йўлига хизмат этишга йўллашади.

¹⁹⁴ **Мухтасар** – қисқартирилган, қисқача, ихчам.

¹⁹⁵ **Яъни**, қутблик даражасига (пағонасига) кўтарилиш, маъносиди.

¹⁹⁶ **Амир Сайид Али Ҳамадоний** – XIII асрда яшаган тасаввуфнинг машхур пирларидан. Эроннинг Ҳамадон шаҳрида туғилган. Шайх Нажмиддин Кубро ва Бурхониддин Соғаржийларни ўзига пир билган.

¹⁹⁷ **Ғусл** – чўмилиш; бадани бутун аъзоларига сув етказиб пок бўлиш.

¹⁹⁸ **Рихлат** – бу дунёдан кўчиш, яъни вафот этиш.

¹⁹⁹ **Ҳуқанд** – ҳозирги Қўқон шаҳри.

²⁰⁰ **Увайс Қарани** – 657 йилда вафот этган. Увайсийлар силсиласи сар халқаси. Тасаввуфда ўзи туғилишидан олдин вафот этганларни рухониятли пир-устоз тутишга «Увайсий» дейишади. Чунки Увайс Қарани пайғамбар(с)ни кўрмасдан ул зотни ўзларига пир ҳисоблаган илк машойих бўлган.

²⁰¹ **Мужтахид** – диний қоидаларни ўзгартириб, янги мазҳаб тузувчи; мустақил равишда диний масалаларда ҳукм чиқара оладиган шахс.

²⁰² **Шайхзода Абу Саъид** – Шайх урхониддин Соғаржийнинг тўнғич ўгли. Амир Темурнинг пирларидан бири.

²⁰³ «**Ҳидоя**» - Имом Бурхониддин Марғишоний(1123-1197)нинг шох асарини.

²⁰⁴ Ҳозирда бу мавзеда Рухобод мақбараси бўлиб, Шайх Соғаржийдан ташқари яна ул зотнинг ўн нафар ахли оиласи дафн этилгандир.

²⁰⁵ **Имом Абдуллоҳ** – Эронда яшаб ўтган имомзода. Сайид Бурхониддин Қилич ва Махдуми Аъзами Даҳбедийларнинг бобокалони.

²⁰⁶ **Хулоқу** – Хулоқухон ибн Тули ибн Чингизхон (1256-1265 йиллар Эрону Озарбайжонда ҳукм сурган). Илхонийлар сулоласининг биринчи ҳукмдори.

²⁰⁷ **Имом Ҳасан фарзандлари** – Имом Ҳасаннинг кўп фарзандлари бўлган: Зайд, Ёқуб, Ҳамза, Абдуллоҳ, Исмоил, Талха, Умар, Хусайн, Ҳасани Машний, Қосим, Абдурахмон, Фотима. Китобда келтирилганлар Имом Ҳасаннинг бошқа хотинларидан туғилган фарзандлар бўлса керак.

²⁰⁸ **Хорижийлар** – Ҳазрати Алининг бир қисм тарафдорлари ул зотнинг Амир Муовияга қарши ҳаракатларини катиятсизликка йўйишиб, келишувчиликлари учун ажралашади ва ул кишига қарши уруш қилишади.

Улар ислом динидаги биринчи фирка бўлиб, хорижийлар (ёт кишилар) аталганлар.

²⁰⁹Бу мавзе ҳозирги Регистон майдонидан жануби-ғарб томонда жойлашган зиёратгоҳ бўлган.

²¹⁰**Мўсо(а)** – яхудийлар пайғамбари; ғўдаклик чоғларида Миср подшоҳи Фиръавн аъёлари ул зотни Ниш дарёсида сават-тобут ичида оқиб келаётганида топиб олгани учун «Мўсо» (сават, тобут ва сув маъносида) деб аташган.

²¹¹**Умматлар** – (Умма) маълум динга ва расулга эътиқод қилувчи жамоа.

²¹²**Жабронл(а)** – Малонкатул-муқарраб (энг яқин фаришта)ларнинг бири.

²¹³Агар Имом Мухаммад Ханифа Самарқанддаги Жавзония мадрасасида дарс берган бўлса, демак бу кишини Имом Аъзам-Абу Ханифа билан адаштирмаслик лозим. Чунки, Имом Аъзам ҳеч қачон Самарқандда бўлмаган.

²¹⁴Баховаддин Нақшбанд назарда тутилаётир. Ул зотнинг оталарини номи Сайид Мухаммад Жалолиддин Бухорийдир. Китобда ул кишининг устози Хожа Бобон Саммосини бошқа шайх – Бобо Соҳиб Сарматий билан адаштирилаётир.

²¹⁵**Сайид Неъматуллохи Вали Табризий** – тасаввуфдаги «Неъматуллоя» силсиласи асосчиси. Ул зот шайхнинг бешинчи Имоми Мухаммад Боқир авлодидан бўлиб, ёшлигида Самарқандда, Ҳиротда яшаган. Шохрух Мирзо даврида катта нуфузга эга бўлган. Аммо, қабри бу ерда бўлмай, қадамжоларидир.

²¹⁶**Шайх Абул Ҳасайин-Ҳусайин** – бу ерда Ҳазрати Ғавсул Аъзам-Шайх Абдулқодир Желоний назарда тутилаётирлар. Ул зотнинг оталари Имом Ҳасан авлодидан, оналари эса Имом Ҳусайн зурриётидандир. Қабрлари Ироқда бўлиб, бу ерда ул зотнинг авлодларидан бири кўмилган бўлса керак.

²¹⁷**Шайх Роқим** – Абу Бакр Варроқнинг шогирди; уни тарихчи Сайид Шарифи Роқим билан адаштирилмасин.

²¹⁸**Абу Бакр Варроқ Термизий** – Шайх Абул Қосим Абу Бакр Варроқ (980 йил вафот этган). Ўрта Осиёнинг машҳур олим шайхларидан бўлиб, Термизда туғилган. Умрини сайру саёхатларда ўтказган. Имом Замахшарийнинг шогирдларидан ва кўпинча Балхда яшаб, бошқа динлар тарихини яхши билган.

ТАМОМ

Адабий бадийи наир

Қ А Н Д И Я

Тадқиқот, сўзбоши, изоҳ ва форс
тилидан таржима муаллифи
Комилхон Каттаев

Иккинчи нашр

Самарқанд «Сугдиён» нашриёти. 2015 йил.
Муҳаррир – Жамол Сирожиддин
Мусаввир - Аҳмаджон Камолиддин Ориф
Техник муҳаррир – Г. Таирова
ИБ

Босмахонага 22.01.2016 йилда берилди.
Босишга 25.01.2016 йилда рухсат этилди.
Ҳажми 4,5 б.т. Буюртма № 32.
Адади 2000 нусхада.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“MENRIBON POLIGRAF SERVIS” МЧЖ
Босмахонасида чоп этилди.
Самарқанд шаҳри, М.Қонғарий кўчаси, 85А-уй

